

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

“Тарих” кафедраси
“Ўзбек давлатчилиги тарихи”

фанидан

ЎҚУВ - МЕТОДИК КОМПЛЕКС

Билим соҳаси: 100000 - Таълим

Таълим соҳаси: 140000- Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани

Бакалавриат йўналиши: 5141100 – Тарих

ТОШКЕНТ – 2012

«Тарих» кафедраси

“Ўзбек давлатчилиги тарихи”

фанидан

ЎҚУВ УСЛУБИЙ КОМПЛЕКС

Ушбу ўқув-услубий мажмуа “Ўзбек давлатчилиги тарихи” фани бўйича яратилган бўлиб, унда мазкур фаннинг ўқув дастури, ишчи дастури, маъруза машғулотларининг таълим технологияси ва семинар машғулотларининг таълим технологияси жамланган.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа олий ўқув юртларининг бакалавр таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Тузувчи:

т.ф.н. доц З.Илхомов

Такризчилар:

т.ф.н.Б.Қодиров
Т.ф.н. доц Н.Эгамбердиева

Ўқув-услубий мажмуа Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг 201__ йил
__ даги __ - сонли қарори билан тавсия этилган.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети
«Тарих» кафедраси доценти З.Илҳомов томонидан
“Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанидан тайёрлаган ўқув услубий мажмуага
ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ

Ушбу ўқув-услубий мажмуа “Ўзбек давлатчилиги тарихи” фани бўйича яратилган бўлиб, унда мазкур фanning ўқув дастури, ишчи дастури, маъруза машғулотларининг таълим технологияси ва семинар машғулотларининг таълим технологияси жамланган.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа олий ўқув юр்தларининг бакалавр таълим йўналиши 5140600- Тарих талабалари учун мўлжалланган.

“Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанининг таълимдаги ўрни талабаларнинг Ўзбекистон тарихининг турли даврларига оид ўзлаштирилган билим ва малакаларига асосланган ҳолда давлатчилик ва унинг келиб чиқиши, вазифалари ва функциялари, давлатчилик асослари ва унинг тараққиёт жараёнлари, давлатчилик босқичлари ва уларнинг хусусиятлари, бошқарув шакллари ва уларнинг асосий жиҳатлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш ҳамда етарли маълумотга эга бўлиш билан белгиланади.

Ўзбекистонда демократик ҳукукий давлат қуриш жараёнида ўтмишнинг тарихий тажрибаси, ўзбек халқининг қадимий давлатчилик анъаналари ўрни бекиёс. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқлари ва асарларида ўз аксини топган ўзбек давлатчилиги масалалари, қонунчилик ҳамда Ватанимиз тарихини ўрганишга оид назарий хулосалар ва кўрсатмалари ушбу фanning методологик асосини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ўзбек давлатчилиги тарихини ҳолисона, ҳаққоний, тарихийлик анъаналари ва тарихий далиллар асосида манбаларга суянган ҳолда чиқарилган илмий хулосалар асосида ёритиб бериш мазкур фanning асосий мақсади этиб белгиланган.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши унинг давлатчилиги билан бевосита боғлиқ ва ҳар икки жараённинг юз бериши бир-бири билан ҳамбарчас ҳолда юз берган. Яъни ўзбек халқининг шаклланиши учун мазкур ҳудудга кириб келган ва таъсир ўтказган ўзга халқлар иштирокида эмас, балки шу заминда азалдан яшаб келаётган ва ўз давлатчилигига асос солган маҳаллий туб аҳоли асос бўлган. Бу жараёнда айниқса, Жанубий Ўзбекистон, Хоразм, Тошкент ва Фарғонанинг қадимги аҳолиси катта ўрин тутган. Бу жараён айнан шу аҳоли томонидан юқорида айтиб ўтилган ҳудудларда ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйганлигидан далолат беради. Мазкур масалаларнинг тугал илмий ечимини аниқлаш ҳам ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг муҳим масалаларидан бири саналади.

Такризчи:

З.Илҳомов

доц. Н.Эгамбердиева



Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети
«Тарих» кафедраси доценти З.Илҳомов томонидан
“Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанидан тайёрлаган ўқув услубий мажмуага
ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ

Ушбу ўқув-услубий мажмуа “Ўзбек давлатчилиги тарихи” фани бўйича яратилган бўлиб, унда мазкур фаннинг ўқув дастури, ишчи дастури, маъруза машғулотларининг таълим технологияси ва семинар машғулотларининг таълим технологияси жамланган.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа олий ўқув юртларининг бакалавр таълим йўналиши 5140600- Тарих талабалари учун мўлжалланган.

“Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанининг таълимдаги ўрни талабаларнинг Ўзбекистон тарихининг турли даврларига оид ўзлаштирилган билим ва малакаларига асосланган ҳолда давлатчилик ва унинг келиб чиқиши, вазифалари ва функциялари, давлатчилик асослари ва унинг таракқиёт жараёнлари, давлатчилик босқичлари ва уларнинг хусусиятлари, бошқарув шакллари ва уларнинг асосий жиҳатлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш ҳамда етарли маълумотга эга бўлиш билан белгиланади.

Ўзбекистонда демократик ҳукукий давлат қуриш жараёнида ўтмишнинг тарихий тажрибаси, ўзбек халқининг қадимий давлатчилик анъаналари ўрни бекиёс. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқлари ва асарларида ўз аксини топган ўзбек давлатчилиги масалалари, конунчилик ҳамда Ватанимиз тарихини ўрганишга оид назарий хулосалар ва кўрсатмалари ушбу фаннинг методологик асосини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ўзбек давлатчилиги тарихини ҳолисона, ҳаққоний, тарихийлик анъаналари ва тарихий далиллар асосида манбаларга суянган ҳолда чиқарилган илмий хулосалар асосида ёритиб бериш мазкур фаннинг асосий мақсади этиб белгиланган.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши унинг давлатчилиги билан бевосита боғлиқ ва ҳар икки жараённинг юз бериши бир-бири билан ҳамбарчас ҳолда юз берган. Яъни ўзбек халқининг шаклланиши учун мазкур ҳудудга кириб келган ва таъсир ўтказган ўзга халқлар иштирокида эмас, балки шу заминда азалдан яшаб келаётган ва ўз давлатчилигига асос солган маҳаллий тўб аҳоли асос бўлган. Бу жараёнда айниқса, Жанубий Ўзбекистон, Хоразм, Тошкент ва Фарғонанинг қадимги аҳолиси катта ўрин тутган. Бу жараён айнан шу аҳоли томонидан юқорида айтиб ўтилган ҳудудларда ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйганлигидан далолат беради. Мазкур масалаларнинг тугал илмий ечимини аниқлаш ҳам ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг муҳим масалаларидан бири саналади.

Такризчи:

“Ўзбекистон тарихи” кафедраси
мудири доц. Б.Қодиров



УСЛУБИЙ МАЖМУА МУНДАРИЖАСИ

1. “Тарих фани метадологияси” фани бўйича ўқув дастури.....
2. “Тарих фани метадологияси” фани бўйича ишчи
дастур.....
- 3.Таълим технологиялар ишланмаси.....
- 3.1Лекция машғулоти мавзулари бўйича.....
- 3.4.Семинар машғулот мавзулари бўйича.....
4. Компакт диск.....

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

«Рўйхатга олинди»

№ _____
2008 йил « _____ » _____

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2008 йил « _____ » _____ даги « _____ »-
сонли буйруғи билан тасдиқланган

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ

фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000 – Таълим
Таълим соҳаси:	140000 – Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани
Таълим йўналиши:	5140600 – Тарих

Тошкент -2008

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2008 йил «_____» _____ «_____»-сонли мажлис баённомаси билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университетида ишлаб чиқилган

Тузувчи:

З.А.Илҳомов - тарих фанлари номзоди, Низомий номидаги ТДПУ
«Тарих» кафедраси доценти в/б.

Такризчилар:

С.Тиллабоев – тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси Тарих институти илмий ходими
М.Эсонов – тарих фанлари номзоди, Низомий номидаги ТДПУ
“Тарих” кафедраси

Фаннинг ўқув дастури Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Илмий-услубий кенгашида тавсия қилинган
(2008 йил «_____» _____ «_____» - сонли баённома)

Кириш

Ушбу дастур Ўзбекистон ҳудудларида давлатчиликнинг шаклланишидан бошлаб бугунги кунгача ўтган давр мобайнида давлатчиликнинг соҳасида юз берган тараққиёт жараёнлари, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар ва уларнинг хусусиятлари ҳамда ўзбек давлатчилигининг ривожланиши босқичлари масалаларини ўз ичига олган.

Фанининг мақсад ва вазифалари

Фаннинг мақсади: Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида ўтмишнинг тарихий тажрибаси, ўзбек халқининг қадимий давлатчилик анъаналари ўрни беқиёс. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқлари ва асарларида ўз аксини топган ўзбек давлатчилиги масалалари, қонунчилик ҳамда Ватанимиз тарихини ўрганишга оид назарий хулосалар ва кўрсатмалари ушбу фаннинг методологик асосини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ўзбек давлатчилиги тарихини ҳолисона, ҳаққоний, тарихийлик анъаналари ва тарихий далиллар асосида манбаларга суянган ҳолда чиқарилган илмий хулосалар асосида ёритиб бериш мазкур фаннинг асосий мақсади этиб белгиланган.

Фаннинг фазифалари: Ўзбек халқининг келиб чиқиши унинг давлатчилиги билан бевосита боғлиқ ва ҳар икки жараённинг юз бериши бир-бири билан ҳамбарчас ҳолда юз берган. Яъни ўзбек халқининг шаклланиши учун мазкур ҳудудга кириб келган ва таъсир ўтказган ўзга халқлар иштирокида эмас, балки шу заминда азалдан яшаб келаётган ва ўз давлатчилигига асос солган маҳаллий туб аҳоли асос бўлган. Бу жараёнда айниқса, Жанубий Ўзбекистон, Хоразм, Тошкент ва Фарғонанинг қадимги аҳолиси катта ўрин тутган. Бу жараён айнан шу аҳоли томонидан юқорида айтиб ўтилган ҳудудларда ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйганлигидан далолат беради. Мазкур масалаларнинг тугал илмий ечимини аниқлаш ҳам ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг муҳим масалаларидан бири саналади.

Ўзбекистон ҳудудларидаги дастлабки давлатлар ва давлат уюшмаларининг ўзаро ва қўшни ҳудудий сиёсий бирлашмалар ва давлатлар билан барча соҳадаги алоқалари, уларнинг тарихий географик ҳудудлари ва чегаралари ҳақидаги масалаларнинг ҳам бугунги тарих фанида ўзининг мукамал илмий хулосаларига эга бўлиши, бунда қадимги ва ўрта асрларга хос тарихий ва географик манбаларнинг ўрганилиши ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг муҳим масалаларидан биридир.

Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг яна бир муҳим вазифаси Ўзбекистонда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва энг қадимги давлатчиликнинг келиб чиқишида азалий ўтроқ аҳолининг маданияти хал этувчи омил бўлганлигини кўрсатиб бериш. Ўзбек давлатчилиги тараққиёти жараёнида ҳукм сурган давлатлар ва улардаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнларни чуқур ва изчил тадқиқ қилишидан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

Ўзбек давлатчилиги тарихи фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

-Ўзбек давлатчилиги тарихи фанидан олинган назарий **билимларни** амалий қўллай олишлари;

-тарихий таҳлил маълумотларни жамлаш ва классификациялаш, уларни даврлаштириш, қиёсий ва илмий таҳлилий таққослаш, солиштириш олинган хулосаларни илмий равишда баён эта олиш, тарихни ўрганишга тарихийлик ва объективлик ҳамда илмийлик нуқтаи назаридан ёндашиб миллий истиқлол мафқураси тамойилларини чуқур англаган ҳолда хулосалаш **кўникма** ва **малакасига** эга бўлиш керак.

Фанининг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма–кетлиги

Ўзбек давлатчилиги тарихи фани тарих фанининг таркибий қисми бўлиб, талабалар бу фанни ўқиш ва ўзлаштириш жараёнида “Ўзбекистон тарихи”, жаҳон тарихининг барча давлари, “Тарихшунослик”, “Этнология”, “Ёрдамчи тарих фанлари”, “Археология”, “Нумизматика”, “Тарихий ўлкашунослик”, “Музейшунослик” каби фанлардан олган билимларига суянишлари кўзда тутилган.

“Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанининг таълимдаги ўрни

“Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанининг таълимдаги ўрни талабаларнинг Ўзбекистон тарихининг турли давларига оид ўзлаштирилган билим ва малакаларига асосланган ҳолда давлатчилик ва унинг келиб чиқиши, вазифалари ва функциялари, давлатчилик асослари ва унинг тараққиёт жараёнлари, давлатчилик босқичлари ва уларнинг хусусиятлари, бошқарув шакллари ва уларнинг асосий жиҳатлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш ҳамда етарли маълумотга эга бўлиш билан белгиланади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Ўзбек давлатчилиги тарихи фанини ўқитишда турли кўргазмалар, тарқатма материаллар, компьютер, хариталар ва чизмалар, моддий ва ёзма манбаларнинг асл нусхалари ёки нусхалари ва бошқа кўргазмали қуроллардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек маъруза ва семинар дарсларида талабаларнинг фан бўйича тасаввурларини кенгайтириш ҳамда билим доирасини чуқурлаштириш ва етказиб бера олиш малакаларини ҳосил қилишга йўналтирилган турли янги ва амалда синаб кўрилган педагогик технологиялардан фойдаланиш кўзда тутилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбек давлатчилиги тарихи фанига кириш

Давлат тушунчаси ва унинг хусусиятлари, вазифалари, инсоният тарихида давлатнинг тугган ўрни ҳақидаги тушунчаларни бериш билан бирга Ватан тушунчаси ва ватанпарварлик ҳисси ҳамда туйғусини тарбиялашга катта аҳамият бериш лозим. Бунда ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихига оид кўплаб моддий ва ёзма манбалар, илмий ва тарихий тадқиқотларни ҳолисона, ҳаққонийлик тамойили асосида ўрганиш муҳим ўрин тутди. Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи фанини ўрганишда манбалар ва уларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Мамлакатимиз ҳудудида давлатчиликка ўтишдаги тарихий шарт-шароитлар (милoddан аввалги II минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярми)

Тош даврининг энг қадимги босқичларидаёқ Ўзбекистон тупроғида одамларнинг ўрнаша бошлаши. Энг қадимги одамларнинг яшаш тарзи ва Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб ёйилиш жараёни.

Ўрта тош даври одамларнинг турмуш тарзи ва қуролларнинг такомиллашиб бориши. Иқлимнинг ўзгариши ва инсон ҳаётида юз берган ўзгаришлар. Тешиктош макони.

Замонавий қиёфадаги одамларнинг шаклланиши. Ижтимоий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар, жамиятда жуфт оилаларнинг шаклланиши.

Мезолит ва неолит давлари кашфиётлари ва ютуқлари. Ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтилишининг инсоният ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти. Маданий ва иқтисодий ўзгаришлар.

Бронза даврида ишлаб чиқариш муносабатларининг тез ривожланиши ва ижтимоий иқтисодий жараёнларнинг янгича тараққий этиши.

Бронза даврида Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудларида турли қиёфали одамларнинг жойлашиши ва Ўрта Осиё ҳудудларида турли элатларнинг шаклланиши. Ўзбекистон ҳудудларида илк давлатчиликка ўтиш жараёнларининг бошланиши.

Ўзбекистонда илк давлатчилик тарихи

(милoddан аввалги I минг йиллик биринчи ярми)

Жаҳон тарихида илк давлатчилик юзага келган ҳудудлар ва уларнинг хусусиятлари. Ўзбекистонда илк давлатларнинг шаклланиши ҳақида археологик манбаларнинг маълумотлари. Дастлабки давлатларнинг жойлашув хусусиятлари ва ўзига хос белгилари. Қабилаларда жамоа муносабатларидаги ўзгаришлар ва ижтимоий муносабатларнинг такомиллашиб бориши.

Ўзбекистонда дастлабки давлат уюшмаларининг ташкил топишидаги ижтимоий ва иқтисодий ҳамда сиёсий шарт-шароитлар.

Ўзбек давлатчилиги тарихига оид ёзма манбалар - “Авесто”, Аҳмонийлар даври ёзувлари (Бехистун ва Нақши Рустам қоятош ёзувлари, Суза, Персепол, Хамадон шаҳарларидан топиб ўрганилган ёзувлар ва лавҳалар), антик дуне муаллифлари Гекатей, Ктесий, Геродот ва бошқаларда ўзбек давлатчилиги тарихи, иқтисодий-ижтимоий тузуми ҳақидаги маълумотлар.

Ўрта Осиёда мавжуд бўлган Арёшайёна, Қадимги Хоразм, Қадимги Бақтрия давлатлари. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёт, давлатчилик тизими. Давлатлар ўртасидаги умумийлик ва ўзаро муносабатлик.

Ўзбекистон ҳудудларида қадимда ташкил топган ва ривожланган шаҳарлар ва шаҳар маданияти. Афросиёб, Қизилтепа, Узунқир, Ерқўрғон ёдгорликларидаги шаҳар

белгилари ва хусусиятлари. Шаҳарларнинг ўзбек давлатчилигининг шаклланишидаги ўрни ва аҳамияти.

Илк давлатларнинг ҳудудий асослари, “маданий-хужалик” воҳалари.

Милоддан аввалги биринчи минг йиллик биринчи ярмидаги иқтисодий ҳаёт. Ижтимоий муносабатлар.

Ўзбекистон ҳудудларида илк давлатларнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёни босқичлари.

Ўзбекистонда қадимги давр давлатчилиги тарихи

(милоддан аввалги VI - милодий IV асрлар)

Милоддан аввалги VI-IV асрлардан милодий IV асрларгача бўлган даврни ўз ичига олиб, *сиёсий жиҳатдан* бу даврда Ўрта Осиёда, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида мавжуд бўлган давлатлар бошқарув тизимида Эрон ва қисман Юнон-македон давлатлари бошқарув тизими таъсири остида давлатчилик аъёналарининг давом эттирилиши ва айрим ўзгаришларнинг қабул қилиниши. Айни вақтда маҳаллий давлатлар бошқарув тизими ва давлатчилик тузилишининг такомиллашиб бориши. *Иқтисодий жиҳатдан* йирик экин майдонларининг барпо этилиши ва суғориш тармоқларининг шакллантирилиши, ҳунармандчилик ва чорвачиликнинг алоҳида хўжалик турлари сифатида тараққий этиб бориши, ички бозорларнинг фаоллашуви ва Буюк Ипак савдо йўлининг юзага келиши ҳамда ташқи савдо-маданий алоқаларнинг йўлга қўйилиши.

Македониялик Искандарнинг ҳарбий юришлари ва улкан салтанатнинг барпо қилиниши ва Ўрта Осиё жанубий ҳудудларининг босиб олиниши. Искандар салтанатининг парчаланиши ва Ўрта Осиё ҳудудларининг Салавкийлар давлати таркибига киритилиши. Салавкийлар давлатининг таркиби ва давлатчилик хусусиятлари. Давлат бошқаруви ва “подшо саройи”нинг аҳамияти. Аҳмонийлар ва Салавкийлар давлат бошқарувидаги умумий белгилар. Давлатнинг маъмурий бўлиниши - сатрапликлар. Салавкийлар давлатида солиқ сиёсати. Салавкийлар давлатида ички курашларнинг кучайиши ва милоддан аввалги III аср ўрталарида Салавкийлар давлатидан Юнон-Бақтрия ва Юнон-Парфия давлатларининг ажралиб чиқиши.

Юнон-Бақтрия давлатининг маъмурий ҳудудий бўлиниши ва давлат бошқарув тизими. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги босқичма-босқич ривожланиш жараёни. Милоддан аввалги II аср ўрталарида Юнон-Бақтрия давлатининг инқирозга учраши. Милоддан аввалги 140-130 йилларда Юнон-Бақтрия давлатининг юэчжи қабилалари томонидан босиб олиниши ва кулатилиши.

Кушон подшолигининг ташкил топиши. Кушон подшолигининг ҳудудлари ва унга ҳозирги Ўзбекистон асосий ҳудудларининг (Хоразм, Зарафшон, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона) кирмаганлиги. Кушонлар сулоласи ва давлати тарихини ёритувчи манбалар. Кушонлар давлатида давлатчилик бошқаруви аъналари. Кушон пошолгида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Кушон давлати тараққиётида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти.

Қанғ давлатининг шаклланиши ва ҳудудлари. милоддан аввалги II - милодий I асрларда Қанғ давлати ҳудудлари. Қанғ давлатининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши. Аҳолининг машғулоти, иқтисодий тараққиёт. Қанғ давлати тараққиётида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти.

Довон (Фарғона) давлатининг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўзига хос ўрни ҳамда сиёсий, иқтисодий аҳволи. Довон-Хитой урушлари. Довон давлатининг Хитой, Ҳиндистон ва бошқа шарқ мамлакатлари билан иқтисодий ва маданий алоқалардаги тутган ўрни.

Милоддан аввалги IV-II асрларда Хоразм давлатчилик тизимининг такомиллаштирилиши. Жонбоскала, Тупроккала.

Қанғ, Хоразм, Довон давлатларида мавжуд давлатчилик тизими, хўжалик ҳаётининг тараққий этиб бориши ва унинг ўзбек давлатчилиги тараққиётидаги ўрни.

Ўзбекистонда илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (V -VII асрлар)

Бу даврда *сиёсий жиҳатдан* Ўрта Осиё ҳудудларида туркий давлатларнинг қарор топиши ва бошқарувда айрим туркий-кўчманчи анъаналарнинг вақтинчалик жорий этилиши, давлат мафкураси сифатида оташпарастлик ва зардуштийлик анъаналарининг емирилиб бориши, сиёсий тарқоқликнинг кучайиб бориши. *Иқтисодий жиҳатдан* ерга эгалик муносабатларининг шаклланиши, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг мукаммаллашиб бориши, ерга эгалик том маънодаги давлат сиёсатида кўтарилиши,

Ўрта Осиёда Эфталлийлар давлатининг ташкил топиши ва ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазият ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлар. Эфталлийлар давлатида бошқарув тизими ва давлат мустаҳкамлиги ҳамда қудратида қўшиннинг аҳамияти. Эфталларга қарашли вилоятлар ва шаҳарлар ҳамда уларнинг иқтисодий сиёсий ва маданий ҳаёт тараққиётидаги ўрни. Эфталлийлар ва Сосонийлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар. Эфталларда аҳолининг ижтимоий таркиби. Диний эътиқод ва маданий ҳаёт.

Эфталларнинг инқирозга учраши. Турк хоқонлигининг ташкил топиши. Турк хоқонлиги давлати бошқарув хусусияти. Ўрта Осиёда Турк хоқонлигига расман бўйсунувчи бир неча мустақил мулкларнинг шаклланиши ва уларнинг давлатчилик хусусиятлари. Жамиятдаги сиёсий иқтисодий ўзгаришлар таъсирида маданий ҳаётнинг ривожланиб бориши. VII асрда сиёсий тарқоқликнинг кучайиши.

VIII асрдан бошлаб Мовароуннаҳрда Араб халифалиги ҳукмронлигининг ўрнатилиши, давлатчилик анаъналарида ислом динига асосланган бошқарув элементларининг кириб келиши ва ислом динига асосланган мафкуранинг шаклланиши, *иқтисодий жиҳатдан* халифалик таркибидаги давлатлар билан чуқур алоқага киришиш ва Буюк Ипак йўли аҳамиятининг ошиб бориши.

IX-XIII аср бошларида ўзбек давлатчилиги тарихи

IX аср урталари – XIII аср биринчи чорагигача бўлган даврда *сиёсий жиҳатдан* Ўрта Осиёдаги дастлабки марказлашган давлат сифатида Сомонийлар давлатининг юзага келиши ҳамда сиёсий бошқарувдаги мавжуд анаъналарнинг такомиллаштириши ва мураккаб тузилмага эга давлат бошқарувининг шаклланиши, йирик салтанатлар (империялар) даражасига кўтарилган туркий давлатларнинг қарор топиши ва бошқарув шакллари ҳамда марказлашиш жараёнларининг такомиллашиб бориши, *иқтисодий жиҳатдан* ерга эгалик муносабатларининг кенгайиши ва мураккаблик касб этиши, солиқларнинг бир тизимига солиниши, халқаро савдода муомала даражасига кўтарилган пулларнинг зарб қилиниши, суғориш тармоқларининг кўпайиши, Буюк Ипак йўли фаолиятининг кенгайиши ва халқаро савдонинг тараққий этиши, иқтисодий марказларга даражасига етган шаҳарларнинг кўпайиши масалаларини ёритиб бериш кўзда тутилган.

Тоҳирийлар давлатида ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар. Тоҳирийлар давлат бошқарув тизимида ҳуқуқий муносабатларнинг аҳамияти. “Китоб ал куний”.

Сомонийларнинг Мовароуннаҳрда ҳукмронликни қўлга киритиши ва мустақил давлат барпо қилиш йўлидаги ҳаракатлар. Исмоил Сомоний ва Сомонийлар давлатининг мустақилликка эришуви. Исмоил Сомонийнинг давлатни мустаҳкамлаш борасида олиб борган ислохотлари. Сомонийлар ва Саффорийлар ўртасидаги кураш ва Хуросоннинг Сомонийлар ҳукмронлиги остига ўтиши. Сомонийлар давлат бошқарув тизими ва бунда девонларнинг аҳамияти. Сомонийлар давлатида ҳуқуқий муносабатлар. Сомонийлар давлатида иқтисодий-ижтимоий муносабатлар.

Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши ва Мовароуннаҳрга ҳарбий юришлари. Сомонийлар давлатининг қулатилиши ва Мовароуннаҳрда Қорахонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши. Қорахонийлар давлатида ички курашлар ва

Мовароуннаҳрдаги Қорахонийларнинг алоҳида давлат сифатида шаклланиши Қорахонийларнинг қорахитойлар ва салжуқийлар билан олиб борган курашлари. Мовароуннаҳрда Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида марказлашган бошқарув тизими, даргоҳ ва девон.

Қорахонийлар ҳукмронлиги вақтида жамиятда ижтимоий табақалар ва даражаларнинг мустаҳкамланиши. Қорахонийларда ҳукукий муносабатлар.

Хоразм давлатининг салжуқийлардан мустақилликка эришиши. Хоразмшоҳлар давлатида марказий давлат бошқарув тизими. “Ал – мажлис ул олий ал фаҳри ат - тожи”. Давлат бошқаруви амалдорлари даражалари ва вазифалари. Хоразмшоҳлар давлатида ижтимоий муносабатлар ва аҳолининг турли қатлам ва даражаларга бўлиниши. Хоразмшоҳлар давлатида ҳукукий муносабатлар.

Мўғуллар истибдоди даврида давлатчилигимиз тарихи

Сиёсий жиҳатдан бу давр Ўрта Осиёда мўғуллар салтанати ҳукмронлигининг ўрнатилиши, мавжуд давлатчилик анъаналарининг инқирозга учраши ва айни вақтда мўғуллар давлат бошқаруви анъаналарининг маҳаллий бошқарув билан қоришуви, кўчманчиликка хос ва қабилавий мафкураларнинг қисман ҳукмрон мафкурага айланиши, *иқтисодий жиҳатдан* ер ва ерга эгалик муносабатларида кўчманчилик анъаналарининг қисман жорий этилиши, иқтисодий салоҳиятнинг инқирозга учраши ва издан чиқиши масалалари ёритилади.

Амир Темур ва темурийлар даврида давлатчилик тараққиёти

Амир Темур томонидан Мовароуннаҳрда марказлашган давлатнинг ташкил этилиши ва айни вақтда Марказий Осиё, Олд Осиё ва Яқин Шарқ, Кичик Осиё ва Европанинг бир қисмини ўз ичига олган буюк салтанатга асос солиниши, давлатчилик анъаналарининг ислоҳ қилиниши ва такомиллаштирилиши натижасида ўзбек давлатчилиги тараққиётида янги босқичга кўтарилиши билан хусусиятланади. XV аср бошига келиб Мовароуннаҳрда юзага келган сиёсий тарқоқлик XVI аср бошларига келиб темурийлар давлатининг инқирози билан якун топиши. *Иқтисодий жиҳатдан* мазкур давр ер ва ерга эгалик муносабатларининг такомиллаштирилиши, суғориш тармоқларининг тикланиши ва барпо этилиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва деҳқончилик майдонларининг кенгайтирилиши, иқтисодий соҳадаги давлат сиёсатининг изга солиниши, солиқларнинг такомиллаштирилиши, ҳунармандчилик ва меъморчиликнинг тараққий этиши, Буюк Ипак йўли бўйлаб Хитой, Ҳиндистон, Мўғулистон, Сибир халқлари, Волгабўйи халқлари, Шарқий Европа, Марказий Европа, Болқон мамлакатлари, Кичик Осиё, Олд Осиё, Яқин Шарқ, Афғонистон, Эрон, Кавказ халқлари билан савдо алоқаларининг кенгайиб бориши қабилар билан хусусиятланади.

Маъмурий бошқарув тизимининг ҳарбий сиёсий характери. Амир Темур ва темурийлар даврида асосий солиқ турлари. Амир Темур давлатида ҳукукий муносабатлар. Жамият ҳаётида конун устуворлиги. “Темур тузуклари” ва унинг давлатчилик ишларидаги аҳамияти. Амир Темур вафотидан сўнг ҳукмронлик қилган темурий шахзодаларнинг давлат бошқаруви ва сиёсий парокандаликнинг кучайиши. Темурийлар давлатининг инқирозга учраши. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Амир Темур фаолиятининг ҳаққоний, ҳолис ва муносиб эътироф этилиши ва унинг аҳамияти.

XVI-XIX аср биринчи ярмида ўзбек давлатчилиги тарихи

Ўрта Осиёда Бухоро хонлиги (Шайбонийлар ва Аштархонийлар сулолалари ҳукмронлиги) ва Бухоро амирлиги (Манғитлар сулоласи), Хива хонлиги (Шайбонийлар ва

Қўнғиротлар ҳукмронлиги) ва Қўқон хонликлари (Минглар сулоласи) нинг вужудга келиши ва сиёсий тарқоқликнинг кучайиши.

Дашти Қипчоқда XV аср охири - XVI аср бошларида юз берган сиёсий воқеалар. Шайбонийлар давлатининг ташкил топиши. Шайбонийлар ва темурийлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар ва ҳарбий тўқнашувлар. Шайбонийларнинг Мовароуннаҳрни қўлга киритиши ва сиёсий ҳукмронликнинг ўрнатиши. Шайбонийлар сулоласининг давлат тепасига келиши. Шайбонийлар давлати бошқарув тизими ва хусусиятлари. Марказий ва маҳаллий бошқарув ҳокимияти. Шайбонийлар давлатида ижтимоий муносабатлар. Ижтимоий табақалар вакилларининг жамият ҳаётида тутган ўрни.

Давлат бошқарув ишларида ҳарбийларнинг мавқеи. Шайбонийлар давлатида ҳарбий аҳвол. Абдуллахон томонидан амалга оширилган ислохотлар ва қурол-яроғларнинг такомиллаштирилиши.

Шайбонийлар давлатида иқтисодий тизим, ички ва ташқи савдо. Қишлоқ хўжалиги. Хунармандчилик. Абдуллахондан сўнг шайбонийларнинг инқирозга юз тутиши. Аштархонийлар (Жонийлар) сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилиши. Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги йилларида Бухоро хонлигида марказий бошқарув. Маҳаллий ҳокимият эгаларининг мустақилликка интилиши ва марказий ҳокимиятнинг заифлашуви. Аштархонийлар даврида Бухоро хонлигида ижтимоий тузум, ҳуқуқий муносабатлар, ҳарбий аҳвол. Марказий ҳокимиятнинг заифлашуви ва Аштархонийларнинг инқирозга юз тутиши.

Бухорода манғит амирлари томонидан ҳокимиятнинг эгалланиши. Давлатда ички курашларнинг кучайиши. Бухоро амирларининг давлат яхлитлигини сақлаб қолиш учун олиб борган курашлари. Хива ва Қўқон хонлаклари билан муносабатлари. Бухоро амирлигида давлат бошқарув тартиблари. Маъмурий ҳудудий бўлиниши. Ҳуқуқий муносабатлар. XIX аср ўрталарида Россия империяси билан муносабатларнинг кескинлашуви ва Бухоро амирлигининг Россия империяси томонидан мағлубиятга учратилиши.

Хива хонлигининг ташкил топиши. Хонликнинг маъмурий – ҳудудий бўлиниши. Хива хонлигида ижтимоий тузум. Хонликда ҳарбий аҳвол ва суд ишлари, ҳуқуқий муносабатлар. Хива хонлигининг иқтисодий ҳаёти. Хонликда давлат бошқарув тартиблари.

Қўқон хонлигининг ташкил топиши. Хонликнинг маъмурий бўлиниши. Ижтимоий тузум. Хонликда ҳарбий соҳанинг аҳволи ва давлат бошқарувида ҳарбийлар мавқеининг ошиб бориши. Ҳарбий, маъмурий, диний унвон ва мансаблар ва уларнинг давлат бошқарувидаги ўрни.

Ўзбек давлатчилиги XIX аср иккинчи ярми ва XX асрда

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари. Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан мустамлакага айлантирилиши, Туркистон генерал – губернаторлигининг ташкил этилиши, мустамлака бошқарув усулининг жорий этилиши. Бухоро амирлиги, Хива хонлигининг қарам давлатларга айлантирилиши ва Қўқон хонлигининг тугатилиши. Ўзбек давлатчилигидаги тарихий анъаналарнинг инқирозга юз тутиши.

XIX аср иккинчи ярмидан 1917 йил март ойигача бўлган даврни ўз ичига олиб, *сиёсий жиҳатдан* бу давр иқтисодий, сиёсий ва ғарбий жиҳатдан жаҳон тараққиётида орқада қолган ва ўзаро курашлар гирдобига тушиб қолган ўзбек хонликларининг ҳудди шундай ҳолатда жаҳон тараққиётидан анча ортда қолиб кетаётган ва ривожланган давлатлар орасида ўз ўрнини топа олмаётган Россия империяси томонидан мустамлакага айлантирилиши, Бухоро амирлиги, Хива хонлигининг қарам давлатларга айлантирилиши

ва Қўқон хонлигининг тугатилиши, Туркистон генерал – губернаторлигининг ташкил этилиши ва мустамлака бошқарув усулининг жорий этилиши, Ўзбек давлатчилигидаги тарихий анъаналарнинг инқирозга юз тутиши билан хусусиятланади.

Иқтисодий жиҳатдан бу давр анъанавий ишлаб чиқариш усуллариининг инқирозга юз тутиши, европача ишлаб чиқариш элементларининг кириб келиши, мустамлака манфаатига хизмат қилувчи саноат корхоналарининг шакллантирилиши, темир йўл қурилиши, банклар ва турли иқтисодий соҳадаги ташкилотлар фаолиятининг йўлга қўйилиши билан хусусиятланади.

Ўрта Осиё хонликларининг чор Россияси томонидан босиб олиниши ва мустамлакага айлантирилиши. Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши. Генерал губернаторлик бошқарув усуллари ва мустамлака идора бошқарувининг хусусиятлари. Бухоро ва Хива хонликларининг қарам давлатларга айлантирилиши, унинг оқибатлари ва миллий давлатчилик бошқаруви анъаналарига таъсири. Миллий давлатчиликни тиклаш учун олиб борилган миллий - озодлик ҳаракатлари, уларнинг натижалари ва тарихий аҳамияти.

1917 йил март - 1924 йил декабргача бўлган бу давр **сиёсий жиҳатдан** Россияда подшо ҳокимиятнинг афдарилиши натижасида Туркистон генерал-губернаторлигининг барҳам топиши ва маҳаллий халқларнинг давлатчилик учун курашлари, икки ҳокимиятчилик ва Туркистон мухторияти (Қўқон мухторияти) ташкил этилиши ва тугатилиши, Туркистон Автоном Совет республикасининг ташкил этилиши ва айни вақтда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг тугатилиши, Бухоро Халқ Совет республикаси ва Хоразм Халқ Совет республикаларининг ташкил этилиши, бошқарувда айрим демократик омилларнинг бошланғич элементларининг жорий этилишига уриниш, большевиклар томонидан маҳаллий давлатчиликни тиклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга тўсқинлик қилиниши, Туркистон Автоном Совет республикаси, Бухоро Халқ Совет республикаси ва Хоразм Халқ Совет республикаларининг тугатилиши ва миллий – ҳудудий омилларга асосланган ҳолда мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш ҳуқуқидан амалда маҳрум этилган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил этилиши билан хусусиятланади.

Иқтисодий жиҳатдан бу давр хусусий мулкчиликнинг тугатилиши, ерга хусусий эгаликнинг тугатилиши, мулк эгаларининг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан таъқиб қилиниши ва мулкдан маҳрум этилиши, социалистик мулкчилик шакллари асосларининг яратилиши ва иқтисодий ҳаётган жорий этилиши билан хусусиятланади.

1925 йил январь – 1991 йил 31 августгача давом этган бу давр **сиёсий жиҳатдан** Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида бошқарув ва иқтисоднинг социалистик шаклига ўтилиши, ички ва ташқи сиёсатнинг марказлаштирилган ҳолда СССР (Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи) раҳбарияти томонидан амалга оширилиши, марказга итоатда тутуб турувчи миллий сиёсатнинг амалга оширилиши, миллий давлатларнинг суверенитети ва мустақил бошқарув фаолиятининг чекланганлиги, КПСС (Совет Иттифоқи Коммунистик партияси) нинг ягона партия сифатида сиёсий ва мафкуравий ҳукмронлик мавқеини касб этиши ва коммунистик мафкуранинг ҳукмрон мафкурага айланиши билан хусусиятланади.

Иқтисодий жиҳатдан бу даврда социалистик мулкчилик шакллариининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши, барча мулкнинг давлат тасарруфига ўтказилиши, ишлаб чиқаришда давлат монополияси (якка ҳукмронлиги) нинг ташкил этилиши, иттифоқдош республикаларда иқтисоднинг нотекис ривожланиши ва олдиндан режалаштирилган ҳолда бир-бирига боғлиқ ва бири бошқасисиз фаолият юрита олмайдиган ҳолда ташкил этилиши, миллий республикаларнинг асосан хом ашё базасига ва бирламчи маҳсулотлар ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи давлатларга айлантирилиши, қишлоқ хўжалигида эса ернинг тўлиқ давлат тасарруфига ўтказилиши, жамоавий ишлаб чиқариш жамоа хўжаликлари (колхозлар) ва давлат хўжаликлари

(совхозлар) нинг ташкил этилиши, ер ва унинг тузилиши, табиий ва иқлим шароитлари билан ҳисоблашмаган ҳолда экин майдонларининг кенгайтирилиши ва экологик ҳолатларнинг бузилиши, қишлоқ хўжалигидаги самарадорликнинг камайиши билан хусусиятланади.

Мустақил Ўзбекистон - давлатчилигимиз тарихидаги янги босқич

1991 йил 31 августдан бугунги кунга қадар бўлган даврни ўз ичига олиб, *сиёсий жиҳатдан* Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг тугатилиши, Ўзбекистоннинг СССР таркибидан чиқиши ва давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши, 1992 йил март ойида Ўзбекистон Республикасининг БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти) га аъзо бўлиши, Ўзбекистоннинг мустақил ва суверен давлат сифатида жаҳон мамлакатлари томонидан эътироф этилиши, 1992 йил декабрда давлатнинг Асосий Қонуни – Конституциянинг қабул қилиниши, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатда асосий принципларнинг ишлаб чиқилиши ва жаҳон сиёсий сахнасида ўз ўрнини топиб бориши, миллий валютанинг жорий қилиниши, ҳуқуқий-демократик давлат барпо қилиниши йўлини танланганлиги.

Шунингдек, бу давр *сиёсий жиҳатдан* яна марказий ва маҳаллий бошқарувдаги ислохотлар ва бошқарувдаги демократик омилларнинг кучайиши ва такомиллашиб бориши, иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ва ижтимоий соҳадаги ислохотлар, миллий мафқуранинг шакллантирилиши, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилиши ва юқоридаги ислохотларнинг ва давлатчиликнинг тараққий этиши ҳозирда ҳам мукаммаллашган ва такомиллаштирилган ҳолда давом этаётганлиги.

Иқтисодий жиҳатдан бу давр давлат сиёсати даражасида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ва унинг ҳуқуқий асосларининг яратилиши, бозор иқтисодиётига асосланган ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишда ўзига хос тамойилларни ишлаб чиққанлиги ва «ўзбек модели»нинг юзага келиши ва унинг жаҳон мамлакатлари томонидан эътироф этилиши, хусусий мулкчиликнинг шакллантирилиши ва ишлаб чиқаришдаги эркинликнинг таъминланиши, саноат ишлаб чиқариш турларининг кенгайтирилиши, қишлоқ хўжалигининг ислох қилиниши ва жамоавий мулкчилик шаклларида воз кечилиши ва бошқалар.

Ижтимоий жиҳатдан бу давр кучли ижтимоий ҳимоянинг давлат сиёсати даражасида амалга оширилаётганлиги ва мазкур соҳанинг ҳар жабҳасида давлатнинг энг биринчи ҳимоячи ва ғамхўрлиги.

Маънавий ва маданий жиҳатдан давлат ва ҳукумат томонидан маънавий мероснинг тикланиши, мавжуд осори-атикаларнинг тикланиши ва асл ҳолатига қайтарилиши, маданий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида давлат сиёсатининг муҳим аҳамият касб этиши ва унинг ривожланиши ва тараққиётида асосий омил бўлаётганлиги, Ўзбекистоннинг юксак маданиятга ва маънавиятга эга жаҳон марказларидан бирига айланаётганлиги, оқилона миллий сиёсатнинг йўлга қўйилганлиги ва виждон эркинлигига кенг йўл очиб берилганлиги.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН КЎРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР

Семинар машғулотлари талабаларнинг маъруза дарсларида ўтилган билимларни мустаҳкамлаш ва қўшимча адабиётлардан фойдаланиш ва уларга асосланган ҳолда чуқур ва атрофлича билим олишларига ёрдам беради ва турли манбалардан йиғилган

маълумотларни таҳлил қилишга ва мавзулар юзасидан илмий ва манбавий жиҳатдан асосланган маълумотларга эга бўлишга имкон беради. **Семинар машғулотлари** учун куйидаги мавзуларни тавсия этиш кўзда тутилган:

1. Мамлакатимиз ҳудудида давлатчиликка ўтишдаги тарихий шарт-шароитлар (мил.авв. II м.й. ўрт ва икк. ярми)
2. Ўрта Осиёда илк давлатчилик уюшмалари.
3. Қадимги давр давлатчилик тарихи.
4. Ўрта Осиёда илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихи.
5. Ўрта Осиёда IX-XII асрлар давлатчилиги тарихи.
6. Амир Темур ва Темурийлар даври давлатчилиги тарихи.
7. XVI-XIX аср биринчи ярми ўзбек давлатчилиги тарихи.
8. Хива ва Қўқон хонликлари давлатчилиги тарихи.
9. Мамлакатимиз давлатчилиги XIX аср иккинчи ярми ва XX асрда.
10. Мустақил Ўзбекистон - давлатчилигимиз тарихидаги янги босқич.

Семинар машғулотларини ўтказиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Бу машғулотлар орқали талабалар маъруза дарсларида олган билимларини янада бойитадилар ва уларни қўшимча маълумотлар ёрдамида таҳлил қилиш орақали билим доираларини ва давлатчилик тарихи бўйича тасаввурларини янада кенгайтирадилар.

МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Талабалар мустақил ишларни тайёрлашда фаннинг муайян хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда куйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мазмунининг ўрганиш.
2. Таркатма материаллар бўйича маъруза қисмларини ўзлаштириш
3. Қўшимча адабиётлар ёрдамида фаннинг боблари ва мавзулари устида ишлаш
4. Фаол ва муаммоли ўқитиш услубларидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари
5. Масофавий (дистанцион) таълим шакллари.
 1. Ўзбек давлатчилиги билан боғлиқ манбалар ва уларда давлатчилик жараёнларининг акс эттирилиши (қадимги даврлардан бошлаб турли даврларга оид мавзулар танланиши мумкин).
 2. IX-XII асрларда солиқ турлари.
 3. IX-XII асрларда ҳуқуқий муносабатлар.
 4. Темурийлар даври давлатчилиги ва унинг асосий хусусиятлари ва бошқалар.

Тавсия этилган мавзуларга қўшимча равишда иқтидорли ва илмий тадқиқот малакасига эга бўлган талабалар ўз ташаббуслари билан мустақил таълим учун индивидуал тадқиқот мавзуларини танлашлари (таклиф этишлари) мумкин.

ФАННИ ЎҚИТИШНИНГ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ

“Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий педагогик технологиялари ва услубларини қўллаш кўзда тутилади. Шунингдек давлатчиликка оид жадваллар, чизмалар, хариталар, давлатлар тўғрисидаги маълумотлар (рамзлари, герб (муҳрлари)лари, байроқлари ва бошқа белгилари) туширилган кўргазма воситалари, шажаралар ва хронологик маълумотлар, ИНТЕРНЕТ тизимидаги давлатчилик тарихига оид маълумотлар фанни ўқитишнинг **услубий таъминотини** ташкил этади. Мазкур маълумотлар ва кўргазма воситаларини турли слайдлар, мультимедиа ишланмалари ёрдамида компьютер технологиялари ёрдамида кўрсатиб бериш кўзда тутилади.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари Рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. Шарқ. 1998.
2. Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи концепцияси // Ўзбекистон тарихи. 1999 йил, 1 – сон.
3. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т. Шарқ. 2000.
4. Сагдуллаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т. “Академия” 2000.

Қўшимча адабиётлар

1. А.Хасанов, М.Исҳоқов, А.Отахўжаев, Қ.Содиқов. Қадимги ёзма ёдгорликлар. Т., Ёзувчи, 2000.
2. А.Хўжаев, К.Хўжаев. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. Т., Маънавият, 2001.
3. Асқаров А. Жўрақулов М. Енеолит ва бронза даврида Ўрта Осиё. —Самарқанд, 1984.
4. Dr. Omer Sone Hunkan. Turk xakanligi karaxanlilar (766-1212) Istanbul, 2007.
5. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1 ва 2 жилд. Т., «Меҳнат», 1992.
6. Илҳомов З., Тўраев С. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Маърузалар тўплами. Тошкент, ТДПУ, 2001.
7. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. Тузувчи Зоҳид Аълам. Т. 2008.
8. М.Исҳоқов, Ш.Камолиддин, Г.Бабаяров. Заметки по истории нумизматики раннесредневекового Чача. Т. IFEAS. 2007.
9. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т., “Чўлпон”, 1994.
10. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
11. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. Республика илмий – назарий анжумани материаллари. Т., Академия, 2001
12. Темур тузуклари Тошкент., Фулом, 1997
13. “Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих” мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материаллари. Т.: 2004.
14. Ўзбекистон давлатчилиги-тараққиёт босқичлари. (Олий ўқув юртлариаро илмий-назарий анжуман материаллари). Т. 2003.
15. Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда.Т: “Фан” 2005.
16. Ўлжаева Ш. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. Т., “Фан”, 2005.
17. Ш.Камолиддин. Древнетюркская топонимия Средней Азии. Т., Шарқ, 2006.
18. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т.: Камалак, 1994
19. Шонйёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. Т. “Шарқ”, 2001.
20. www.Ziyo.net.
21. www.uznet.net.

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**NIZOMIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**

Ro'yhatga olindi:

№ _____

« ____ » _____ 2012-yil

“Tasdiqlayman”

Nizomiy nomidagi TDPU
rektori _____

« ____ » _____ 2012-yil

**O'ZBEK DAVLATCHILIGI TARIXI
ishchi o'quv fan dasturi**

Bilim sohasi: 100000 – Ta'lim

Ta'lim sohasi: 140000 – O'qituvchilar tayyorlash va pedagogika
fani

Bakalavriat ta'lim yo'nalishi: 5140600 – Tarix

TOSHKENT – 2012

Kafedra nomi: “Tarix” kafedrası

Tuzuvchi:

Z.Ilhomov – tarix fanlari nomzodi, dosent, Nizomiy nomidagi
TDPU “Tarix” kafedrası

Taqrizchilar:

S.Tillaboev – tarix fanlari nomzodi, O‘zbekiston Respublikasi
Fanlar Akademiyasi Tarix instituti ilmiy xodimi

M.Esonov – tarix fanlari nomzodi, Nizomiy nomidagi TDPU
“Tarix” kafedrası

Ushbu ishchi o‘quv fan dasturi O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligidan 2010-yil “1” fevralda 1299:2009-raqami bilan ro‘yxatdan o‘tgan 5140600 Tarix ta‘lim yo‘nalishining DTS hamda O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligining 24-iyun 191-sonli buyrug‘i bilan tasdiqlangan va 1763-raqam bilan ro‘yxatga olingan **O‘zbek davlatchiligi tarixi** o‘quv fan dasturi asosida ishlab chiqildi.

Ishchi o‘quv dasturi Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti o‘quv-uslubiy kengashida ko‘rib chiqilgan va tasdiqlangan.

2012-yil “__” _____ dagi __-sonli majlis bayoni

I. KIRISH

“O‘zbek davlatchiligi tarixi” fani 5140600 –“Tarix” ta‘lim yo‘nalishi talabalari uchun davlatchilik masalalari va uning taraqqiyot bosqichlarining ilk davlatchilik uyushmalaridan boshlab bugungi kungacha bo‘lgan jarayonlarini yoritib berishga mo‘ljallangan.

“O‘zbek davlatchiligi tarixi” fanining ta‘limdagi o‘rni talabalarning o‘zbekiston tarixining turli davrlariga oid o‘zlashtirilgan bilim va malakalariga asoslangan holda davlatchilik va uning kelib chiqishi, vazifalari va funksiyalari, davlatchilik asoslari va uning taraqqiyot jarayonlari, davlatchilik bosqichlari va ularning xususiyatlari, boshqaruv shakllari va va ularning asosiy jihatlari haqida tushuncha hosil qilish hamda etarli ma‘lumotga ega bo‘lish bilan belgilanadi.

O‘zbekistonda demokratik xuquqiy davlat qurish jarayonida o‘tmishning tarixiy tajribasi, o‘zbek xalqining qadimiy davlatchilik an‘analari o‘rni beqiyos. O‘zbekiston Respublikasi prezidenti I.A.Karimovning nutqlari va asarlarida o‘z aksini topgan o‘zbek davlatchiligi masalalari, qonunchilik xamda vatanimiz tarixini o‘rganishga oid nazariy xulosalar va ko‘rsatmalari ushbu fanning metodologik asosini tashkil etadi.

I.1. Fanning maqsadi: Shundan kelib chiqib, o‘zbek davlatchiligi tarixini xolisona, xaqqoniy, tarixiylik an‘analari va tarixiy dalillar asosida manbalarga suyangan holda chiqarilgan ilmiy xulosalar asosida yoritib berish mazkur fanning asosiy maqsadi etib belgilangan.

Fanning vazifasi: O‘zbek xalqining kelib chiqishi uning davlatchiligi bilan bevosita bog‘liq va har ikki jarayonning yuz berishi bir-biri bilan chambarchas holda yuz bergan. ya‘ni o‘zbek xalqining shakllanishi uchun mazkur hududga kirib kelgan va ta‘sir o‘tkazgan o‘zga xalqlar ishtirokida emas, balki shu zaminda azaldan yashab kelayotgan va o‘z davlatchiligiga asos solgan mahalliy tub aholi asos bo‘lgan. Bu jarayonda ayniqsa, janubiy o‘zbekiston, xorazm, toshkent va farg‘onaning qadimgi aholisi katta o‘rin tutgan. bu jarayon aynan shu aholi tomonidan yuqorida aytib o‘tilgan hududlarda o‘zbek davlatchiligining tamal toshini qo‘yganligidan dalolat beradi. mazkur masalalarning tugal ilmiy echimini aniqlash ham o‘zbek davlatchiligi tarixi fanining muhim masalalaridan biri sanaladi.

O‘zbekiston hududlaridagi dastlabki davlatlar va davlat uyushmalarining o‘zaro va qo‘shni hududiy siyosiy birlashmalar va davlatlar bilan barcha sohadagi aloqalari, ularning tarixiy geografik hududlari va chegaralari haqidagi masalalarning ham bugungi tarix fanida o‘zining mukammal ilmiy xulosalariga ega bo‘lishi, bunda qadimgi va o‘rta asrlarga xos tarixiy va geografik manbalarning o‘rganilishi o‘zbek davlatchiligi tarixi fanining muhim masalalaridan biridir.

O‘zbek davlatchiligi tarixi fanining yana bir muhim vazifasi o‘zbekistonda ilk shaxar madaniyatining shakllanishi va eng qadimgi davlatchilikning kelib chiqishida azaliy o‘troq axolining madaniyati xal etuvchi omil bo‘lganligini ko‘rsatib berish. o‘zbek davlatchiligi taraqqiyoti jarayonida hukm surgan davlatlar va ulardagi siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy jarayonlarni chuqur va izchil tadqiq qilishidan iborat.

I.2. Fanni o'zlashtirishga ko'yiladigan talablar.

“O'zbek davlatchiligi tarixi” fani tarixchi talabalarni tayyorlash tizimida muhim o'rinni egallaydi.

Kursning asosiy vazifalariga “O'zbek davlatchiligi tarixi” fanining barcha bo'limlarini mazkur fan bilan bog'liq bo'lgan fanlardagi yangi ilmiy bilimlar xisobga olingan holda umumiy va maxsus **bilimlarni egallash kiradi.**

O'zbek davlatchiligi tarixi fanini o'zlashtirish jarayonida amalga oshiriladigan masalalar doirasida bakalavr:

-O'zbek davlatchiligi tarixi fanidan olingan nazariy bilimlarni **amaliy qo'llay olishlari;**

-tarixiy taxlil ma'lumotlarni jamlash va tasniflash, ularni davrlashtirish, qiyosiy va ilmiy tahliliy taqqoslash, solishtirish olingan xulosalarni ilmiy ravishda bayon eta olish, tarixni o'rganishga tarixiylik va ob'ektivlik hamda ilmiylik nuqtai nazaridan yondashib milliy istiqlool mafkurasi tamoyillarini chuqur anglagan xolda xulosalash ko'nikma va **malakasiga ega bo'lish kerak.**

I.3. Fanining boshqa fanlar bilan bog'liqligi

O'zbek davlatchiligi tarixi fani tarix fanining tarkibiy qismi bo'lib, talabalar bu fanni o'qish va o'zlashtirish jarayonida “O'zbekiston tarixi”, jahon tarixining barcha davrlari, “Tarixshunoslik”, “Etnologiya”, “Yordamchi tarix fanlari”, “Arxeologiya”, “Numizmatika”, “Tarixiy o'lkashunoslik”, “Muzeysunoslik” kabi fanlardan olgan bilimlariga suyanishlari ko'zda tutilgan

I.4. Fanning hajmi.

No	Mashg'ulot turi	Ajratilgan soat	Semestr
1	Nazariy (ma'ruza)	32	8
2	Seminar (amaliy, laboratoriya)	40	
3	Mustaqil ish	68	
4	Kurs ishi	-	
	Jami	140	

II. ASOSIY QISM

II.1. Nazariy mashg'ulotlar mavzulari mazmuni va ularga ajratilgan soat

№	Ma'ruzal ar mavzusi	Ma'ruzalar mazmuni va maqsadi	Ajr atil gan soat
1	O'zbek davlatchiligi tarixi faniga kirish	Davlat tushunchasi va uning xususiyatlari, vazifalari, insoniyat tarixida davlatning tutgan o'rnini haqidagi tushunchalarni berish bilan birga vatan tushunchasi va vatanpararlik hissi hamda tuyg'usini tarbiyalashga katta ahamiyat berish lozim. bunda o'zbek xalqi va davlatchiligi tarixiga oid ko'plab moddiy va yozma manbalar, ilmiy va tarixiy tadqiqotlarni xolisona, haqqoniylik tamoyili asosida o'rganish muhim o'rin tutadi. o'zbek xalqi va davlatchiligi tarixi fanini o'rganishda manbalar va ularning ahamiyati beqiyosdir.	2
Tarixiy jarayonlarning tahlilida tarixiy shart-sharoitlarini, xususiyatlarini bilish va ilmiy taxlil eta olish, xulosa va qaror qabul qilish; ijodiy fikrlay olish; mustaqil mushohada yurita olish; olgan bilimlarini amalda qo'llay olish; mohiyatini tushunish; bilish, aytib berish; tasavvurga ega bo'lish.

b) **71-85 ball uchun** fanining mazmuni - mohiyatini tushunish, aynan mavzuga tegishli tushincha va terminlarni sharxlash, tarixiy voqealikni o'sha davr ijtimoiy ahvolidan kelib chiqib tahlil qilish, voqealarni sinxron taqqoslab mustaqil fikr bera olish hamda qo'shimcha ma'lumotlar va manbalardan foydalanib ilmiy tilda tushuntirib aytib berish, mustaqil mushohada yurita olish; olgan bilimlarini amalda qo'llay olish; mohiyatini tushunish; bilish, aytib berish; tasavvurga ega bo'lish

v) **55-70 ball uchun** "O'zbek davlatchiligi tarixi" fani bo'yicha mustaqil mushohada yurita olish, olgan bilimlarini amalda qo'llay olish, predmetning mohiyatini tushunish, bilish, aytib berish hamda tasavvurga ega bo'lish, mohiyatini tushunish; bilish, aytib berish; tasavvurga ega bo'lish.

g) fan bo'yicha aniq tasavvurga ega bo'lmaslik, bilmagan talabalarga **54 va undan past** ball qo'yiladi.

Reyting karta

Maksimal ball – 100 ball

JN maks.b – 40

ON maks.b. – 30

YAN maks.ball – 30

Saralash Ball – 55 ball

86-100 Ball – “5” baho

71-85 Ball – “4” baho

55-70 Ball – “3” baho

0-54 Ball – “2” baho

Nazoratlar	Nazorat shakllari	Har bir nazorat uchun belgilangan maksimal ball	Nazoratlar soni	Nazorat shakllari bo'yicha belgilangan maksimal ball
Joriy nazorat	1.Og'zaki	20	1	20
	2Mustaqil ihs	20	1	20
jami		40	2	40
Oraliq nazorat	Yozma ish	30	1	30
	jami	30	1	30
Yakuniy nazorat	1 Yozma ish	30	1	30
FAN BO'YICHA JAMI		100	4	100

6. O'quv uslubiy adabiyotlar va elektron ta'lim resurslari ro'yxati.

ASOSIY ADABIYOTLAR

1. Karimov I.A O'zbekiston: milliy istiklol, siyosat, mafkura. Nutqlar, maqolalar, suxbatlar. T., O'zbekiston 1993
2. Karimov I.A O'zbekiston Buyuk kelajak sari. Asarlar to'plami. T., O'zbekiston 1998
3. Karimov I.A Jamiyatimiz mafkurasi xalqni – xalq, millatni – millat qilishga xizmat etsin. T., Sharq 1998
4. Karimov I.A Tarixiy xotirisiz kelajak y o'q. T., Sharq. 1998
5. Karimov I.A Kuchli davlatdan kuchli jamiyat sari. T., SHark 1998
6. Karimov I.A. Yuksak ma'anviyat – yengilmas kuch. T. “Ma'naviyat”, 2008 y.
7. Karimov I.A. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. –T. “O'zbekiston”, 2011.
8. JO'raev N. Tarix falsafasining nazariy asoslari. T. 2009.
9. Ziyov A. O'zbek davlatchiligi tarixi. T., Sharq 2000
10. Sagdullaev A.S., Aminov B., Mavlonov U, Norqulov N. O'zbekiston tarixi: davlat va jamiyat taraqqiyoti. T, “Akademiya” 2000.

QO'SHIMCHA ADABIYOTLAR

1. **A.Xasanov, M.Isxoqov, A.Otaxo'jaev, Q.Sodiqov. Qadimgi yozma yodgorliklar. T., Yozuvchi, 2000.**
2. A.Xo'jaev, K.Xo'jaev. Qadimgi manbalarda xalqimiz o'tmishi.T., Ma'naviyat, 2001.
3. Asqarov A. Jo'raqulov M. Eneolit va bronza davrida O'rta Osiyo. — Samarqand, 1984.
4. Dr. Omer Sone Hunkan. Turk xakanligi karaxanlilar (766-1212) Istanbul, 2007.
5. Ibn Arabshoh. Amir Temur tarixi. 1 va 2 jild. T., «Mehnat», 1992.
6. Ilhomov Z., To'raev S. O'zbek davlatchiligi tarixi. Ma'ruzalar to'plami. Toshkent, TDPU, 2001.
7. Qadimgi tarixchilar O'rta Osiyo haqida. Tuzuvchi Zohid A'lam. T. 2008.
8. М.Исхаков, Ш.Камолиддин, Г.Бабаяров. Заметки по истории нумизматики раннесредневекового Чача. Т. IFEAC. 2007.
9. **Mirzo Ulug'bek. To'rt ulus tarixi. T., “Cho'lpon”, 1994.**
10. Sulaymonova F. Sharq va g'arb. T., “O'zbekiston”, 1997.
11. **Tarix, mustaqillik, milliy g'oya. Respublika ilmiy – nazariy anjumani materiallari. T., Akademiya, 2001**
12. **Temur tuzuklari Toshkent., G'ulom, 1997**
13. **“O'zbek xalqining kelib chiqishi: ilmiy metodologik yondashuvlar, etnogenetik va etnik tarix” mavzusidagi Respublika ilmiy-nazariy seminar materiallari. T: 2004.**
14. **O'zbekiston davlatchiligi-taraqqiyot bosqichlari. (Oliy o'quv yurtlariaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari). T. 2003.**
15. O'zbekiston tarixi moddiy madaniyat va yozma manbalarda.T: “Fan” 2005.
16. O'ljaeva Sh. Amir Temur va temuriylar davrida milliy davlatchilikning rivojlanishi. T., “Fan”, 2005.
17. Ш.Камолиддин. Древнетюркская топонимия Средней Азии. Т., Шарқ, 2006.
18. Sharafiddin Ali Yazdiy. Zafarnoma. T.: Kamalak, 1994
19. Shoniyo'zov K.Sh. O'zbek xalqining shakllanishi jarayoni. T. “Sharq”, 2001.

Dasturning informasion-metodik ta'minoti
elektron ta'lim resurslari

1. www.tdpu.uz
2. www.pedagog.uz
3. www.Ziyonet.uz
4. www.edu.uz

Kafedra mudiri

E.Qosimov

Kutubhona

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Низомий номидаги ТДПУ

Ватан тарихи кафедраси

ЎЗБЕК
ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ

фанидан

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Тузувчи: тарих фанлари номзоди, доцент
ИЛҲОМОВ Зиёвутдин Адхамович**

Тошкент 2012

Кириш

Мазкур ишланмада Ўзбекистон ҳудудларида давлатчиликнинг шаклланишидан бошлаб бугунги кунгача ўтган давр мобайнида давлатчиликнинг соҳасида юз берган тараққиёт жараёнлари, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар ва уларнинг хусусиятлари ҳамда ўзбек давлатчилигининг ривожланиши босқичларини ўз ичига олган масалаларини ўрганишда ёрдам берувчи ва таълимнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган технологик ишланмалар ўрин олган. .

Фаннинг мақсади: Ўзбекистонда демократик ҳукукий давлат қуриш жараёнида ўтмишнинг тарихий тажрибаси, ўзбек халқининг қадимий давлатчилик анъаналари ўрни беқиёс. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқлари ва асарларида ўз аксини топган ўзбек давлатчилиги масалалари, қонунчилик ҳамда Ватанимиз тарихини ўрганишга оид назарий хулосалар ва кўрсатмалари ушбу фаннинг методологик асосини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ўзбек давлатчилиги тарихини ҳолисона, ҳаққоний, тарихийлик анъаналари ва тарихий далиллар асосида манбаларга суянган ҳолда чиқарилган илмий хулосалар асосида ёритиб бериш мазкур фаннинг асосий мақсади этиб белгиланган.

Фаннинг фазифалари: Ўзбек халқининг келиб чиқиши унинг давлатчилиги билан бевосита боғлиқ ва ҳар икки жараённинг юз бериши бир-бири билан ҳамбарчас ҳолда юз берган. Яъни ўзбек халқининг шаклланиши учун мазкур ҳудудга кириб келган ва таъсир ўтказган ўзга халқлар иштирокида эмас, балки шу заминда азалдан яшаб келаётган ва ўз давлатчилигига асос солган маҳаллий туб аҳоли асос бўлган. Бу жараёнда айниқса, Жанубий Ўзбекистон, Хоразм, Тошкент ва Фарғонанинг қадимги аҳолиси катта ўрин тутган. Бу жараён айнан шу аҳоли томонидан юқорида айтиб ўтилган ҳудудларда ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйганлигидан далолат беради. Мазкур масалаларнинг тугал илмий ечимини аниқлаш ҳам ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг муҳим масалаларидан бири саналади.

Ўзбекистон ҳудудларидаги дастлабки давлатлар ва давлат уюшмаларининг ўзаро ва қўшни ҳудудий сиёсий бирлашмалар ва давлатлар билан барча соҳадаги алоқалари, уларнинг тарихий географик ҳудудлари ва чегаралари ҳақидаги масалаларнинг ҳам бугунги тарих фанида ўзининг мукамал илмий хулосаларига эга бўлиши, бунда қадимги ва ўрта асрларга хос тарихий ва географик манбаларнинг ўрганилиши ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг муҳим масалаларидан биридир.

Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг яна бир муҳим вазифаси Ўзбекистонда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва энг қадимги давлатчиликнинг келиб чиқишида азалий ўтроқ аҳолининг маданияти хал этувчи омил бўлганлигини кўрсатиб бериш. Ўзбек давлатчилиги тараққиёти жараёнида ҳукм сурган давлатлар ва улардаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнларни чуқур ва изчил тадқиқ қилишидан иборат.

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштириладиғанда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошишни назарда тутди.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантикийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғлиқлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Индивиднинг жараёнли сифатларини шакллантириш, таълим олувчининг фаолиятини фаоллаштириш ва тезлаштириш, ўқув

жарёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндашув. Бу ёндашув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида демократик, тенглик, ҳамкорлик каби ўзаро субъектив муносабатларга, фаолият мақсади ва мазмунини биргаликда шакллантириш ва эришилган натижаларни баҳолашга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш асосида таълим олувчиларнинг ўзаро фаолиятини ташкил этиш усулларида биридир. Бу жараён илмий билимларни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари аниқлаш, диалектик тафаккурни ва уларни амалий фаолиятда ижодий қўллашни шакллантиришни таъминлайди.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари қўллаш – бу янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашдир.

Ўқитиш услублари ва техникалари. Маъруза (кириш, мавзуй, маълумотли, кўргазмали (визуаллашган), анжуман, аниқ вазиятларни ечиш), мунозара, муаммоли услуб, ақлий ҳужум, тезкор –сўров, савол-жавоб, амалий ишлаш усуллари.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот, ҳамкорлик ва ўзаро ўқитишга асосланган фронтал, жамоавий ва гуруҳларда ўқитиш.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий воситалари (ўқув қўлланма, маъруза матни, тарқатма материаллар) билан бир қаторда – чизмалар, органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: талабалар билан тезкор қайтар алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Қайтар алоқаларнинг (маълумотнинг) усул ва воситалари: тезкор-сўров, ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулоти, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ва бутун курс давомида мавзу юзасидан назорат саволларини бериб бориш орқали ўқитишнинг натижалари режали тарзда кузатиб борилади. Фан юзасидан ОН, ЖН, ва ЯН ўтказилади ва талабаларнинг билими баҳоланади.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1-мавзу	Ўзбек давлатчилиги тарихи фанига кириш
---------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машгулот вақти-2 соат		Талабалар сони: 50-60 гача	
Машгулот шакли		Кириш-ахборотли маъруза	
Маъруза режаси		1. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг предмети ва долзарб муаммолари 2. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг мақсади ва вазифалари 3. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг назарий-методологик асослари 4. Давлат тушунчаси: мохияти, белгилари, типлари, шакллари, функциялари Ўзбек давлатчилиги тараққиёти босқичлари	
Ўқув машгулотининг мақсади Ўзбек давлатчилиги тарихи фани ҳақида умумий маълумот бериш			
Педагогик вазифалар: 5. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг предмети ва долзарб муаммолари ҳақида маълумотлар бериш 6. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг мақсади ва вазифалари ҳақида маълумотлар бериш 7. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг назарий-методологик асослари ҳақида маълумотлар бериш; 8. Давлат тушунчаси: мохияти, белгилари, типлари, шакллари, функциялари ҳақида маълумотлар бериш; 1. Ўзбек давлатчилиги тараққиёти босқичлари ҳақида маълумотлар бериш;		Ўқув фаолияти натижалари: 9. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг предмети ва долзарб муаммолари ҳақида маълумотга эга бўладилар; 1. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг мақсади ва вазифалари ҳақида маълумотга эга бўладилар; 2. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг назарий-методологик асослари ҳақида маълумотга эга бўладилар; 3. Давлат тушунчаси: мохияти, белгилари, типлари, шакллари, функциялари ҳақида маълумотга эга бўладилар; 4. Ўзбек давлатчилиги тараққиёти босқичлари ҳақида маълумотга эга бўладилар;	
Таълим бериш усуллари		Кўргазмали маъруза, суҳбат, инсерт жадвали	
Таълим бериш шакллари		Оммавий, жамоавий	

Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

1.2. “Ўзбек давлатчилиги тарихи фанига кириш” маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Машғулоти мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. (1илова) 1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништиради. (2 илова) 1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (3-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар Тинглайдилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4 илова) 2.3. Ўқилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида инсерт жадвали пед технологияси ўтказилади. (5 илова) 2.4. Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар берилади (6-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар. Топшириқлар бўйича ишлайдилар Саволларга жавоб берадилар
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, 3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади. 3.3. Ўқилган мавзунини мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади.	Саволлар берадилар. Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Мавзу: Ўзбек давлатчилиги тарихи фанига кириш

Режа:

10. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг предмети ва долзарб муаммолари
11. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг мақсади ва вазифалари
12. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг назарий-методологик асослари
13. Давлат тушунчаси: моҳияти, белгилари, типлари, шакллари, функциялари

Ўзбек давлатчилиги тараққиёти босқичлари
Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбек давлатчилиги тарихи фани ҳақида умумий маълумот бериш
Ўқув фаолиятининг натижаси: Ўзбек давлатчилиги тарихи фани ҳақида умумий ҳақида маълумотга эга бўладилар.

2 илова

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: 1998.
- Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: 2008.
- Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.Т. Шарқ. 2000.
- З.Илхомов, С.Тўраев. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Маърузалар тўплами. Тошкент, ТДПУ, 2001.

3 илова

Ҳар бир маъруза ва амалий машғулот учун 5 дан 2 баллгача қўйилади.
Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:

- 5 балл - «аъло»
- 4 балл - «яхши»
- 3 балл - «кониқарли»
- 2 балл - «кониқарсиз»

4-илова

1 режа

Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи салкам уч минг йиллик тарихга эга бўлиб, умумжаҳон тарихининг ажралмас қисми бўлиб келмоқда, турли номлар билан аталиши, сулолаларнинг алмашинуви ва ўзгаришлари унинг бутунлигини ва мохиятини ўзгартирмайди. Ўзбек халқи Ўзбекистоннинг маҳаллий туб аҳолиси бўлиб, уларнинг тарихи энг қадимги даврларга бориб тақалади.

Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар жаҳон цивилизацияга улкан ҳисса қўшиб келганлар. Дунёга кўплаб буюк сиймоларни етиштириб берган заминимизда давлатчиликнинг турли босқичларини амалиётдан ўтказилиши бугунги кундаги мукаммал давлатчилик босқичига кўтарилиши учун хизмат қилди.

Давлатчилик масалалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, - “Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган сув иншоотлари, шу кунгача фойзани, маҳобатини йўқотмаган осори-атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради».

Шу нуқтаи назардан олганда ўзбек халқининг келиб чиқиши унинг давлатчилиги билан бевосита боғлиқ ва ҳар икки жараённинг юз бериши бир-бири билан чамбарчас ҳолда юз берган. Яъни ўзбек халқининг шаклланиши учун мазкур ҳудудга кириб келган ва таъсир ўтказган ўзга халқлар иштирокида эмас, балки шу заминда азалдан яшаб келатган ва ўз давлатчилигига асос солган маҳаллий туб аҳоли асос бўлган. Бу жараёнда айниқса, Жанубий Ўзбекистон, Хоразм, Тошкент ва Фарғонанинг қадимги аҳолиси катта ўрин

тутган. Бу жараён айнан шу аҳоли томонидан юқорида айтиб ўтилган ҳудудларда ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйганлигидан далолат беради.

2 режа

Ўзбекистон ҳудудларидаги дастлабки давлатлар ва давлат уюшмаларининг ўзаро ва қўшни ҳудудий сиёсий бирлашмалар ҳамда давлатлар билан барча соҳадаги алоқалари, уларнинг тарихий географик ҳудудлари ва чегаралари ҳақидаги масалаларнинг ҳам бугунги тарих фанида ўзининг мукамал илмий хулосаларига эга бўлиши, бунда қадимги ва ўрта асрларга хос тарихий ва географик манбаларнинг ўрганилиши ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг муҳим масалаларидан биридир.

Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг яна бир муҳим вазифаси Ўзбекистонда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва энг қадимги давлатчиликнинг келиб чиқишида азалий ўтроқ аҳолининг маданияти ҳал этувчи омил бўлганлигини кўрсатиб беришдир.

3 режа

Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи концепцияси асосида ўзбек давлатчилиги жараёнини босқичларга бўлиш ва уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, кейинги йилларда чоп этилаётган илмий асарлар, тадқиқотлар, давлатчилик масалаларига бағишланган илмий-назарий конференциялар материалларини ўрганиш ва уларни ягона тизимга солган ҳолда давлатчилик жараёни тарихини объектив ўрганиш ва тарихийлик ҳамда ҳаққонийлик тамойилларига амал қилган ҳолда илмийлик нуқтаи-назаридан хулосалар чиқариш талаб этилади.

Айниқса, ҳолислик тамойили илмий хулосалар чиқаришда муҳим омил саналгани боис, аниқ манбавий маълумотларга таяниб, тарихий жараёнларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини асослаш, тарихий жараёнларни ўзаро солиштириш ва таққослаш, қиёсий таҳлил ижобий натижаларга эришишда муҳим ўрин тутди. Бирор бир давр ёки шу даврдаги давлатчилик анъаналари ҳақида сўз юритилар экан, ана шу давр ва давлатчилик масалаларида мавжуд ҳолатларга хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда воқеликни англаш ва уни таҳлил қила билиш, кўрилаётган воқеалар ёки жараёнлар ҳақида тўғри хулосалар чиқаришга катта ёрдам беради.

Тарихийлик услуби халқнинг ўтмишига, ҳозирги замоннинг келажагига ягона тарихий жараён сифатида, ҳозирги замон келажакни яратади, деган тараққиёт қонуни асосида қарашни талаб қилади. Содир бўлган маданий-тарихий жараёнларни, аждодларимиз қолдирган улкан меросни қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, уни чуқур англамса келажакни шунчалик ёрқин тасаввур қилиш мумкин.

Тарихийлик ва илмийликнинг муҳим омилларидан яна бири шундаки, ўзбек давлатчилиги тарихи, ўзбек халқининг этногенези жараёнлари жаҳон мамлакатлари давлатчилиги амалиёти ва этник жараёнлари билан узвий равишда рўй берган ва унинг ажралмас бир бўлаги сифатида тараққиётга эришган. Шундай экан, ўзбек давлатчилиги тарихи тараққиётини ҳам жаҳон тараққиёти тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурий талаблардан биридир.

4 режа


Мавжуд маълумотларга асосан ўзбек халқи тарихида давлат тизимига ўтиш босқичлари, хусусан Ўзбекистон ҳудудларида илк давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни босқичларидан келиб чиққан ҳолда илк ўрта асрлар давлатчилиги хусусиятларини қуйидагилар билан белгилаш мумкин:

1. Бу босқични умумий хусусиятларига кўра IX аср ўрталари – XIII аср биринчи чорагигача деб белгилаш мумкин.
2. Бу даврда Ўрта Осиёда ривожланган ерга эгалик муносабатларига асосланган давлатлар қарор топди.
3. Сомонийлар давлати Ўрта Осиёдаги дастлабки марказлашган давлат сифатида сиёсий бошқарувдаги мавжуд анаъналарни такомиллаштирди ва мураккаб тузилмага эга давлат бошқарувини шакллантирди.
4. Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари қарор топди ва маркази ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида бўлган йирик салтанатлар (империялар) даражасига кўтарилди.
5. Марказий ва маҳаллий бошқарув такомиллашиб борди.
6. Ўғузлар ва қорахонийлар таъсирида ўзбек халқи шаклланиши ва этногенези босқичлари давом этди.
7. **Сиёсий жиҳатдан** бу давр Ўрта Осиёдаги дастлабки марказлашган давлат сифатида сиёсий бошқарувдаги мавжуд анаъналарнинг такомиллаштириши ва мураккаб тузилмага эга давлат бошқарувининг шаклланиши, йирик салтанатлар (империялар) даражасига кўтарилган туркий давлатларнинг қарор топиши ва бошқарув шакллари ҳамда марказлашиш жараёнларининг такомиллашиб бориши билан хусусиятланади.
8. **Иқтисодий жиҳатдан** ерга эгалик муносабатларининг кенгайиши ва мураккаблик касб этиши, солиқларнинг бир тизимига солиниши, халқаро савдода муомала даражасига кўтарилган пулларнинг зарб қилиниши, суғориш тармоқларининг кўпайиши, Буюк Ипак йўли фаолиятининг кенгайиши ва халқаро савдонинг таракқий этиши, иқтисодий марказларга даражасига етган шаҳарларнинг кўпайиши билан хусусиятланади.

Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда фанлараро алоқадорлик



5-илова



Инсерт жадвали

V	+	-	?

(талабалар)нинг билимлари баҳоланади.

6-илова

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

Давлат тушунчасини тавсифлаб беринг.

Давлатнинг функциялари ва вазифалари нималардан иборат?

Қандай давлатчилик турлари мавжуд?

Ўзбекдавлатчилиги тараққиёти даврида қандай босқичларни босиб ўтган?

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

2-мавзу	МАМЛАКАТИМИЗ ХУДУДИДА ДАВЛАТЧИЛИККА ЎТИШДАГИ ТАРИХИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР (милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярми)
---------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машгулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 30гача	
Машгулот шакли	Ахборот- маъруза	
Маъруза режаси	14. Энг қадимги даврда Ўзбекистон худудида одамларнинг жойлашуви ва турмуш тарзи 15. Мезолит даври хўжалигининг шаклланиши 16. Неолит ва энеолит даври ютуқлари. Хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шаклларига ўтилиши 17. Милоддан аввалги II-I минг йилликларда Ўзбекистон худудларида алоҳида энг қадимги элатларнинг шаклланиши ва этник худудларга ажралиши	
Ўқув машгулотининг мақсади: Мамлакатимиз худудида давлатчиликка ўтишдаги тарихий шарт-шароитлар(милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярми)тўғрисида маълумот бериш		
Педагогик вазифалар:		Ўқув фаолияти натижалари:
18. Энг қадимги даврда Ўзбекистон худудида одамларнинг жойлашуви ва турмуш тарзи ҳақида маълумот бериш 19. Мезолит даври хўжалигининг шаклланиши ҳақида маълумот бериш 20. Неолит ва энеолит даври ютуқлари. Хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шаклларига ўтилиши ҳақида маълумот бериш		• Энг қадимги даврда Ўзбекистон худудида одамларнинг жойлашуви ва турмуш тарзи ҳақида маълумотга эга бўладилар; 21. Мезолит даври хўжалигининг шаклланиши ҳақида маълумотга эга бўладилар; • Неолит ва энеолит даври ютуқлари. Хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шаклларига ўтилиши ҳақида маълумотга эга

• Милоддан аввалги II-I минг йилликларда Ўзбекистон ҳудудларида алоҳида энг қадимги элатларнинг шаклланиши ва этник ҳудудларга ажралиши ҳақида маълумот бериш	бўладилар; • Милоддан аввалги II-I минг йилликларда Ўзбекистон ҳудудларида алоҳида энг қадимги элатларнинг шаклланиши ва этник ҳудудларга ажралиши ҳақида маълумотга эга бўладилар;
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали маъруза, суҳбат, ақлий ҳужум,
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Озгаки назорат: савол-жавоб

1.2. “Мамлакатимиз ҳудудида давлатчиликка ўтишдаги тарихий шарт-шароитлар

(милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярми)” маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Машғулоти мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништилади. (1илова) 1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништилади. (2 илова) 1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништилади (3-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар Тинглайдилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4 илова) 2.3. Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида ақлий ҳужум пед.технологияси ўтказилади. (5 илова)	Тинглайдилар, ёзадилар. Саволларга жавоб берадилар
3. Яқуний	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради,	Саволлар берадилар.

босқич (10 дақиқа)	3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади. 3.3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади.	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.
------------------------------	--	--

1-илова

Мавзу: Мамлакатимиз ҳудудида давлатчиликка ўтишдаги тарихий шарт-шароитлар (милoddан аввалги II минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярми)

Режа:

1. Энг қадимги даврда Ўзбекистон ҳудудида одамларнинг жойлашуви ва турмуш тарзи
2. Мезолит даври ҳўжалигининг шаклланиши
3. Неолит ва энеолит даври ютуқлари. Хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шаклларига ўтилиши
4. Милoddан аввалги II-I минг йилликларда Ўзбекистон ҳудудларида алоҳида энг қадимги элатларнинг шаклланиши ва этник ҳудудларга ажралиши

Ўқув машғулотининг мақсади: Мамлакатимиз ҳудудида давлатчиликка ўтишдаги тарихий шарт-шароитлар тўғрисида маълумот бериш

Ўқув фаолиятининг натижаси: Мамлакатимиз ҳудудида давлатчиликка ўтишдаги тарихий шарт-шароитлар тўғрисида маълумотга эга бўладилар.

2 илова

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон давлатчилиги-тараққиёт босқичлари. (Олий ўқув юртлариаро илмий-назарий анжуман материаллари). Т. 2003.
2. Кабиров Ж., Сагдуллаев.А. Ўрта Осиё археологияси. Т.: - 1990.
3. Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Т.: - 2004.

3 илова

Ҳар бир маъруза ва амалий машғулот учун 5 дан 2 баллгача қўйилади.

Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:

- 5 балл - «аъло»
- 4 балл - «яхши»
- 3 балл - «қониқарли»
- 2 балл - «қониқарсиз»

4-илова

1 режа

Тараққиётида энг узоқ давом қилган давр қадимги тош даври –палеолит ҳисобланади. “Палеолит” сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, “палеос” – “қадимги”, “литос”–“тош”, яъни қадимги тош даври деган маънони беради. Палеолит даври хронологик жиҳатидан милoddан аввалги 1 миллион йилликдан то 12 минг йилликкача давом қилади ва уч даврга– илк, ўрта ва сўнгги даврларга бўлинади.

Палеолитнинг уч даври ҳам ўзининг ривожланиш даражасига қараб, меҳнат қуролларидаги ўзгаришлар асосида турли даврларга бўлинади.

Илк палеолит даврида меҳнат қуроллари тош, суяк ва шохлардан ясалган. Улардан фақат тош қуролларгина бизгача етиб келган. Тош қуроллар ясси тухумсимон, бодамсимон, найзасимон қилиб қилиб ишланиб, учи учли қарама—қарши томони эса ёъғонроқ тухумсимон бўлган. Олимлар унга қўл чўқмори деб ном беришган.

Қўл чўқморлари одатда бир томони бодомга ёки юракка ўхшаб, тўмтоқ бўлган, лекин уни қўл билан ушлаш қулай бўлган. Иккинчи, қарама—қарши томони эса, ўткир учли бўлиб, бу томони кесиш, чопиш, ковлаш каби вазифаларни бажарган. Аجدодларимиз шу қуроллар ёрдамида ов қилганлар, илдиз ковлаганлар, гўштни майдалаганлар, териларни шилганлар. Одамнинг қўли эса даста вазифасини бажарган.

Ашель даврига келиб одамлар бирмунча тараққиёт даражасига эришганлар. Энди кишилар турли тоғ, дарё жинслари, асосан чакмоқтошдан қурол яшашни ўргана бошлаганлар. Қуролларни ишлаш техникаси бирмунча такомиллашган. Ҳозирги кунда Ўрта Осиёда сўнгги палеолит даврига оид 30 ортиқ ёдгорлик топиб ўрганилган бўлса, шулардан 10 таси Ўзбекистондан топилган. Улардан Зарафшон воҳасида топилган Самарқанд, Сиёбча, Хўжаманзил маконлари яхши ўрганилган. Қўлбулоқ Бўзсув, Такалсой, Туябўғиз маконларидан ҳам юқори палеолит даври излари топилган.

Тошкент воҳасидан сўнгги палеолит даврига оид бир неча қатламли Бўзсув ва Туябўғиз маконлари ҳам топиб ўрганилган. Улардан топилган тош буюмлар Қўлбулоқдан топилган тош буюмларига ўхшайди. Булар асосида археологлар Тошкент воҳасида ибтидоий одамлар палеолит даврининг барча босқичларида истекомат қилиб, бир—бири билан яқин алоқада бўлганлар ва бир хил маданият яратганлар деган хулосани беришган.

2 режа

Ер юзида музликларнинг чекиниши натижасида иқлим ўзгаради. Бу эса, ўз навбатида ибтидоий одамларнинг турмуш тарзида ўзгаришларга олиб келади. Олимлар бу даврнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, уни ўрта тош даври, яъни мезолит даври деб белгилаганлар.

“Мезолит” сўзи юнонча “мезос”—ўрта, “литос”—тош сўзларидан келиб чиққан бўлиб, милоддан аввалги 12 минг йилликлардан 7 минг йилликларгача давом этган.

Мезолит даврида иқлимнинг ўзгариши билан ҳайвонот дунёси ҳам ўзгаради. Палеолит давридаги йирик ҳайвонлар йўқолиб, улар ўрнига тез чопар ва майда ҳайвонлар: арҳар, муфлон, тоғ эчкиси, буғу, жайрон, қулон, қуён, арслон, йўлбарс, барс, қоплон ва бошқа ҳайвонлар пайдо бўлди. Уларни илгаридагидек овлаш ибтидоий одам учун мураккаблик туғдирди. Натижада ўқ-ёй ихтиро қилинди. Бу мезолит даврининг энг катта ютуғи эди. Ўқ ёйнинг кашф этилиши хўжаликда овнинг аҳамиятини оширди. Энди ибтидоий овчилар узокдан туриб ўз ўлжасини нишонга олиш имкониятига эга бўлдилар ва озиқ-овқатга бўлган талабни қондира олдилар.

Ўсимликлар дунёсида ҳам иссиқталаб ўсимликлар салмоғи ошди. Дарёларнинг серсув бўлиши балиқчиликнинг вужудга келишига ва дастлабки қайиқларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса ибтидоий одамнинг турмуш тарзини ўзгартирди.

Ўзбекистон ҳудудида мезолит даври жамоаси географик шароити қулай бўлган дашт, текисликлар, қўл, дарё соҳилларида, тоғли ҳудудларда яшаб, овчилик, балиқчилик, термачилик билан шуғуллаганлар. Палеолит даврга нисбатан бу даврда тош қуролларини ишлаш техникаси такомиллашган, қуролларининг турлар кўпайган, сифати яхшиланган. Бу эса хўжаликнинг ривожланишига ва одамлар тафаккурининг ўсишига олиб келган. Бу ҳол ибтидоий жамоа тузумининг кейинги ривожини учун асос яратиб берган.

3 режа

Неолит даврида ибтидоий кабилалар ўтроқ турмуш тарзига ўтганлар. Доимий ертўла, лой, гуваладан қурилган кулбаларда яшаганлар. Ўтроқ турмуш тарзи жанубий ҳудудларда деҳқончиликнинг келиб чиқишига, чўл минтақаларда эса, ўтроқ овчилик хўжалигининг қарор топишига олиб келган. Кейинчалик овчилик хўжалиги замирида чорвачилик пайдо бўлади.

Неолит даврининг энг катта ютуғи ҳам **деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши** эди. Кўпчилик олимлар бу кашфиётнинг инсонлар ҳаётидаги аҳамиятини инобатга олиб, неолит даври инқилоби деб баҳо берадилар. Ибтидоий одамларнинг ўзлаштирувчи хўжаликдан **ишлаб чиқарувчи хўжаликка** ўтишди. Бу узоқ ва машаққатли давом этган жараён бўлган. Термачиликнинг замирида деҳқончилик ётган, овчиликнинг замирида эса, чорвачилик ётган. Тадқиқотчилар фикрича, деҳқончилик ва чорвачиликнинг пайдо бўлишига аёлларнинг меҳнати ва синчковлиги сабаб бўлган.

Энеолит даврида меҳнат қуроллари асосан тошдан, ҳайвон суяқларидан ва қисман мисдан ясалган. Мис меҳнат қуроллари мавжуд бўлганлиги энг қадимги меҳнат қуролларини химиявий анализ қилиш асосида исботланди. Дастлабки мис қуроллар соф мисдан ясалган. Одамлар дастлаб мисни тошнинг бир тури деб, совуқ ҳолда ишлов берганлар. Милоддан аввалги IV минг йилликлардагина унинг оловда эриш хусусияти кашф этилган. Мис қуроллари меҳнат унумдорлигини оширган, лекин мис табиатда кам учраганлиги ва таннархи қиммат бўлганлиги сабабли, у тош қуролларни сиқиб чиқара олмаган. Шунингдек, унинг бошқа металлларга нисбатан юмшоқлиги ва эгилучанлик хусусияти, улардан ҳамма ҳудудларда бир хил фойдаланишга имкон бермаган.

Энеолит давридаги меҳнат қуроллари асосан деҳқончилик хўжалиги билан боғлиқ эди. Бу қуроллар чакмоқтошдан ишланган қистирма ўроқ, пичоқ, ўроқ ранда, қирғич, бигиз, ёргучоқ, кетмонча ва бошқалар бўлган. Мисдан бигиз, игна, тўғнағич, болта, пичоқ, найза, куракчалар ва турли тақинчоқлар ясаганлар.

Энеолит даврининг илк ва ўрта босқичида сопол лойига майдалаб эзилган сомон қўшиб идиш ясалган. Бу сопол буюмлар қалин ва мўрт бўлиб, таги ясси бўлган. Сопол идишлар сарғиш, оч сариқ, оч қизил ва қизил ангоб билан бўялиб, қора минерал ранг билан содда геометрик нақш берилган.

Сўнгги босқичида эса сопол идишлар яшашда катта ўзгаришлар юз беради. Биринчидан, сопол буюмлар сифати яхшиланади, яъни лойга гипс аралаштирилади. Натижада сопол буюмлар жарангли ва мустаҳкам бўлди. Иккинчидан баъзи сопол идишларда 3 тадан оёқ пайдо бўлди. Учинчидан сопол буюмлар нақши мураккаблашиб, жимжимадор бўлди ва ҳайвон, паррандаларнинг расмини солиш одат тусига кирди. Сопол идишлар тури кўпайган.

Ўзбекистон ҳудудида Амударё этақларидаги энеолит даври ёдгорликларини С.П. Толстов, куйи Зарафшон ҳудудларини Я.Ғ. Ғуломов, А. Асқаров, Ў. Исломовлар тадқиқ қилишган.

Ўрта Осиёнинг шимолий ва марказий ҳудудларидаги кабилалар металл билан мил. авв. III минг йилликлар охири ва II минг йилликларнинг бошларида биринчи бор танишишган.

4 режа

Милоддан аввалги II минг йилликнинг I чорагида бошланиб, милоддан аввалги VIII асрларгача давом этади. Шунингдек жамият тараққиёти ҳам ўзига хос тарзда давом этган. Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида деҳқончилик маданияти равнақ топиб, илк шаҳар маданияти таркиб топди. Ўзбекистоннинг жанубий—шарқий ва марказий ҳудудларида, яъни Самарқанд, Фарғона, Қарши воҳаси ҳудудларида илк шаҳар маданияти излари сўнгги бронза даврига келганда вужудга келди. Унгача бу ҳудудларда кўчманчи чорвадорлар маданияти, яъни Андронova ва Тозабоев маданиятлари аҳолиси яшаб келган. Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудларида чўл ва дашт

чорвачилик хўжалиги етакчи ўринни эгаллаган. Зарафшон, Сирдарё ва Амударё этакларида сўнгги бронза ва илк темир даврида чорвадор қабилалар ўтроклашиб, суғорма деҳқончилик билан шуғуллана бошлаганлар ва улар асосида қишлоқлар ташкил этилади.

Бронза даври хўжалигининг энг катта ютуғи бу деҳқончилик маданиятининг кенг ёйилиши ва унинг чорвачиликдан ажралиб чиқишидир. Бу жараён фанда биринчи ижтимоий меҳнат тақсимоти деб номланиб, милoddан аввалги II минг йилликнинг 2-чи ярмида содир бўлган. Ижтимоий меҳнат тақсимоти биринчи навбатда табиий шароит муҳитидан келиб чиқиб ихтисослашди. Ўрта Осиёнинг жанубий ва жануби-ғарбий районлари деҳқончилик маданиятининг ўчоқларига айланди. Унинг чўл ва дашт зоналарида чорвадорлар ва Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий, марказий ҳудудларидаги дарё этакларида деҳқончилик маданияти таркиб топа бошлади. Деҳқончиликдан чорвачиликнинг алоҳида соҳа бўлиб ажралиб чиқиши қонуний зарурият бўлган.

5-илова

Ақлий ҳужум пед. технологияси учун саволлар

- *Энг қадимги даврларда Ўзбекистон ҳудудларида одамларнинг жойлашув жараёни қандай кечган?*
- *Мезолит даври хўжаликдаги ўзгаришлар одам ҳаётига қай тарзда таъсир кўрсатди?*
- *Неолит ва энеолит даври хўжаликдаги ютуқларининг жамиятнинг шаклланишидаги ўрни ва аҳамияти қандай?*
- *Ўзбекистон ҳудудларида хўжалик турларининг шаклланиши ва элатларнинг жойлашуви?*
- *Милoddан аввалги II-I минг йилларда Ўзбекистон ҳудудларида яшаган одамларнинг қиёфаси қандай бўлган?*
- *Алоҳида энг қадимги элатларнинг шаклланиши ва этник гуруҳларга ажралиши?*

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

3-мавзу

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИ (милоддан аввалги 1 минг йиллик биринчи ярми

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машгулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 30гача
Машгулот шакли	Ахборот- маъруза
Маъруза режаси	1. Ўзбекистонда илк давлатчилик тарихининг манбаларда акс этиши 2. Ўзбекистондаги энг қадимги шаҳарларнинг давлатчилик таракқиётидаги ўрни ва илк давлатларнинг ҳудудий асослари Ўзбекистонда милоддан аввалги VI асргача мавжуд бўлган давлат уюшмалари
Ўқув машгулотининг мақсади: Ўзбекистонда илк давлатчилик тарихи (милоддан аввалги 1 минг йиллик биринчи ярми)тўғрисида маълумот бериш	
Педагогик вазифалар: 3. Ўзбекистонда илк давлатчилик тарихининг манбаларда акс этиши ҳақида маълумот бериш 4. Ўзбекистондаги энг қадимги шаҳарларнинг давлатчилик таракқиётидаги ўрни ва илк давлатларнинг ҳудудий асослари ҳақида маълумот бериш • Ўзбекистонда милоддан аввалги VI асргача мавжуд бўлган давлат уюшмалари ҳақида маълумот бериш	Ўқув фаолияти натижалари: 5. Ўзбекистонда илк давлатчилик тарихининг манбаларда акс этиши ҳақида маълумотга эга бўладилар; 6. Ўзбекистондаги энг қадимги шаҳарларнинг давлатчилик таракқиётидаги ўрни ва илк давлатларнинг ҳудудий асослари ҳақида маълумотга эга бўладилар; • Ўзбекистонда милоддан аввалги VI асргача мавжуд бўлган давлат уюшмалари ҳақида маълумотга эга бўладилар;
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали маъруза, суҳбат, ақлий хужум.
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий

<i>Таълим бериш воситалари</i>	<i>Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар</i>
<i>Таълим бериш шароити</i>	<i>ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория</i>
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	<i>Оғзаки назорат: савол-жавоб</i>

1.2. “Ўзбекистонда илк давлатчилик тарихи

(милоддан аввалги 1 минг йиллик биринчи ярми)” маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Машғулоти мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништилади. (1илова) 1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништилади. (2 илова) 1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништилади (3-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар Тинглайдилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4 илова) 2.3. Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида ақлий ҳужум пед.технологияси ўтказилади. (5 илова)	Тинглайдилар, ёзадилар. Саволларга жавоб берадилар
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, 3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади. 3.3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади.	Саволлар берадилар. Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Мавзу: Ўзбекистонда илк давлатчилик тарихи
(милоддан аввалги 1 минг йиллик биринчи ярми)

Режа:

- Ўзбекистонда илк давлатчилик тарихининг манбаларда акс этиши
- Ўзбекистондаги энг қадимги шаҳарларнинг давлатчилик тараққиётидаги ўрни ва илк давлатларнинг ҳудудий асослари

- Ўзбекистонда милоддан аввалги VI асргача мавжуд бўлган давлат уюшмалари.

Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбекистонда илк давлатчилик тарихи (милоддан аввалги 1 минг йиллик биринчи ярми) тўғрисида маълумот бериш

Ўқув фаолиятининг натижаси: Ўзбекистонда илк давлатчилик тарихи (милоддан аввалги 1 минг йиллик биринчи ярми) тўғрисида маълумотга эга бўладилар.

2 илова

Адабиётлар:

1. Қудратов С. Марказий Осиё ҳудудларида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. Гулистон. 1998 .
2. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларида. Т., Ўқитувчи , 1996.

3 илова

Ҳар бир маъруза ва амалий машғулот учун 5 дан 2 баллгача қўйилади. Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:

- 5 балл - «аъло»
- 4 балл - «яхши»
- 3 балл - «қониқарли»
- 2 балл - «қониқарсиз»

4-илова

1 режа

Жаҳон тарихидаги илк давлатлар дехқончилик ва чорвачилик пайдо бўлган ва кенг ёйилган ҳудудларда шаклланган. Ўзлаштирувчи хўжалик тузумидаги қабилаларга нисбатан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтган қабилаларда давлат босқичига ўтиш анча барвақт бошланган. Бунда асосан махсулдорликнинг ўсиши, одамларнинг ўтроқ ҳаёт тарзига ўтиши, хунармандчилик, савдо – сотиқ ва махсулот айрбошлашнинг юзага келиши салмоқли ўрин эгаллаган. Илк давлатлар дехқончилик юзага келган ҳудудлар – Икки дарё оралиғи, Мисрда пайдо бўлиб, аста секин қўшни ҳудудларга ҳам (Кавказorti, Эрон, Ўрта Осиё, Хиндистон, Хитой) тарқалди.

Археологик маълумотларга асосан, милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида Ўзбекистонда (Сурхон воҳаси) дехқончилик маданияти таъсирида илк давлатчиликка ўтила бошланди.

Дастлабки давлатлар алоҳида маконлар ёки илк шаҳарлар ҳамда ишлов бериладиган ерлар ва суғориш тизими майдони билан чегараланганлиги боис, кичик ҳудудларда, аҳоли зич жойлашган воҳаларда пайдо бўлди. Бундай воҳалар аҳолиси учун ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, маконлар ва манзилгоҳлар ҳудудини мудофаа қилиш, суғориш ва дехқончилик ишларини ташкил қилиш, жамоанинг ички ва ташқи алоқаларини бошқариб туриш масалаларини ечиш муҳим ва ҳаётий зарурият эди. Бу вазифаларни хал қилиш зарурияти, бошқарув ва қабила ҳаёти билан боғлиқ бошқа турли ишларни амалга ошириш мақсадида қабила орасидан ҳурматга лойиқ кишилар – йўлбошчилар ажралиб чиқа бошлади. Шу тариқа ижтимоий – иқтисодий муносабатлар тараққиёти алоҳида ўринга эга бўлган, қабиладаги ижтимоий ва хўжалик ҳаёти устидан назорат қилувчи кишиларнинг ажралиб чиқишига олиб келди, бироқ булар хали ҳукмрон

табақага айланмаган эдилар. Жамиятда дастлаб ахлоқий ва обрў нуқтаи назаридан ажралиб турган кишилар аста секин жамиятдаги отадан ўғилга мерос қолувчи ҳокимият эгаларига айланиб бордилар.

Ўзбекистондаги дастлабки давлат уюшмалари ҳам деҳқончилик воҳалари аҳолисини четдан бўладиган босқинлардан ҳимоя қилиш ва жамоадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан бошқариб туриш учун ташкил топди.

Ўзбекистоннинг бронза даврига оид илк давлатчилиги ҳақида фақатгина археологик манбалар мавжуд бўлса, милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмига оид тарихи ёзма манбаларда қисман ёритилган. “Авесто”, Ахамонийлар даври миҳхат ёзувлари, антик давр Рим ва Юнон тарихчилари асарларида Ўзбекистоннинг давлатчилиги тарихи ҳақида илк маълумотлар жамланган. Бироқ, фақатгина ёзма манбалар ёрдамида бу масаланинг моҳиятини тўлиқ очиб берилиши имконсиз бўлгани учун бу даврдаги давлатчилиги тарихи, ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва маданий турмуш тарзи археологик манбалар ёрдамида ҳам ўрганилади.

“Авесто” тили, вилоятларнинг тарихий географияси номланиши каби хусусиятларига кўра Хоразм ҳудудларида пайдо бўлган ҳисобланади. “Авесто”нинг энг қадимги географик номлари Ўрта Осиё ва унга чегарадош вилоятлар билан боғланади ва унда қадимги географик тушунчалар, ҳудудий, этник қабилалар ва вилоятлар номлари, қадимги мамлакатларнинг рўйхати, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ва сиёсий тузум, Зардуштийларнинг фалсафаси, дунё тарихининг ривожланиши ҳақидаги маълумотлар ва бошқалар ўрин олган.

Ахамонийлар даври ёзувларида Ўрта Осиё халқлари ва вилоятлари тўғрисида маълумотлар сақланган бўлиб, бу ёзувлар милоддан аввалги VI – V асрларга оид ва улар **Бехустун** ҳамда **Нақши Рустам** қоятошларида, шунингдек Суза, Персеполь, Хамадон шаҳарларидаги сарой харобаларидан топиб ўрганилган.

2 режа

Жаҳон давлатчилиги тараққиёти жараёнларидан шуни кўрсатадики, давлатчилиги эволюцияси жараёнида шаклланган ҳар қандай йирик давлатлар ва давлат уюшмаларининг бошланғич нуқтаси илк шаҳарлар ва шаҳар маданиятидан бошланган. Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши дастлабки давлатчилиги шаклланишидаги энг муҳим ва асосий омил бўлиб, бу икки жараён бир-бири билан узвий равишда рўй берган. Милоддан аввалги II минг йилликка келиб Ўзбекистоннинг қадимги деҳқончилик воҳаларида ўтроқ қабилалар жойлашуви жараёнлари содир бўлиб, алоҳида энг қадимги элатларнинг шаклланиши ва этник гуруҳларга ажралиши содир бўлди. Шундай ҳудудларда аҳолининг кўпайиши ва жойлашув хусусиятига кўра зичлашиб бориши, ўтроқ деҳқончилигининг ривожланиши, ҳунармандчиликнинг тараққий этиши, ижтимоий табақаларнинг шаклланиши ва бошқарув аъзоларининг вужудга келиши, савдо-сотиқ (дастлабки вақтларда мол айирбошлаш) ва маданий алоқаларнинг кучайиб бориши ва айнаи вақтда сиёсий ва ҳарбий жараёнларнинг чуқурлашиб бориши дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Дастлабки шаҳарлар муҳофаа мақсадларида барпо этилган бўлиб, қабила ва элатларнинг душмандан жон сақлаши учун асосий бошпана сифатида юзага келган бўлиб, тобора кучайиб бораётган ижтимоий ва иқтисодий ҳамда сиёсий жараёнларда иқтисодий ва сиёсий марказларга айланиб борган. Шаҳарлар ички қалъа (шаҳар ҳукмдорлари қароргоҳи) ва шаҳристон (шаҳар аҳолиси яшайдиган ва кундалик турмуш билан банд бўладиган шаҳар қисми) дан иборат бўлиб, нафақат шу шаҳарнинг ўзига, балки унинг бар қанча атроф ҳудудларига ҳам ўз ҳукмини ўтказишга эришган.

Қадимги шаҳарларнинг келиб чиқиши бир неча шарт–шароитга боғлиқ. Анна шундай шартлардан бири – аҳолининг озиқ–овқатга бўлган талаби кўлидаги ҳўжалик

ихтироларининг яратилишидир. Бу эса ўз навбатида аҳолининг деҳқончилик ҳудудларида бир марказга зичлашишига имкон берди.

Буларга мисол қилиб қуйидаги хўжалик ихтироларини келтириш мумкин: деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши, деҳқончиликда сунъий суғоришни жорий этиш, хунармандчиликнинг кулолчилик, металлургия, тўқимачилик, заргарлик ва бошқа соҳаларининг юксак даражада риволанганлигидир.

Қадимги шаҳарнинг вужудга келишига тўғридан-тўғри иккинчи омил бу хунармандчиликнинг деҳқончилик хўжалигидан ажралиб чиқишидир. Бу хунармандчилик хўжалигининг марказлашувига ва унинг қатор соҳаларининг ажралиб, алоҳида фаолият юритишларига имконият туғдирди. Бу эса шаҳарнинг ички тузилишини таъминлади.

Шаҳар шаклланишидаги учинчи омил жамиятда ижтимоий тенгсизликнинг келиб чиқиши, шу билан бирга жамиятни бошқариш органларининг ўзгариши ва мураккаблашиши эди.

Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Ўзбекистонда мавжуд юлган энг қадимги шаҳарларнинг ёши 2700 – 3000 йилга боради. Бундай шаҳарлар қаторида **Афросиёб** (Самарқанд), **Қизилтепа** (Сурхондарё), **Узунқир**, **Ерқўрғон** (Қашқадарё) қабиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Археологик тадқиқотлар натижасида ўзбек археологлари Ўзбекистоннинг турли вилоятларида бир қанча қадимги шаҳарлар харобаларини топиб ўргандилар. Тадқиқотларининг гувоҳлик беришича, бу шаҳарларнинг айримлари бундан 2700 йиллар аввал пайдо бўлган. Уларга Афросиёб (Самарқанд), Қизилтепа (Сурхон воҳаси), Узунқир, Ерқўрғон (Қашқадарё воҳаси) қабилар қиради. Бу қадимий шаҳарлар аънавалари Самарқанд (Афросиёб, Мароканд), Китоб – Шахрисабз (Узунқир), Қарши (Ерқўрғон) ҳудудларида давом этди.

3 режа

Илк давлатларнинг ҳудудий асосини деҳқончиликка алоқадор туманлар ташкил этган. Хўжалик юритиш мақсадида ўзлаштирилган ерларда аҳоли зиж жойлашган бўлиб, улар “Маданий – хўжалик” воҳалари, деб юритилган. Манзилгоҳларнинг сони ва ўзлаштирилган ерларнинг умумий майдонига қараб маданий – хўжалик воҳалари бир неча гуруҳларга бўлинган ва уларнинг чегаралари суғорма деҳқончилик ҳудудлари ва суғориш тармоқлари чегаралари билан боғлиқ бўлган. Қишлоқ жамоалари ўртасида товар айрибошлашда “пул” вазифасини кулолчилик ва темирчилик буюмлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўтаган, ташқи савдода (вилоятлар, мамлакатлар ўртасида) пул ўлчовини хом-ашё, қимматбаҳо хунармандчилик буюмлари (металл идишлар, қурол – яроғлар, зеб – зийнат буюмлари), қимматбаҳо тош, олтин ва қумуш бажарган. Ўрта Осиёда милоддан аввалги VII – VI асрларда қулчилик муносабатлари деярли ривожланмаган, унинг энг кўп тарқалган кўриниши “Уй қулчилиги” бўлган. Бундай уй қуллари “Авесто”да “Вайса” лар деб аталган. Юқоридагилардан кўринадики, ўзбек халқининг шаклланишида ва унинг давлатчилиги пайдо бўлишида туб ўтроқ деҳқон аҳоли алоҳида ўрин тутган. Ўзбек халқи аجدодларининг илк давлатчилиги тараққиёти, қадимги шаҳарлар тарихи ва тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлган. Мил.авв. VI асрда Ўзбекистон ҳудудида илк давлат уюшмалари **“Қатта Хоразм” қабилалар конфедерацияси** ва **Қадимги Бактрия подшолиги** мавжуд бўлиб, улар ўзига хос маданиятни шакллантирганлар. Илк давлатлар кейинчалик Ахамонийлар империяси таркибига кирган бўлсаларда, маданий ривожланишда маҳаллий элементлар сақланиб қолган. Фақат сопол идишларининг ишлаш услублари, архитектура элементлари, давлатни бошқариш тартиблари ва пул бирликлари кириб келган. Бу даврнинг маданий ривожланиши ёзма ва археологик манбалар асосида ўрганилган. Архитектура, хунармандчилик, деҳқончилик, заргарлик, тикувчилик ва кулолчилик қабил соҳалар ривожланган. Сурхондарё, Қашқадарё, Амударёнинг қуйи оқими, Зарафшон водийларида йирик хунармандчилик марказлари вужудга келган.

- Милоддан авалги VI асргача Ўрта Осиёда мавжуд бўлган давлатларни тавсифлаб беринг - Шаҳарларнинг пайдо бўлишидаги омилларни қандай изоҳлаб берасиз? - Шаҳар ва унга хос хусусиятларни санаб беринг - Ўзбекистон ҳудудларида шаҳарларнинг пайдо бўлиши жараёнини тушунтиринг - Ўзбекистоннинг қайси ҳудудларида илк давлатчиликка ўтилган? - Илк давлатларнинг чегараланиши нималарга асосланган? - Ўрта Осиё ҳудудларидаги илк давлатларни санаб беринг? - Илк давлатларнинг бошқарув таритибини тушунтириб беринг

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

4-мавзу	ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАДИМГИ ДАВР ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ (милоддан аввалги VI - милодий IV асрлар)
---------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машгулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 60-80 гача
Машгулот шакли	Кириш-ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Аҳмонийлар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё халқлари 2. Македониялик Искандар салтанати таркибида Ўрта Осиё халқлари 3. Салавкийлар даврида Ўрта Осиё 4. Ўзбекистон ҳудудларида Юнон - Бақтрия давлатчилиги 5. Кушон давлати ва унинг давлатчилик хусусиятлари 6. Қанғ давлати давлатчилиги тарихи
Ўқув машгулотининг мақсади: : Ўзбекистонда қадимги давр давлатчилиги тарихи (милоддан аввалги VI - милодий IV асрлар) ҳақида маълумот бериш	
Педагогик вазифалар: 1. Аҳмонийлар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё халқлари ҳақида маълумот бериш; 2. Македониялик Искандар салтанати таркибида Ўрта Осиё халқлари ҳақида маълумот бериш; 3. Салавкийлар даврида Ўрта Осиё ҳақида маълумот бериш; 4. Ўзбекистон ҳудудларида Юнон	Ўқув фаолияти натижалари: • Аҳмонийлар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё халқлари ҳақида маълумотга эга бўладилар; • Македониялик Искандар салтанати таркибида Ўрта Осиё халқлари ҳақида маълумотга эга бўладилар; • Салавкийлар даврида Ўрта Осиё ҳақида маълумотга эга бўладилар; • Ўзбекистон ҳудудларида Юнон - Бақтрия давлатчилиги ҳақида

- Бактрия давлатчилиги ҳақида маълумот бериш; 5. Кушон давлати ва унинг давлатчилик хусусиятлари ҳақида маълумот бериш; 6. Қанғ давлати давлатчилиги тарихи ҳақида маълумот бериш;	маълумотга эга бўладилар; • Кушон давлати ва унинг давлатчилик хусусиятлари ҳақида маълумотга эга бўладилар; • Қанғ давлати давлатчилиги тарихи ҳақида маълумотга эга бўладилар;
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали маъруза, суҳбат, инсерт жадвали
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

1.2. “Ўзбекистонда қадимги давр давлатчилиги тарихи (милoddан аввалги VI - милodий IV асрлар)” маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Машғулот мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. (1илова) 1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништиради. (2 илова) 1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (3-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар Тинглайдилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4 илова) 2.3. Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида инсерт жадвали пед технологияси ўтказилади. (5 илова) 2.4. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида саволлар берилади (6 илова)	Тинглайдилар, ёзадилар. Топшириқлар бўйича ишлайдилар Саволларга жавоб берадилар
3. Яқуний	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради,	Саволлар берадилар.

босқич (10 дақиқа)	3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади. 3.3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади.	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.
------------------------------	--	--

1-илова

Мавзу: Ўзбекистонда қадимги давр давлатчилиги тарихи (милоддан аввалги VI - милодий IV асрлар)

Режа:

1. Аҳмонийлар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё халқлари
2. Македониялик Искандар салтанати таркибида Ўрта Осиё халқлари
3. Салавкийлар даврида Ўрта Осиё
4. Ўзбекистон ҳудудларида Юнон - Бақтрия давлатчилиги
5. Кушон давлати ва унинг давлатчилик хусусиятлари
6. Қанғ давлати давлатчилиги тарихи

Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбекистонда қадимги давр давлатчилиги тарихи (милоддан аввалги VI - милодий IV асрлар) ҳақида маълумот бериш

Ўқув фаолиятининг натижаси: Ўзбекистонда қадимги давр давлатчилиги тарихи (милоддан аввалги VI - милодий IV асрлар) бўйича маълумотга эга бўладилар.

2 илова

Адабиётлар

- Исамиддинов М.Х. Сулаймонов Р.Х. Ерқўрғон. —Ташкент, 1984.
- Сулаймонова Х. Шарқ ва Ғарб. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
- А.Хўжаев, К.Хўжаев. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши.Т., Маънавият, 2001.

3 илова

Ҳар бир маъруза ва амалий машғулот учун 5 дан 2 баллгача қўйилади.
Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:

- 5 балл - «аъло»
- 4 балл - «яхши»
- 3 балл - «қониқарли»
- 2 балл - «қониқарсиз»

4-илова

1 режа

Милоддан аввалги VI аср ўрталарида кучайиб борган Аҳмонийлар давлати тез орада Мидия, Лидия, Икки дарё оралиғидаги бир қанча давлатлар, Кичик Осиё ва Каспий денгизи жанубийҳудудларини босиб олгач, милоддан аввалги VI асрнинг 30-йилларида подшо Кир қўмондонлиги остида Ўрта Осиё ҳудудларига бостириб киради. Геродотнинг хабар беришича, Марказий Осиё халқларининг эркесвар, мардонавор жангчи, ҳарбий тайёргарлиги кучли эканлигини Кир тан олган ва айнан шунинг учун ҳам бу юришларга шахсан ўзи бошчилик қилган эди. Бир неча кун қўшин билан бу ерда жангга тайёргарлик кўрган Кир, бобоси Крез ва ўғли Камбизни Эронга қайтариб юборади ва дарё устига кўприк қурдириб (Геродот бу дарёни Аракс деб атайди – Амударё), массагетлар устига юриш қилади. Бу ерда маҳаллий халқларнинг қаттиқ қаршилигига учраган Кир массагетлар билан бўлиб ўтган тўқнашувлардан бирида ўлдирилади. Массагетлар маликаси Тўмариснинг Эрон шоҳи Кир устидан ғалабаси Геродотнинг «Тарих» асарининг

биринчи китобида ёзилган бўлиб, бу воқеани V асрда яшаган қадимги Рим тарихчиси Павел Орозий «Жаҳон тарихи» китобида келтириб ўтган эди. Кир лашкарларининг тор – мор этилиши ва Кирнинг ҳалокати милоддан аввалги 530 йилнинг август ойи бошларида рўй беради. Массagetлар маликаси Тўмариснинг эронликлар устидан ғалабаси ҳақида Фотий, Ктесий, Помпей Трог, Ксенофонт, Страбонлар ҳам ёзиб қолдирганлар.

Кейинчалик, милоддан аввалги 522 йилда Аҳмонийлар тахтига ўтирган Доро I ўз салтанатининг шарқий вилоятларида, яъни Марғиёна, Парфия ва саклар ҳудудларида Эронга қарши кўтарилган кўзғолонларни бостириш учун ҳарбий ҳаракатлар бошлайди. Айниқса, Марғиёнада Фрада бошчилигида бўлиб ўтган озодлик курашлари бостирилиши натижасида 55 минг киши ўлдирилади. Доронинг бу юришидан сўнг Ўрта Осиёнинг катта қисми аҳмонийлар давлати таркибига бўйсундирилади.

Доро ва Ксеркслар даврида Марказий Осиёни ўзига бўйсундирган Эрон бу мамлакатлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатади ва айни вақтда аҳмонийлар давлатининг бошқарув ва солиқ тизимларини жорий қила бошлайди. Аҳмонийлар томонидан босиб олинган ҳудудларнинг барчаси сатрапликларга бўлинган ва давлат Марказий Осиёдан Мисргача чўзилган улкан империя бўлган. Давлат ҳудудлари ниҳоятда улкан бўлишига қарамасдан, марказий ҳокимият тўлақонли тараққий этмаган ва ҳар бир сатраплик ҳокими - сатраплар ўзларини бошқариб турган ҳудудларида шоў деб ҳисоблар эдилар.

Герадотнинг берган маълумотларига кўра Бактрия Аҳмонийлар давлатининг ўн иккинчи вилояти (сатраплиги) ни ташкил этиб, 300 талант¹, Парфия, Хоразм, Сўғдиёна ва орийлар ўн олтинчи вилоят бўлиб, 300 талант, саклар ва каспийбўйи халқлари ўн бешинчи вилоят бўлиб, 250 талант, Парикания ва Осиё ҳабашлари ўн еттинчи вилоят бўлиб, 400 талант бож тўлаганлар. Бундан кўринадикки, Марказий Осиё ва Хуросон вилоятларидан аҳмонийлар ҳар йили 1250 талант миқдорида бож олиб турганлар. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, айнан шу вақтда қадимги Шарқнинг энг қудратли ва тараққий этган Бобил ва Оссурия давлатларидан фақатгина 1000 талант миқдорида бож олинганлигини ҳисобга олинандиган бўлса, Марказий Осиё давлатларининг тўлаётган бож миқдorigа қараб бу давлатлар иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўша вақтдаги Шарқнинг энг қудратли давлатларидан ҳам бир мунча юқори поғонада бўлганлигини кўрсатади.

Марказий Осиё халқлари босиб олинган бошқа давлатлар каби ўз фуқаролари ҳисобидан Эрон армияси учун лашкар юборишлари шарт бўлган. Герадотнинг ёзишича, бактрияликлар саклар билан бир қаторда энг яхши жангчилар ҳисобланиб, шоҳ гвардияси қисмларига жалб этилган. Шунингдек Герадот ўз асарида бактриялик жангчиларнинг кийимлари ва ҳарбий қуроли - яроғлари ҳақида ҳам маълумотлар ёзиб қолдирган. Аҳмонийлар саройида ва армиясида шарқий вилоятлардан келиб хизмат қилувчи вакиллар жуда кўпчиликини ташкил қилган. Марказий Осиёда яшовчи қабила ва элатлар яхши суворийлар ва мерганлар сифатида Аҳмонийлар армияси учун жуда қулай жанговар куч бўлиб хизмат қилганлар. Герадот келтирган маълумотларга кўра Ксеркснинг Юнонистон Билан бўлган жангларида Марказий Осиё вқабилалари ва элатларидан 1700000 пиёда ва 800000 суворийлар қатнашган.² Булар орасида саклар энг жанговарлари ҳисобланган. Дионисий Перизгест (II аср) саклар ажойиб чавандоз ва камондаон моҳирлик билан отишлари, «дунёдаги ҳамма мерганлар орасида энг моҳири скифлар, улар биронта ҳам ўқни бекор кетказмайдилар» деб айтади. Диодор эса юнонлар мерганлик санъатини саклардан ўрганганлигини, ҳаттоки «ўқ-ёй» сўзи саклардан кириб келганлигини ёзиб қолдиради. Сак жангчилари Аҳмонийлар урушларининг ҳаммасида фаол иштирок этганлар, уларнинг қуроллари қолдиқлари, айниқса бронзадан ишланган найза учлари Яқин ва Кичик Осиё ҳамда Юнонистондан кўплаб топилган.

¹ Бир талант – 25,92 кг кумуш танга

² Шарқ ва Ғарб... 62-б.

Аҳмонийлар даврида кўпгина Шарқ халқларининг сиёсий бирлиги, кенг маданий ва иқтисодий алоқалар ривожланди. Бу даврда Ўрта Осиёга оромий ёзуви кириб келди, кейинчалик оромий ёзуви асосида маҳаллий халқларнинг Парфия, сўғд, бактрия ва хоразм ёзувлари шаклланди ва илк ўрта асрларгача мавжуд бўлди.

Аҳмонийлар даврида Ўрта Осиё халқларининг асосий машғулоти деҳқончилик бўлган, шу даврга оид қадимги манзилгоҳлардан кўплаб деҳқончиликка оид меҳнат қуроллари топилган.

Милоддан аввалги VI-IV асрларда Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна, Фарғона, Шош ҳудудларида кўплаб шаҳарлар ва қишлоқлар мавжуд бўлган. Йирик шаҳарлар қалин ва мустаҳкам муҳофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб, бу даврда шаҳарларнинг нафақат сиёсий марказлар сифатида, балки ижтимоий ҳаёт учун барча шарт-шароитлар юзага келган маданий ва иқтисодий марказлар сифатидаги аҳамияти ҳам ошиб борди. Шаҳарларда кулолчилик ва темирчилик, бронзадан буюмлар ясаш, тўқимачилик ва савдо - сотиқ ривожланган, шаҳар атрофларидаги ва шаҳардаги барча аҳоли учун шаҳар ичида жойлашган ибодатхона асосий диний маросимларни бажарувчи марказ бўлиб қолган.

2 режа

Македониялик Искандар ўз ҳарбий юришлари билан Болқон ярим ороли, Кичик Осиё, Миср, Сирдарё ва Хиндистонгача чўзилган улкан ҳудудда ўз салтанатини барпо қилди. Салтанат пойтахти Бобил эди. Милоддан аввалги 330 йили қудратли Эрон аҳмонийлари давлатини мағлуб этган македониялик Искандар шу йили Марказий Осиё ҳудудларига яқинлашди. Олима Фозила Сулаймонованинг таъкидлашича, - “Александрнинг Бактрия, Сўғдиёна, умуман Марказий Осиёга юришининг ғоявий-сиёсий сабаблари бор эди. Аввало шимолий – шарқий вилоятлар эронийларнинг расмий дини бўлмиш зардуштийликнинг ватани, бешиги эди, эронийлар тушунчасига кўра (бизнингча юнонлар тушунчасига кўра – З.И) халқ қудрати, халқ руҳининг сири ўша қадимий ватанда (Ўрта Осиё ҳудудларида-З.И.). Эрон забот этилгани билан мамлакат орти ҳали мустаҳкамдек, халқ руҳи тетикдек туюлар эди. Демак, Бактрия ва Сўғдиёнани забот этмасдан туриб эронийлар қудратини енгиб бўлмас, келажакдаги тинчликка ҳам ишониб бўлмас эди”³.

Милоддан аввалги 330 йилда Искандар Бактрияни босиб олади. Ўз ҳарбий юришларини бошлагандан буён ўтган қисқа вақт давомида жуда катта ҳудудларни босиб олишга эришган Искандар учун Гирканиа, Дрангиана, Арахозия, Бактрия ва Сўғдиёнани босиб олиш учун уч йилдан ортиқроқ вақт зарур бўлади ва бутун юришлари давомидаги энг қаттиқ қаршиликка ҳам айнан шу вилоятларда дуч келади. Бунинг албатта бир неча сабаблари бор: биринчидан, антик муаллифларнинг хабарларига кўра бу ҳудудларда Бактр, Кирополь, Мароқанда каби мустаҳкам шаҳарлар мавжуд бўлган, иккинчидан маҳаллий халқларнинг мустаҳкам қалъаларида туриб ва очикда жанг қилиш услуги Искандар учун бегона бўлган ва бу жанг вақтларида катта қийинчилик туғдирган, учинчидан Искандар ва унинг армияси учун маҳаллий халқларнинг қурол-яроғлари ва улардан фойдаланиш усуллари ноаниқ бўлган, тўртинчи ва энг асосийси, узок вақтлардан буёқ Эрон аҳмонийлари зулми остида эзилган маҳаллий халқлар бошқа бир босқинчи македониялик Искандарга қарши халқ курашини амалга оширганлар. Юқорида санаб ўтилган омиллар Искандарнинг қисқа вақт ичида Ўрта Осиёни босиб олиш режасини чиппакка чиқаради ва ва ҳатто унинг қўшини орасида катта норозиликларга ҳам сабаб бўлади.

Бактрийлар ва сўғдлар Спитамен, Датаферн, Каттанлар бошчилигида юнон-македон босқинчиларига қарши милоддан аввалги 329-327 йилларда - уч йил давомида кураш олиб борганлар. Айниқса, Спитамен бошчилигидаги сўғдлар қаршилигини енга

³ Шарқ ва Ғарб. 105-б.

олмай, чорасиз қолган Искандар ўзига қарши кучайган норозиликлар натижасида энг яқин кишилари – Клит (яқин дўсти ва уни ўлимдан сақлаб қолган), Каллисфен (Искандарнинг устози ва барча юришларидаги ҳамроҳи бўлган Аристотелнинг жияни, тарихчи)ларни ўлдиришгача бориб етади.

Спитамен кўшинлари таркибида сўғдлардан ташқари бактрийлар, сак ва массагетлар ҳам бўлган. Озодлик учун курашларга маҳорат билан раҳбарлик қилган Спитаменнинг ўлими хиёнатчиларнинг кўли билан амалга оширилади. Бу ҳақда Арриан асарларида уни даштлик кўчманчилар томонидан Искандарнинг дашт халқларига юриш бошлашининг олдини олиши учун ўлдирилган деб айтилса, Квинт Курций Руф уни ўз рафиқаси томонидан ўлдирилган деб ёзади.

Искандарнинг сўғдларга қарши кураши маҳаллий халқлар учун катта йўқотишларга сабаб бўлди, кўплаб шаҳарлар вайрон этилди, суғориш тармоқлари ишдан чиқарилди, деҳқончилик далалари катта зарар кўрди, озодлик курашлари натижасида Диодорнинг ёзишича, 120 мингдан ортиқ одам ўлдирилди.

Сўғд ва Бактрияни бўйсундирган Искандар кейинги йилларда Ҳинд дарёси бўйлариғача бўлган ерлар ва давлатларни босиб олгач, Бобилни ўз салтанатининг пойтахти деб эълон қилди ва шу ердан туриб давлатини бошқарди. Бироқ кўп ўтмай, милоддан аввалги 312 йилда Италияга қарши ҳарбий юришга тайёргарлик кўрилаётган вақтда у оғир касалликка чалиниб вафот этади. Катта курашлар ва юз минглаб одамларни қурбон қилиш эвазига ташкил этилган бу улкан давлат Искандар вафот этиши биланок инқирозга юз тутиб, парчаланиб кетади.

3 режа

Милоддан аввалги 312 йилда Искандар давлатининг Шарқий қисми (Кичик Осиё, Сурия, Эрон ва Ўрта Осиё) саркарда Салавк хукмронлиги остида бирлаштирилди. Салавкнинг ҳокимияти турли ҳарбий манзилгоҳларда жойлашган юнон-македон ва македонлар қурол-яроғлари билан қуролланган маҳаллий халқларнинг ҳарбий кучларига таянган эди.

Юнонлар ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўрта Осиё ҳудудларида бир қанча ҳарбий истехкомлар ва қалъалар барпо қилган эди. Бу нарса Искандар вақтидаёқ бошланиб, унинг ўзи Ўрта Осиёда 12 та шаҳарга асос солган эди. Бу шаҳар ва қалъа истехкомларидаги юнон-македон ҳарбийлари кўрикчи куч сифатида ҳарбий куч бўлган. Искандар салтанати қулагач, бу анъаналар Салавкийларда ҳам давом этди.

Салавкийлар давлати турли этник гуруҳлар асосида ҳарбий куч ишлатиш йўли билан ташкил этилган давлат эди. Давлат бошқарувининг барча сиёсий ҳуқуқий ва ижтимоий йўналишлари подшо саройи билан боғлиқ бўлиб, “подшо саройи” давлат бошқарувида катта аҳамиятга эга эди. Дастлаб Салавкийларда бошқарувчи девонхона мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Салавкийлар давлатида бирмунча мураккаб солиқ тури мавжуд бўлиб, Салавкий ҳукумдорлари ўзларига бўлган солиқ тартибларини ўзгартирмай, унга бир қанча қўшимчалар киритганлар. Деҳқонлардан солиқ йиғиб олиш сатрап ҳокимининг вазифаси эди. Сатрапликнинг умумий солиқ миқдори жамоалардан тушадиган солиқ миқдориға қараб белгиланар эди.

Милоддан аввалги 293 йил давлатнинг Шарқий вилоятларига Салавка ва Спитамен қизи Апаманинг ўғли Антиох ҳоким этиб тайинланди. Бу нарса Салавкийларда ҳокимларнинг подшо оиласи билан қариндошлиги бўлиши шарти бошқарув тизимининг асосий хусусиятларидан бири бўлганлигини кўрсатади. Милоддан аввалги 280 йилда Салавка ўлимидан сўнг Антиох подшо бўлди ва давлатни 20 йил давомида бошқарди.

Салавийлар давлати доимий ички курашлар орасида қолди. Милоддан аввалги III аср ўрталарида ундан Бактрия ажралиб чиқди. Унинг подшоси Диодот бўлган. Шу вақтда Салавийлардан яна бир давлат – **Парфия** ажралиб чиқди ва кейинчалик Шарқдаги энг қудратли давлатлардан бирига айланди.

4 режа

Юнон - Бактрия давлатининг гуллаб яшнаган даври миллоддан аввалги III аср иккинчи ярми ва II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бу давлатнинг пойтахти Бактра шаҳри бўлган. Давлат бир неча дехкончилик вилоят ва туманларни ўз ичига олган. Хусусан, Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидан ташқари бу давлат ҳудудларига Ария ва Арахозия (Афғонистоннинг Хирот ва Қандахор вилоятлари), Дрангиана (Шарқий Эрон), Паропамид (Ҳиндикуш тоғларининг жанубий ёнбағри), Ҳиндистоннинг шимолий ғарбий қисми ва Синд вилоятлари кирган. Давлат марказлашган ҳокимиятга бўйсинувчи бошқарув тизимига эга эди. Подшо ёки давлат ҳукумдорлари юнон-македонлардан бўлиб, уни турли йилларда **Диодот**, **Евтидем**, **Деметрий** ва **Евкрадит** бошқарганлар. Давлат бошқарув тизими Искандар даврида жорий этилган сиёсий анъаналарга асосланган эди. Подшо ҳокимияти ҳарбий кучларга ва вилоятлар ҳокимларига таянар эди. Мухим савдо йўллари бўйлаб ҳарбий – стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган жойларда таянч истехкомлари ва қалъалар қурилган эди.

Ички низолар ва курашлар давом этиб турганлигига қарамай, бу даврда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда босқичма-босқич ривожланиш жараёни устивор бўлганлиги кузатилади. Шаҳарлар аҳолисининг ўсиб бориши ва урушлари натижаси олинган ҳарбий асирларнинг кўпайиб бориши давлатда қулчилик муносабатларининг турли кўринишлари юзага келишига сабаб бўлади. Шаҳарларда эса турли хунармандчилик соҳалари кучли ривожланган. Хунармандларнинг асосий қисми шахсан озод кишилар бўлиб, хунармандлар орасида ҳарбий асирлар-қулар ҳам бўлган. Қишлоқ ҳудудларида асосан эркин дехконлар жамоалари дехкончилик билан шуғулланганлар.

Милоддан аввалги II асрнинг ўрталарида Юнон-Бактрия давлати тинимсиз курашлар олиб борди ва ҳарбий қудратини йўқота бошлаган. Ўша вақтда давлат ҳудудларига бостириб кирган юэчжилар милоддан аввалги 140-130 йилларда Юнон-Бактрия давлатини қулатдилар ва уни босиб олдилар.

5 режа

Милоддан аввалги I асрда юэчжи қабилалари уюшмасида (Гуйшуан, Шуанми, Хиси, Хюми, Хуанми) **Гуйшуан** (Кушон) уруғининг ҳокимлик мавқеи анча кучайган. Гуйшуан қабиласи дастлаб Сурхон воҳасида жойлашган ва уларнинг пойтахти **Далварзин** шаҳри (ҳозирги Шўрчи тумани) бўлган. Подшо **Кужула Кадфиз** даврида Кушон подшолиги ҳудудлари анчи кенгайди ва давлат таркибига ҳозирги Жанубий Тожикистон, Афғонистон ва Кашмир ерлари қўшиб олинади.

Кушон подшолиги Канишка ҳукмронлиги йилларида (78-123 йиллар) улкан салтанатга айланди. Кушон подшолиги Сурхон воҳоси Жанубий Тожикистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва шарқий Туркистон ерларини ўз таркибига киритди. Шу вақтда пойтахт Далварзиндан Пешоварга кўчирилди. Кушон подшолиги қадимги даврдаги Рим, Парфия, Хитой давлатлари билан тенг бўлган ва ғоятда қутратли давлатга айланди.

Мамлакатимиз ҳудудларида юзага келган Кушон подшолиги таркибига Ўзбекистоннинг асосий ҳудудлари (Хоразм, Зарафшон, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона) кирмаганлиги натижасида. Уша ҳудудларда ўзига хос бошқа маҳаллий давлат юзага келган ва кушонлар маданий анъаналаридан холи тарзда тараққий этган. Бу давлатлар билан Кушон давлатининг шимолий чегаралари Кўхитоғ, Бойсун, Хисор тоғлари орқали ўтганлиги Бойсун туманидаги Дарбанд атрофидан ўрнатилган мудофаа деворларини

ўрганиш натижасида исботланди. Бу мунофаа деворлари қолдиқлари шу ердан ўтган чегара қалъаси деворлари бўлган.

Кушон сулоласи ва давлати тарихи ёзма манбалар ва тангашунослик тадқиқотлари орқали ўрганилди. Тангалардаги дастлабки вақтларда Юнон-Бақтрия шохлари тасвири мавжудлиги ва аста-секин унинг ўрнини кушонларнинг “шох”, “шохлар шохи” сўзлари эгаллаши харбий сиёсий қудрати юксалиб борганлигидан далолат беради.

Подшо Канишка I ўзидан олдинги давлат бошқаруви анъаналарини сақлаб қолди ва давом эттирди. Давлатнинг олий ҳукмдори подшо вилоятлар ва шаҳарларни ўз ноиблари ёрдамида бошқарди.

Буюк Ипак йўлининг ривожланиши билан Кушон Подшолигининг ижтимоий-иқтисодий жихатдан яшнашига таъсир кўрсатди. Шаҳарлар кўпайди янги-янги ерлар ўзлаштирилди ва суғориш тармоқлари барпо этилди.

Шаҳарлар тузилишига кўра бир неча қисмдан иборат бўлган: ҳоким саройи, хунармадчилик устахоналари, гузарлар, алоҳида ибодатхоналар жойлашган шаҳар қисми ва бошқалар.

Давлатнинг иқтисодий асосини суғорма деҳқончиликка асосланган ҳўжалик, савдо ва хунармандчилик ташкил этган. Хунармандчилик турли –туман касб ва хунардан иборат бўлган.

Ташқи сиёсат анча кенгайиб , Хиндистон, Хитой, Рим салтанати билан савдо ва элчилик муносабатлари ўрнатилган. Савдо муносабатларининг кенгайишига Буюк Ипак йўлининг аҳамияти катта бўлган. Тадқиқотлар натижасида Термиздан Рим тангалари Ўрта ер денгизи атрофларида Кушон тангаларининг топилиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Канишка даврида кушонлар маданияти хиндлаштирилди ва будда дини давлат динига айланди. Оромий ва Юнон ёзувлари асосида кушон ёзуви шакилланди. Меъморчилик тасвирий санъат юксак даражада ривожланди жаҳон миқёсида машҳур бўлган кушон даври санъат обидалари **Айритом, Эски Термиз, Далварзинтепа** ва **Холчаёндан** топиб ўрганилган.

Кушон давлати ҳақида шуни алоҳида такидлаш жоизки, давлат бир нечи ҳудудлар ва кўплаб қадимги халқларни бирлаштирган. Улар орасида ўзбек халқи аجدодлари ҳам кушон маданияти юксалишига ўз хиссасини қўшган. Кушон давлати IV асрларгача оғир ички ва ташқи курашлар исканжасида қолди ва асосий ҳудудларидан ажралди. Бу вақтда унинг ҳудудлари қисман Шимолий Хиндистондагина сақланиб қолди. Бу даврда деҳқончилик маданияти Амударё, Зарафшон, Қашқадарё хавзалари ва Сирдарё бўйлари доирасида кенг тарқалди. Бақтрия, Сўғд ва Хоразм давлатлари моддий маданиятида қадимги шарқ цивилизацияси ўз аксини топган эди. Ўша даврда жамият асосини эркин жамоа аъзолари ташкил этган. Фақат кушонлар салтанати давридагина қуллар меҳнатидан фойдаланиш бирмунча кучайди. Бироқ, у ҳам Юнонистон ва Римдагидек қуллар меҳнатидан оммавий фойдаланиш даражасига кўтарилмади. Шундай қилиб, бу даврда таркиб топган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий асосини эркин жамоа ҳўжаликлари ташкил этар эди.

6 режа

Ўзбекистонда қадимги маҳаллий давлатчилик тарихи Қанғ, Довон, Хоразм давлатлари ривожини билан узвий боғланган. Қанғ давлати милoddан аввалги III асрнинг бошларида пайдо бўлди. Унинг дастлабки даврлардаги ҳудудлари Тошкент воҳасидан иборат бўлган.

Қанғ давлатининг ташкил топиши асосий сабабларидан бири ташқи харбий ҳужумлардан ҳимояланиш зарурияти бўлган. Милoddан аввалги 329 йилда Искандар қўшинлари Бекобод ва Хўжанд оралиғида Сирдарёдан кечиб ўтиб, босқинчилик қилганда маҳаллий

аҳоли унга қарши қаттиқ қаршилик кўрсатган. Бундан натижа чиқара олмаган Искандар ортга қайтишга ва Хўжанд яқинида Александрия Эсхата шахрига асос солишга мажбур бўлган эди.

Милоддан аввалги II ва милодий I асрда Қанғ давлатининг ҳудуди кенгайиб, Тошкент воҳаси, Ўрта Сирдарё ерлари, Талас водийси ва Чу дарёларининг куйи оқимидаги ерларни ўз таркибига киритади. Қанғ давлатининг иккита пойтахти бўлиб, бири Қанғдиз (Оққўрғон) ва иккинчиси Ўтрор бўлган.

Айрим тарихчиларнинг фикрича Қангюй ёки Қонгли – қадимги Хоразм давлати бўлиб, милоддан аввалги II - I асрларда ушбу давлат ҳудуди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг ҳозирги ҳудудидга тўғри келади (Фарғона ва Сурхондарёдан ташқари) деб ҳисобланади. Уларнинг фикрича “Махабхарата» ва “Авесто” да зардўштийликнинг пайдо бўлиши муносабати билан ёд этилган Қонқа Хоразмийлар давлатидир. Археологик изланишлар Қонгли давлати ҳудудидга қадимги Чочни ҳам киритади. Қонгли давлатининг пойтахти сифатида Сирдарё яқинидаги кўҳна Қанқа шаҳар ҳаробалари кўрсатилади.⁴

Бироқ мавжуд маълумотларга асосланадиган бўлсак, Қанғ давлати Хоразм давлати эмас, балки Сирдарё бўйларида - ҳозирги Тошкент воҳаси (маркази Чоч-Тошкент шаҳри), Сирдарё вилояти ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари ҳудудларида алоҳида мустақил равишда ҳукм сурган давлатдир. Қанғ давлати ҳақида қадимги Хитой ва бошқа манбаларда маълумотлар учрасада, бироқ қадимги Хоразм ҳақида кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирган антик давр юнон ва римлик тарихчиларнинг биронтаси ҳам Хоразм ва Қанғ давлатининг ўртасидаги номланиш ёки сиёсий ва иқтисодий боғлиқликни кўрсатмайдилар. Аксинча тарихчи Квинт Курций Руфнинг маҳаллий халқлар томонидан Искандарнинг ҳарбий ҳаракатларига қарши курашлар ҳақида шундай маълумотлар учрайди: “Танаис дарёси ортидаги саклар давлатининг подшоси юнонлар томонидан дарё бўйида солинган шаҳар (Александрия Эсхата) ўзларини куллик асоратига солишини сезиб, уни вайрон қилиш ва юнонларни дарё қирғоғидан узоқ масофага қувиб чиқариш учун катта бир отлик қўшинга ўз акасини қўмондон этиб юборади”. Бу ерда гап айнан Сирдарё бўйида жойлашган Қанғ давлати ҳақида кетмоқда. Тахмин қилиш мумкинки, кучли қаршиликлар ва уч йиллик курашлардан сўнг катта қийинчилик билан Сўғд давлатини забт этган Искандар ундан шимолий шарқда жойлашган кучли Қанғ давлати мавжудлигини ҳисобга олиб ўз юришларини Ўрта Осиёнинг ичкари ҳудудларига эмас, балки олис Ҳинд дарёси томон йўналтиришга мажбур бўлганлиги ҳам фикримизни қувватлантиради. Қанғ давлати ҳақида юқорида айтиб ўтганимиздек хитойлик тарихчилар кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Жумладан, Ши-цзи солномасига кўра, Қангуй дастлаб кучсизгина давлат бўлган пайтда, ҳукмдор оқсоқоллар орасидан танланган ва у оқсоқолларнинг бирлашган қўшинларига таянган. Кўчманчиларда ҳар бир оила бошлиғи жангчи ҳисобланган. Шунинг учун қангуй қўшинларининг сони улардаги оилалар сонига тенг бўлган. қангуй қудратли давлатга айланган вақтда 120 минг қўшинга (демак, шунча оилага ҳам) эга бўлган. Ўша пайтда аҳолиси тахминан 600000 кишидан иборат бўлган. Хитой элчилари ўз ҳукмдорларига қангуйлар ҳақида “мағрур, кўрс”-деб маълумот берганлар. Бу давлатнинг сиёсий тарихи ҳақида маълумотлар асосан Хитой манбаларида учрайди. Жумладан, Хитой қўмондони Ли Гуан-ли қўшинлари мил. авв. 101 й. Довонга бостириб кирганида Қангуй давлати қўшинлари ўз қўшилари бўлган Фарғона Довон давлатини хитойликлар босқинидан ҳимоя қилган ва ва хатто уларнинг ғалаба қозониши учун катта ёрдам берган.


Солномачилар Қангуйни кўчманчилар давлати давлати деб атасаларда, унда шаҳарлар мавжуд бўлганлиги ҳақида ҳам маълумот берадилар. Ҳалқи “Тупроқдан қилинган девор ичида яшайдиган” Яньцай шаҳарлари шулар жумласидандир. Қангуй

⁴ Ўзбекистон халқлари тарихи. ЎЗР ФА ҳақиқий аъзоси А.Асқаров таҳр. ост. Т., Фан, 1992. 45-б.

пойтахтини жуда қадим замонларда Қанғха жойлашган Сирдарё дельтаси ҳудудида деб ҳисоблайдилар. Манбаларда кўрсатилган жуғрофий ўринларга унча тўғри келмаса-да, мамлакат пойтахти бўлган Битян шаҳри Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Қанғха шаҳар ҳаробаси ўрнида бўлган деган фикрлар мавжуд. Милодий III асрларга келиб Хоразмнинг Қанғ давлатидан ажралиб чиқишини эътиборга оладиган бўлсак, Қанғ давлати бу Хоразм давлати эмас, балки милоддан аввалги IV-III асрларда ташкил топиб, кейинчалик Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғидаги назоратни тўлиғича ўз қўлига олган ва шу жараёнда Хоразмни ҳам босиб олиб ўз таркибига қўшиб олган давлат эканлиги аниқ бўлади. Қанғ давлати аҳолиси таркибини асосан дехқонлар ва чорвадорлар ташкил этади. Ўтроқ аҳоли шаҳарларда ва водийларда яшаб, дехқончилик, хунармандчилик ва савдо билан машғул бўлган. Дашт туманларида эса чорвачилик ривожланган. Милоддан аввалги II асрда қанғ қабилалари энг қудратли давлат бирлашмасига айланди, унинг ҳукмдорлари ўз номларидан тангалар зарб қилдиради. Тангаларнинг олд томонида давлат ҳукмдорининг тасвири, орқа томонида эса қанғнинг отлик суворийси тасвири туширилган. Қанғ давлатининг иқтисодий тараққиётига Буюк Ипак йўлининг давлат ҳудудларидан ўтган шимолий тармоғи катта таъсир ўтказди. Қанғуи давлати бир-бирига тенг бўлган ўтроқ-хўжалик ҳудудларидан иборат бешта кичик ҳокимиятни ўз ичига олган. Улар Қанғуи иттифоқи иштирокчиларига қарам бўлган Сусе, Фуму, Юни, Ги, Юегян ҳудудларидан иборатдир. А.Н.Бернштамнинг фикрича Юни - Тошкент воҳасида, Сусе - Сирдарё ва Ариснинг ўрта оқимида, Фуму - Янгиқўрғон атрофлари, Ги - Сирдарё этакларида, Юегян эса - Хоразмда жойлашган. Бу иттифокнинг умумий чегаралари Хоразм, Шош, Сўғд вилоятлари билан бир қаторда Сирдарё этаклари ва Орол денгизи шимолидаги ҳудудларни ўзида бирлаштирган. Шунинг учун ҳам ўлканинг жанубида жойлашган бошқа давлатлар (жумладан, Парфия, Кушон ва б.)дан фарқли ўлароқ Қанғуи давлатида кўчманчилар давлатига хос белгилар сақланиб қолган.

Қанғ давлати милодий III асрга келиб парчаланиб кетган ва ундан Хоразм ва бошқа маҳалий давлатлар ажралиб чиқади.

5-илова



инсерт жадвали

V	+	-	?

(талабалар)нинг билимлари баҳоланади

6-илова

Фаоллаштириш учун саволлар:

1. Аҳмонийлар сулоласи ҳукмронлиги ва давлат бошқарув тизими Ўрта Осиё халқлари давлатчилигига қандай таъсир кўрсатган?
2. Македониялик Искандар Ўрта Осиё халқлари давлатчилигида қандай из қолдирган?
3. Салавкийлар давлати қандай хусусиятга эга давлат ҳисобланади?
4. Кушон давлати Канишка даврида қандай ютуқларга эришди ва бу давлатчиликка қандай таъсир кўрсатди?
5. Юнон-Бақтрия давлати қандай тизимга асосланган давлат бошқарувига эга бўлган?
6. Кушонларда давлатчиликнинг иқтисодий асосини нима таъкил қилган?
7. Ўрта Осиё ҳудудини ўз ичига олган антик давлатлардан қайси бири дунёнинг қудратли давлатлари қаторига кирган?
8. Қанг, Давон ва Хоразм давлатлари давлат бошқаруви хусусиятлари қандай бўлган?
9. Қанг, Давон ва Хоразм давлатлари тўғрисида тарихий асарларда қандай маълумотлар учрайди?

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

5-мавзу

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВЛАТЧИЛИГИ
ТАРИХИ (V -VII асрлар)**

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машгулот вақти-2 соат	Талабалар сони:50-60 гача
Машгулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	1. Ўзбекистон ҳудудларида илк ўрта аср туркий давлатларининг юзага келиши 2. Эфталийлар давлатчилиги ва ижтимоий сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар 3. Турк хоқонлиги давлатчилиги ва илк ўрта асрларда сиёсий тарқоқликнинг кучайиши 4. Ўрта Осиёда маҳаллий илк ўрта асрлар давлатларининг шаклланиши ва ҳўжалиги
Ўқув машгулотининг мақсади: Ўзбекистонда илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (V - VII асрлар) бўйича маълумот бериш	

<i>Педагогик вазифалар:</i> 1. Ўзбекистон ҳудудларида илк ўрта аср туркий давлатларининг юзага келиши ҳақида маълумот бериш 2. Эфталийлар давлатчилиги ва ижтимоий сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар ҳақида маълумот бериш 3. Турк хоқонлиги давлатчилиги ва илк ўрта асрларда сиёсий тарқоқликнинг кучайиши ҳақида маълумот бериш 4. Ўрта Осиёда маҳаллий илк ўрта асрлар давлатларининг шаклланиши ва ҳўжалиги ҳақида маълумот бериш	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> 1. Ўзбекистон ҳудудларида илк ўрта аср туркий давлатларининг юзага келиши ҳақида маълумотга эга бўладилар; 2. Эфталийлар давлатчилиги ва ижтимоий сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар ҳақида маълумотга эга бўладилар; 3. Турк хоқонлиги давлатчилиги ва илк ўрта асрларда сиёсий тарқоқликнинг кучайиши ҳақида маълумотга эга бўладилар; 4. Ўрта Осиёда маҳаллий илк ўрта асрлар давлатларининг шаклланиши ва ҳўжалиги ҳақида маълумотга эга бўладилар;
<i>Таълим бериш усуллари</i>	<i>Кўргазмали маъруза, суҳбат, ақлий хужум</i>
<i>Таълим бериш шакллари</i>	<i>Оммавий, жамоавий</i>
<i>Таълим бериш воситалари</i>	<i>Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар</i>
<i>Таълим бериш шароити</i>	<i>ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория</i>
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	<i>Оғзаки назорат: савол-жавоб</i>

1.2. “Ўзбекистонда илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (V -VII асрлар)” маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Машғулот мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари, адабиётлар рўйхати билан таништиради. (1илова) 1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (2-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (3 илова) 2.3. Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида ақлий хужум пед технологияси ўтказилади. (4 илова)	Тинглайдилар, ёзадилар. Саволларга жавоб берадилар

3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, 3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади. 3.3. Ўтилган мавзунини мустақамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади.	Саволлар берадилар. Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.
---	---	--

1-илова

Мавзу: Ўзбекистонда илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (V -VII асрлар)

Режа:

- Ўзбекистон ҳудудларида илк ўрта аср туркий давлатларининг юзага келиши
- Эфталитлар давлатчилиги ва ижтимоий сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар
- Турк хоқонлиги давлатчилиги ва илк ўрта асрларда сиёсий тарқоқликнинг кучайиши
- Ўрта Осиёда маҳаллий илк ўрта асрлар давлатларининг шаклланиши ва ҳўжалиги.

Ўқув машғулотининг мақсади Ўзбекистонда илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (V -VII асрлар) ҳақида маълумот бериш .

Ўқув фаолиятининг натижаси: Ўзбекистонда илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (V -VII асрлар) ҳақида маълумотга эга бўладилар.

Адабиётлар:

- Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т.: 2007.
- Наршахий. Бухоро тарихи. Т.Мерос, 1991.
- Агаджанов С.Г. Государство Сельджукидов и Средняя Азия в XI-XIIвв. М., 1991

2 илова

Хар бир маъруза ва амалий машғулот учун 5 дан 2 баллгача қўйилади.

Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:

- 5 балл - «аъло»
- 4 балл - «яхши»
- 3 балл - «кониқарли»
- 2 балл - «кониқарсиз»

3-илова

1 режа

Миллоддан аввалги III – миллодий III асрлар оралиғида Шарқий Сибирдан Урал ва Волга дарёлари бўйлари, Олтойдан Амударё ва Орол дегизи атрофларигача бўлган жуда катта ҳудудда бир қатор давлатларнинг шаклланиши ва маълум даврларда тараққиёт даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳукм суриши кузатилади. Бунда айниқса маҳаллий ўтроқ аҳоли ва ўтроқлашув тарзига ўтаётган кўчманчи чорвадор қабилалар ва улар маданиятларининг кўшилиши муҳим ўрин тутди ва мазкур жараёни тезлаштиради. Ўтроқлашув жараёнига кўшилмаган ва ўз ижтимоий ҳолатини сақлаб қолган бир қатор кўчманчи чорвадор қабилаларда эса бошқарув тартиблари чуқур илдиз отган қабилалар сиёсий иттифоклари – ўзига хос тарздаги давлатчилик анъаналари шакллана бошлади. Айниқса, Буюк Хитой деворининг қурилиши ва кўпгина кўчманчи туркий қабилаларнинг Хитой ва Шарқий Туркистоннинг серунум воҳаларига ҳарбий юришлари чеклангач, бу қабилалар энди Ғарбий Сибирдан Урал дарёсигача, Олтойдан Сирдарёгача ёйилган ҳудудларга ёйила бошлайди. Бу ёйилиш ёки кўчиш маълум қабилавий сиёсий

иттифоқларнинг юзага келиши ва ўзининг куч-қудратга эришуви билан боғлиқ бўлган. Туркий қабилалардаги бу жараёнда иштирок этган айрим сиёсий қабилавий иттифоқлар маълум вақтларда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистоннинг ҳосилдор деҳқончилик воҳаларига ҳам ҳужумлар уюштирганлар ва айрим вақтларда бу ерда ҳукмронликни ҳам қўлга киритганлар. Албатта, бу туркий қабилалар маҳаллий халқларнинг давлатчилик анъаналари учун юксак бўлган ўзгаришларни ўзлари билан олиб келмаганлар, хаттоки уларнинг бошқарув анъаналари маҳаллий халқларнинг мукамал давлатчилиги билан қиёслаш даражасида ҳам бўлмаган, шунга қарамай уларнинг маълум даврлардаги сиёсий ҳукмронлиги маҳаллий халқларнинг давлатчилик бошқарув тизими ва давлатчилик структураларига маълум таъсир ўтказган. Бундай ҳолатни илк ўрта аср туркий давлатларидан бири Эфталлар ҳукмронлиги даврида кўриш мумкин. Эфталларнинг мазкур ҳудудлардаги сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлиги давомида ерга эгалик муносабатлари ва давлатчилик анъаналари ва ижтимоий муносабатлардаги айрим ўзгаришларнинг юз бериши билан хусусиятланади. Бу билан эфталларда юксак давлатчилик анъаналари мавжуд бўлган, деган хулоса келиб чиқмайди, балки уларнинг узоқ вақт ҳукмронлиги ва маҳаллий халқларнинг давлатчилигини ўзлаштириб, ўзига бўйсундириши мазкур жараёндаги айрим ўзгаришларнинг юз беришига олиб келган эди.

Шунинг учун ҳам турли вақтларда савдо йўллари тармоқларига эгалик қилиб турган давлатлар иккинчи тармоққа ҳам эгалик қилиш учун шимолдаги ёки жанубдаги рақиблари билан доимий кураш олиб борганлар. Бундай ҳолатни Эфталлар ва Турк хоқонлиги, Эфталлар ва Сосонийлар, Турк хоқонлиги ва Сосонийлар, Турк хоқонлиги ва Араб халифалиги, Тоҳирийлар ва Араб халифалиги, Сомонийлар ва Саффорийлар, Сомонийлар ва туркий қўчманчи қабилалар, Сомонийлар ва Араб халифалиги, Қорахонийлар ва Сомонийлар, Қорахонийлар ва Ғазнавийлар, Салжукийлар ва Ғазнавийлар ва Хоразмшоҳлар, Хоразмшоҳлар ва Мўғуллар ва бошқалар. Тарихий жараёнларнинг шу нуқтаи-назардан ривожланиб бориши кузатилса, Буюк Ипак йўлининг ҳар икки тармоғи қисман Эфталлар, қисман Араб халифалиги, қисман (жуда қисқа вақт) Шайбонийхон томонидан, тўлиғича Сомонийлар, Амир Темур давлатлари давридагина тўлиқ ягона давлат назоратига олинганлигини кўриш мумкин. Айнан ана шу давлатларнинг Ўрта Осиё ҳудудларида ҳукм сурган бошқа давлатларга нисбатан иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан анча юксак даражага етганлигини, давлатнинг осойишталигини, халқининг фаровонлиги ва бунёдкорлигининг асосий сабаблари ва омилларидан бири сифатида уларнинг Буюк Ипак йўли устидан тўла назорат ўрната олганлигида эди, деб ҳисоблаш мумкин.

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келган туркий қабилалар хионийлар, кидарийлар (тоҳарлар) ва эфталлар эди.

V асрларга келиб, Ўрта Осиё ҳудудлари ва унга чегарадош ҳудудларда яшаётган бир қатор туркий қабилалар **хион** қабилалари томонидан бирлаштирилди ва кучли қабилавий сиёсий иттифоқ шакллантирилди. Хионийлар ҳақидаги дастлабки маълумотларни Аммиан Марцеллиннинг асарларида кўриш мумкин. У 356 йил хионийлар ҳукмдори Грумбатнинг ўз ўғли билан Эрон сосонийлари шоҳи Шопурнинг Суриядаги Амида шаҳрини қамал қилган вақтда жангларда иштирок этганлиги тўғрисида ёзиб қолдирган. Йирик қабила сиёсий иттифоқини шакллантира олган Грумбат V аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудларига бостириб киради ва Амударё ҳавзасини эгаллайди. V асрда сосонийлар шоҳи Вараҳран V (418-438 йиллар) Амударё бўйларида ҳукмронлик қилаётган хионийларга қарши кураш бошлайди. Икки ўртадаги кураш сулҳ тузилиши ва давлатлар ўртасида Марв ва Балх оралиғида жойлашган Талликоннинг чегара этиб белгиланиши ва чегара белгиси сифатида бу ерда Тошминора қурилиши билан яқунланади. Хионийлар ва Сосонийлар ўртасидаги кураш Яздигард ҳукмронлиги (438-457 йиллар) йилларида ҳам давом этиб, дастлаб хионийлар ҳукмдорининг, 457 йилда эса Яздигарднинг ўзининг ўлдирилиши билан тугайди. Хионийлар билан деярли бир вақтда

шаклланган тохарлар (хукмдорининг номи билан Кидарийлар деб ҳам юритилади) Ўрта Осиёдаги бир оз муддатлик хукмронлигидан сўнг сосонийлар ва эфталлар томонидан мағлубиятга учратилгандан сўнг Ҳиндистонга кўчиб кетади ва у ерда сорок аср Гупталар давлати ўрнида хукмронлик қилади. Илк ўрта асрларда Ўрта Осиё давлатчилиги ва ижтимоий-иқтисодий тузумида ўзига хос из қолдирган халқлардан бири эфталлийлар эди.

2 режа

Тарих фанида эфталлийларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳозиргача ягона фикр мавжуд эмас. Бир қанча олимларнинг, тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра эфталлийлар маҳаллий халқлардан, бошқалари Хоразмдан, яна бирлари эса массагетларнинг етита уруғи орасидаги етакчи қабила бўлганлигини таъкидлайдилар.

IV-VI асрларда Ўрта Осиёга келган кўчманчи қабилалар иттифоқи асосида **Эфталлийлар давлати** ташкил топди. Эфталлийлар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар юнон, хитой, араб ва б. халқлар манбаларида учрайди. Уларда эфталлийлар турли номлар билан аталган. Жумладан, хитойларда Е-да ёки И-да, сурия ва лотин манбаларида **“Эфталит”**, арман ёзувларида **“Темал”** ёки **“Хеттал”**, араб ва форсчада **“Хайтал”** ёки **“Хафтал”**, юнонларда **“Абдел”**, Хиндларда **“Хуна”** ва бошқалар.

Хитой манбаларида эфталлийлар турклар (**тукюе**)га яқин дейил-са, византиялик тарихчи Прокопий Кесарийский уларнинг келиб чиқишини **“хуннлар”** билан боғлайди. Аксарият олимлар эса эфталлийларни милoddан аввалги I - милodий IV асрда Еттисув ва Или воҳасидан Орол денгизи бўйларида келган **“хуннлар”** билан аралашиб кетган сак - массагет қабилаларининг авлодларидир, деган фикрни билдирадилар.

Юнон манбаларида ёзилишича эфталлийлар ягона подшо бошқарувига ривожланган обод фуқаролик жамиятига эга бўлишган. Ички ва ташқи муносабатларда адолат улар учун асосий мезон саналган. Эфталларда патриархал бошқаруви тартиби жихатлари устун бўлган. Шунингдек эфталларнинг ҳарбий кўшинлар энг қудратли кўшинлардан ҳисобланган.

Эфталлийлар давлати ҳудудий жихатдан Ўрта Осиёнинг асосий қисми, Шарқий Туркистон ва Шимолий Ҳиндистон ҳамда Гандҳара вилоятлари устидан хукмронлик қилган.

Эфталлийлар давлатидаги асосий шаҳарлар Сўғдиёна шаҳарларидан иборат бўлиб, улар орасида Кушония (Каттақўрғон яқинида) Ривдад, Пойканд, Талликон, Термиз, Гургон, Варахша каби шаҳарлар эфталлийлар хукмронлиги йилларида алоҳида аҳамиятга эга бўлган шаҳарлар саналган ва иқтисодий жихатдан анча тараққий этган. V асрдан бошлаб, Самарқанд ҳам тараққий эта бошлади. Бу вақтда давлатнинг сиёсий маркази Пойканд шаҳри, хукмдорлар қароргоҳи эса Варахша бўлганлиги тахмин қилинади.

Эфталлийлар йирик давлат тизимини вужудга келтирдилар. Давлат ҳудудлари Кушонлар давлатидан кенгроқ эди. Эфталлар даврида Эрон сосонийларининг Шарққа юришларига чек қўйилди ва сосонийлар узоқ йиллар давомид Эфталларга тобе бўлиб келдилар. Эфталлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар асосан V аср ўрталарига тааллуққидир.

Эфталлийларда аҳолининг асосий қисми дехқончилик билан машғул бўлган, қолганлари эса чорвачилик билан шуғулланганлар. Дехқончилик билан шуғулланувчи аҳоли аста-секин маҳаллий аҳоли билан аралашиб бориб, ўтроқ ҳаёт тарзига ўта бошлаган. Жамиятда **“сара кишилар”** – зодогонларнинг мавқеи кучайиб борган ва улар кўпроқ шаҳарларга келиб яшай бошлаганлар. Оддий аҳоли ва зодгонлар ўртасидаги фарқ ҳамма томонлама яққол кўриниб турган.

Эфталлийларда кушон ёзувининг ривож топган шаклини кўриш мумкин. Эфталлар ёзуви ўзининг шакли билан қисман бошқалардан фарқ қилган ва сўзлар чапдан

ўнга қараб ўқилган. Алифбосида 25 та харф бўлган. Шунингдек Сўғда ёзуви ва Сўғда тили ҳам айрим ҳудудларда етакчилик қилган.

Ўрта Осиёга бостириб кирган эфталийларнинг жануб сари силжишлари Эрон билан муносабатларни кескинлаштирди. Тахминан 457 йилда эфталийлар Вахшунвар Эфталон бошчилигида - Чағониён (Термизнинг шимолидаги ерлар), Тохаристон ва Бадахшонни ўзига бўйсундириб Ўрта Осиёда кучли давлатга асос солдилар. Кўпчилик олимлар Эфталийлар давлатининг маркази Пойканд (Бойкент) ёки Балх бўлган деган фикрга келишган.

Эфталийлар давлатининг кучайишидан таҳликага тушган Эрон шоҳи Перуз (Феруз) эфталийларга қарши юришларда енгилган. Эрон сосонийлари узоқ вақт эфталийларга хирож тўлаб туришган. Кейинчалик эфталийлар Марв, Қобул ва Панжоб водийси, Қорашар, Қашғар ва Хутонни ҳам эгаллаганлар. Эфталийлар Кушон подшолиги ҳудудларини қўлга киритишиб, сосонийлар давлатини тугатдилар ва Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Шимолий Хиндистон, Шарқий Эронни бирлаштирган улкан давлатга асос солдилар.

Эфталийлар Ўрта Осиё халқлари ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Прокопий Кесарийскийнинг ёзишича: “Эфталийлар (салтанати) бир Хукмдор орқали идора этилиб, Ўз қонуний (адолатли) давлатчилигига эгадир. Ўзаро ва қўшнилар билан (муносабатларда) адолат меъёрини сақлашда византиялик ва форслардан ҳеч бир қолишмайдилар”. Эфталийлар асосан деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан, бир қисми чорвачилик билан шуғулланишган.

Кушон давлати инқирозидан кейин ўлкада мустақил мулкдорлар пайдо бўлган. Улар Бухорода - бухорхудот, Чағониёнда- чағонхудот, Варданзеда- варданхудот, Шошда- тудан, Самарқанд ва Фарғонада-ихшид, Уструшанада-афшин, Хоразмда-хоразмшоҳлар деб аталган. Мулкдорларнинг қуллар ва қарам кишилардан тузилган Харбий дружиналари бўлиб, улар **“чоқарлар”** деб аталган. Марказий Хокимият ана шу мулк эгалари уюшмасидан ташкил топган.

Эфталитлар даврида кўплаб шаҳар-қалъалар қурилган бўлиб, улардан бири Пойкентдир. Тарихчи Наршахийнинг ёзишича “Бухоро шаҳридан қадимийроқдир”. Қалин мудофаа деворлари билан ўралган қўрғонлар -Нахшаб воҳасидаги Заҳҳоки-Морон қалъаси, Бухородаги Варахша қалъаси, Хоразмдаги Фирқалъа, Самарқанд воҳасидаги 12 та дарвозага эга бўлган Девори-қиёмат, Бухоро воҳасидаги Кампир-Девор эфталийларнинг ўзига хос меъморчилик намуналаридир. Эфталийлар даврида қасрлар икки қаватли, шифти текис, гумбазсимон ва равоқсимон ёпилган хоналардан иборат бўлиб, улар пахса, хом ва пишиқ ғиштлардан қурилган. Сарой ва ибодатхоналар деворлари одатда рангли тасвирлар билан безатилган. Жумладан, Болаликтепа (Сурхондарё) дан топилган суратларда зиёфат жараёни тасвирланиб, унда башанг кийинган аёл ва эркакларнинг суратлари маҳорат билан ишланган. Бухорхудотларнинг қароргоҳи-Варахша саройи, Тошкент воҳасидаги Оқтепа, Хоразм воҳасидаги Фир қалъалари эфталийлар меъморчилигининг ажойиб намунасидир. Бу даврда суғориш каналлари ҳам қазилиб, янги ерлар ўзлаштирилган. Суғориш услуби такомиллашиб, ҳозирги Заҳариқ, Бўзсув, Дарғом каналлари бунёд этилган.

3 режа

VI аср ўрталарига келиб эфталлар давлати инқирозга учрай бошлади. VI аср ўрталарида Ўрта Осиёда Турк хоқонлиги ҳукмронлиги ўрнатилди. VI асрнинг иккинчи ярмида Ашин уруғидан бўлган Асан ва Туу (460-545) туркий қабилалар иттифоқига асос солдилар. Туунинг ўғли Бумин теле қабиласини бўйсундиргач, 551 йилда Марказий Осиёда анча кучли бўлган Жужанлар (мўғуллар) хонлигини тор-мор этди ва Турк Хоқонлиги (551-744) га асос солди. У Или дарёси бўйида ҳукмдор деб эълон қилинган, **“Илихон”** деган унвонни олди ва ўз давлатини Хоқон унвони билан бошқара бошлади. Олтойдаги Утукан

шаҳри янги Турк хоқонлигининг пойтахти қилиб белгиланди. Бумин ўз укаси Истамига биринчи саркарда ва давлатнинг бош амалдори даражасини билдирувчи - **“Ябғу” (баҳодир)** унвонини берди. Ака-укалар биргаликда давлат чегараларини кенгайтиришга киришдилар.

Бумин шарқий ерларни, укаси Истами ғарбий ҳудудларни бирлаштира бошлади. 563-567 йилларда Турк хоқонлари Эфталийлар давлатини тор - мор қилганларидан сўнг Ўрта Осиё ҳудудида ўз ҳукмронликларини ўрнатибгина қолмай, Эрон сосонийлари билан ҳам тез-тез урушлар олиб бордилар. Ўзтиборли жойи шундаки, Турк хоқонлари ва амалдорларининг кўпчилиги илгари ўзлари яшаган ҳудудларда қолиб, эгаллаб олинган ерлардан келтирилган тўловлар, ўлпонлар, совға-саломлар олиб туришни афзал кўрдилар. Маҳаллий зодагонлар мамлакатнинг ички иқтисодий ва сиёсий ҳаётини ўзлари бошқардилар. Фақат жиддий ички зиддиятлар, келишмовчиликлар келиб чиққандагина турк хоқонлари уларнинг ишига аралашар эдилар.

Турк Хоқонлиги даврида Ўрта Осиё ерларида ер эгалик қилиш муносабатлари мустаҳкамланиб, хоқонлар, амалдорлар ва ҳарбий саркардалар, маҳаллий ҳукмрон табақалар, йирик заминдор ва дин ҳомийлари катта-катта ер-сув бойликларига эга бўлдилар. Хунармандчилик ва савдо-сотиқдан давлат хазинасига катта даромад тушиши натижасида хоқонлар “Ипак йўли”ни кенгайтиришга ва тинчлигини таъминлашга катта ўзтибор беришган. Бу даврда шаҳарлар кенгайган. Шаҳарлар ва йирик қишлоқларда қарвонсаройлар қурилган. Бироқ, Турк хоқонлигида ички вазият нотинч эди. Бир-бирига қарама-қарши бўлган турли ижтимоий ва сиёсий кучлар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар ҳокимиятни зимдан емириб борган. Хоқонлик билан маҳаллий ҳукмрон табақалар ўртасида зиддият кучайиши натижасида хоқонлик заифлашиб, инқирозга юз тутди. Эрон билан олиб борилган доимий урушлар Турк хоқонлиги мавқеини янада пасайтирди. 588 йилда хоқонлик қўшинларининг қаттиқ зарбага учраши, унинг парчаланишига олиб келди. VI асрнинг 80 - йилларига келиб, Турк хоқонлиги Шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетди.

Ғарбий турк хоқонлигининг маркази Еттисув ҳудудлари ҳисобланиб, хоқон ёзда Исфижоб (Сайрам), қишда эса Сиёбни қароргоҳ қиларди. Ҳар икки хоқонлик аҳолисининг асосий машғулоти асосан чорвачилик бўлсада, бироқ босиб олинган маҳаллий халқлар эвазига Ғарбий хоқонликнинг асосий кўпчилик қисми деҳқончилик ҳўжалиги ва ўтрок турмуш тарзи билан боғланган эди. Шунингдек, хоқонлик томонидан Буюк ипак йўлининг шимолий тармоғи назоратга олингандан сўнг савдо-сотиқ ва хунармандчилик кўламлири ҳам кенгайиб борди.

Маҳаллий халқларнинг давлатчилик анъаналарини туркий бошқарув билан қориштириш ва бошқарувда асосан маҳаллий давлатчилик анъаналарининг устунлик қилиши Ғарбий Турк хоқонлиги давлатчилик муносабатларининг шарқий хоқонликка нисбатан юксак тараққий қилган даражага кўтариши учун имкон яратди ва бошқарув муносабатлари мураккаблашиб борди. Марказий ҳокимиятнинг нисбатан кучайиб бориши хоқонлик ҳудудларининг кенгайиб бориши ва давлатнинг мустаҳкамланиб боришига олиб келди. Айниқса, хоқонлик иккига ажралган VI асрнинг 80-йилларидан бошлаб ўтган ярим асрлик вақт давомида, VII асрнинг биринчи чорагига келиб Ғарбий Турк хоқонлиги нисбатан кучайиб боради. Бу вақтга келиб унинг сарҳадлари Олтойдан Ҳинд дарёси бўйларига бориб тақалади.

Тўнбағунинг ҳукмронлиги йилларида (618—630 йй) Ғарбий хоқонликда давлат бошқарувига оид айрим ислохотлар амалга оширилади ва бунга кўра маҳаллий ҳокимларга ябғу даражаси жорий этилади. Бу эса маҳаллий ҳокимларнинг хоқонликка бевосита тобе ҳокимликларга ёки ноибликларга айлантирса, Айни вақтда маҳаллий ҳокимларнинг мустақилликка бўлган интилишлари учун шароитни юзага келтиради ва кейинги даврлардаги сиёсий тарқоқлик ва марказий ҳокимиятнинг заифлашуви учун замин ҳозирлайди.

VII аср бошларида Ғарбий Турк хоқонлиги энг кучайган даражага эришган вақтда Хитой билан ҳар икки томонни қониқтирувчи дипломатик алоқалар ўрнатилди ва алоқалар тикланди. Шу асрнинг 30-йилларида хоқонлик ҳудудларига хитойлик Сюан Цян келади ва Иссиқкўл, Чу водийси, Чоч вилояти, Самарқанд, Бухоро ва Амударё бўйларини кезиб бу ерда кўрган кечирганлари ҳақида ўзининг эсдаликларини ёзиб қолдиради.

Хоқонликда маҳаллий ҳокимларнинг мустақилликка интилиши ва Айни вақтда ўзаро курашлари бошланиши давлатнинг ва марказий ҳокимиятнинг заифлашуви ва парчаланишига олиб келади. Бундай ҳолат эса Хитой томонидан хоқонликка қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлашига тўртки беради ва 659 йилда Тан империяси қўшинлари Еттисувга бостириб қиради. Бу курашларда мағлубиятга учраган хоқонлик ҳудудларида Хитой олий ҳокимияти ҳукмронлиги ўрнатилади, бироқ хитойликларнинг 660 йилдан бошлаб Турк хоқонлиги ҳудудларида хитойча маъмурий бошқарув услубини жорий этишга бўлган уринишлари наф бермайди.

VII асрнинг охирига келиб Ўрта Осиёда хоқонликни қайта тиклаш учун ҳаракатлар бошланди, аввалги хоқонлик ҳудудларида, хусусан Ўрта Осиё ҳудудларида бир неча ўнлаб майда майда ҳокимликлар шаклланди ва кучли сиёсий тарқоқлик юзага келди. Хоқонликни тиклаш учун барча ҳаракатлар наф бермади, айниқса VIII аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудларига бошланган Араб ҳалифалигининг босқинчилик юришлари туркий давлатнинг барҳам топишига ва Айни вақтда маҳаллий ҳокимликларнинг тугатилишига ҳам олиб келди.

4 режа

Турк хоқонлигининг ички низолар ва ташқи ҳарбий ҳужумлар натижасида заифлашуви ва марказий ҳокимиятнинг бутун мамлакат устидан назоратни тўлалигича қўлдан чиқариши оқибатида Ўрта Осиёда сиёсий тарқоқлик чуқурлашди ва бир қанча маҳаллий ҳокимликлар ёки кичик-кичик феодал давлатлар шаклланди. Юзага келган давлатлар ўз бошқарув тизимлари, ҳудудлари, хўжаликлари ва бошқа жиҳатларига эга бўлган давлатчилик хусусиятларини шакллантирдилар.

VI-VII асрларда Сўғдиёна, Хоразм ва Фарғона ва уларга қарашли тарихий - географик ҳудудларда деҳқончилик ва боғдорчилик, узумчилик ва пахта етиштириш, уй чорвачилиги етакчи ўрин тутган. Иқтисодий ҳаётнинг муҳим соҳалари саналган ҳунармандчилик ва савдо – сотиқ яхши тараққий этган.

Деҳқончилик сумъий сугоришга асосланган. Араблар босқинига қадар сугориш тизими яхши тараққий этган ва бу ерга келган араблар ҳам обод ва кўкаламзор боғ – роғлар, далаларни кўриб, ҳайратда қолганлар. Самарқанд шаҳрини сув билан таъминлайдиган сугориш тармоғидан ташқари Кушониёнинг Нарпай, Бухоро воҳасининг Шопурком, Самарқанд атрофининг Работи Ҳожа каби учта сув тармоғи мавжуд бўлган.

Лалмикор деҳқончилик ҳам хўжаликда асосий ўрин тутган. Зироатчиликда анъанавий донли экинлар ва пахта кўп етиштирилган. Сўғдда ипак толаси етиштирилган.

VI-VII асрларда савдо – сотиқ ишлари жанубдан шимолга кўчган ва бундаги воситачилик сўғдийлар қўлига ўтган. Кончилик ишлари кенгайиб, ҳунармандчилик турлари кенгайиб борган. Муғ тоғида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган 150 турдаги мато бу ерларда тўқимачилик ҳам ғоятда ривожланганлигидан далолат беради.

VII асрда ҳарбий тўқнашувларнинг кўпайиши иқтисодий ҳаётда катта ўзгаришларни юзага келтирди. Биринчидан, марказлашган ҳокимият заифлашди, иккинчидан, сиёсий вазятнинг нотинчлиги иқтисодий тангликни юзага келтирди.

Сўғд вилояти аҳолиси ижтимоий қатламлари асосан савдогарлар, ҳунармандлар, тақводорлар, ҳарбий аскарлар, зироаткорлар ва чорвадор аҳолидан таркиб топган. Уларнинг орасида деҳқонлар мавқе жиҳатдан юқорироқ турган. Чунки улар зодагон

саналиб, катта ер эгалари ҳисобланган. Жамиятда диндорларнинг ҳам аҳамияти ва ўрни юксак бўлган.

VI-VII асрларда маданий тараққиёт жамиятдаги сиёсий – иқтисодий ва ижтимоий воқеалар таъсирида ривожланиб борган. Турли халқларнинг тил ва ёзувлари алоҳида ўринга ва мавқега эга бўлган. Араб ёзувига қадар Ўрта Осиё ҳудудларида турк – руний (милоддан аввал шаклланган), уйғур (тахминан VI аср), монавий (милодий III - VIII асрлар), сўғд, брахма ва сурёний ёзувлари мавжуд бўлган. Булар орасида Хоразм ёзуви алоҳида ўринга эга бўлган.

Сўғд давлати. V—VII асрларда бу майда илк феодал давлатлар, аввал эфталийлар, сўнгра Турк хоқонлигага бўйсундирилган бўлса-да, аммо эфталийлар ҳам, турклар ҳам уларнинг ички ҳаётига аралашмайдилар. Марказий ҳокимиятга бож тўлаб туриш билан улар ўз мустақилликларини маълум даражада сақлаб қоладилар. Бу давлатларнинг ҳукмдорлари ўз атрофидаги мулкдор зодагон деҳқонлар ва уларнинг ҳарбий чокарларига таянاردилар. Чунки улар ўзаро бир-бирлари билан душманлик кайфиятида бўлиб, шу боисдан бири иккинчисидан чўчиган ҳолда яшар эдилар. Улар орасида энг йириги Сўғднинг илк феодал давлатлари конфедерацияси эди. Бу иттифокка Зарафшон ва Кашқадарё водийларида жойлашган Самарқанд, Маймуғ, Иштихон, Кушония, Вардона, Бухоро, Кеш ва Нахшоб мулклари бирлашган эди. Бу мулкларнинг ҳар бири ўз ҳокимига ва ҳарбий чокарларига эга эди. Уларнинг кўпчилиги Самарқанд ихшидига тобе бўлса-да, аммо Бухоро, Кеш ва Нахшоблар деярли мустақил эди. Хатто улар ўз танга пулларини зарб қилардилар. VII аср биринчи чорагида Кеш вилояти кучайиб, қудратли давлатга айланиб боради. VII аср ўрталарида Кеш ҳукмдори - **ихшид Шишпир** бутун Сўғдда ҳукмронликни қўлга киритади. У ўз номидан тангалар зарб эттиради ва Хитой билан дипломатик муносабатларни ўрнатади. VI аср иккинчи яримида Кешда Ахурпат ҳукмронлик қилган вақтда Кеш ва Самарқанд ўртасида курашлар кучайиб кетади ва Самарқанд ҳукмронликни қайтариб олади. Эндиликда Кеш ихшиди Самарқанд ихшидига тобе бўлиб қолади ва унга **ихрид** унвони берилади. Бу вақтда Самарқанд ҳокими Вархуман бўлган. Сўғдиёнанинг маҳаллий ҳокимлари Чоч ва Хоразмнинг мустақил ҳокимлари билан бирлашган эдилар. Йирик сиёсий бирликлар маълум муддатларда шаҳарлардан бирида ўз қурултойларини ўтказиб турганлар.

Самарқанд ихшиди саройида аждодлар руҳига атаб қурбонлик қилиш учун махсус ибодатхона бино қилинган. Унда ўтказиладиган ҳар йилги диний маросимларда вилоят ҳукмдорларининг барчаси қатнашарди. Ёзма ва археологик манбалардан маълум бўлишича, Сўғд ҳукмдорлари Ўрта Осиё ва чет эл давлатлари билан элчилик алоқалари олиб борардилар. Масалан, Афросиёбда очилган деворий расмларда Сўғд ҳокими Вархуманинг Чағониён, Чоч ва Хитойдан келган элчиларни қабул қилиш маросими тасвирланади.

Сўғдиёна ҳудудлари ҳозирги Панжикентдан Карманагача бўлган ҳудудлардан иборат бўлган. Бу вақтда Бухоро мустақил давлат сифатида ажралиб чиқди ва **бухорхудотлар** бошчилигида яшай бошлади. Сўғдда аҳоли жуда гавжум яшарди. Сўғдийлар хунармандчилик, савдо-сотик, деҳқончилик ва боғдорчилик, айниқса узумчиликда ниҳоятда омилкор эдилар. Дарғом, Нахрипой, Харкон каби йирик анҳорлардан суғорилган Сўғд ерлари жуда ҳосилдор эди. Суғорма деҳқончилик ривож топган бу диёрда ғалладан ташқари, пахта ва шоли экиларди. Унинг пахтасидан тўқилган сурп ва бўз матоларидан факат сўғдийларгина эмас, балки бутун дашт аҳолиси кийинарди. Сўғднинг шарбатли узумларидан мусаллас тайёрланган, Самарқанднинг зарғалдоқ шафтолиси Хитой пойтахтида «Самарқанднинг олтин шафтолиси» номи билан донғи кетган эди. Чорвачиликда майда ва йирик шохли ҳайвонлар билан бир қаторда от, ҳачир, эшак ва туялар боқиларди. Айниқса Сўғднинг ҳисори кўйлари ва тулпорлари жуда машҳур эди. Бухоро, Кеш ва Маймуғ яйловларидан уюр-уюр йилқилар муттасил Хитойга хайдаб бориладди.

Тохаристон давлати. Тохаристон ҳозирги Сурхондарё вилояти, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудларида жойлашган. Бу мустақил давлат Хутталон, Чағониён, Термиз, Бадахшон, Кабодиён, Вахш, Шуман, Шуғнон, Вахон каби 27 та тоғли ва тоғ олди вилоятларини бирлаштирган. Улар ҳар бирининг ўз ҳокими ва чокарлари бўлган. Масалан, Чағониён вилоятининг ҳокими «чағонхудот», Термизнинг ҳукмдори «термизшоҳ», Хутталонники – «малик» ёки «шери хутталон» деб юритиларди. Маҳаллий ҳукмдорларнинг энг кучли ва нуфузлиси Хутталон, Шуман, Кабодиён, Шуғнон ва Вахон вилоятларининг ҳокимлари бўлиб, улар ҳарбий кучлар зарур пайтларда 50 мингтагача чокар тўплай олардилар. Тохаристон аввал эфталийлар, сўнгра Турк хоқонлиги томонидан бўйсундирилади. Манбаларда таъриф этилишича, VII—VIII асрларда Тохаристон аҳолисининг ярми маҳаллий, ярми эса турклар бўлган. Унинг бир қисми тохар, иккинчиси турк, учинчиси эса маҳаллий тилда сўзлашган. Подшоҳ, зодагонлар ва фуқаролар будда динига сиғинганлар, қатор ибодатхоналар ва кохинлар бўлган. 25 ҳарфли ёзуви кундалангига чапдан ўнгга қараб битилган. Аҳолиси ип ва ипак матолардан кийинган. Тоғликлари пўстин ва жун чакмон кийишган. Эркаklar соч ва соқолларини қиртишлаб, аёллари эса узун соч қўйиб юришган.

Тохаристон ноёб табиий бойликларга сероб эди. У ерда қадимдан кончилик тараққий топган. Биргина Бадахшоннинг ўзидан лаъл, ложувард, ақиқ каби қимматбаҳо тошлар ва олтин, темир ва жез ковлаб олинган. Сержило тошлар ва маъданлар заргарлик, чилангарлик ва темирчиликда ишлатилган. Бу ўлкада айниқса қурулсозлик юксалган эди. Чокарлар камон, гурзи, чуқмор, ханжар ва шамшир билан қурулланган. Уларнинг қўлида ажойиб тўқима Балх совутлари бўларди. Тохаристонда шишасозлик ҳам анча ривож топган эди. Рангдор шишалардан сурмадонлар, маржон ва мунчоклардан ташқари хилма-хил шиша буюмлар ясалган. VIII аср бошларида Тохаристондан Хитойга олиб чиқилган қизил ва зумрад рангли шишалар хитойликларни лол қолдирган.

Тохаристонда айниқса тўқимачилик юксак даражада эди. Ип, жун ва ипакдан рангли, гулдор ва йўл-йўл матолар тўқилган. Қимматбаҳо ипак ва жун матолардан асосан зодагон деҳқонлару ҳукмдорлар кийинишган.

Хуллас, Тохаристон мустақил илк феодал давлатлар қаторида турса ҳам, лекин ҳали бир оз бўлса-да, марказлашмаган эди. Чунки унинг ҳар бир вилояти ўзининг ворисий сулоласига мансуб ҳокимлари томонидан бошқарилган. Улар алоҳида-алоҳида майда давлатчаларни эслатарди. Ҳатто уларнинг ҳар бири ўзга юртларга элчилар юборарди. Шундай қилиб, Тохаристон илк ўрта асрларда ташкил топган майда давлатчалар конфедерациясини ташкил этарди.

Фарғона (Довон) давлати. Бу даврда Фарғона водийсида яна бир илк феодал давлат ҳукм суради. Қадимда бу мамлакат Даван ва Фрагона деб юритилган. Унинг подшолари «ихшид» деб аталган, пойтахти Косон ва Ахсикат шаҳарларида жойлашган. Фарғона Кан сиёсий иттифоқидан мустақил бўлиб, афшин томондан бошқарилган ва Тянь-Шань халқлари билан ўзаро алоқада бўлган.

Довон шимол томондан Еттисув, ғарбдан Чоч ва Элок, жануби-ғарбдан Сўғд, жанубдан Тохаристон ва шарқдан Шарқий Туркистон вилоятлари билан чегарадош бўлган. Хитой манбаларида таърифланишича, Фарғона ерлари жуда ҳосилдор бўлиб, аҳолиси деҳқончилик билан кун кечирган, пахта ва шоли эккан. Унда боғу бўстонлар ва гулзорлар мўл бўлган. Косон, Ахсикат ва Кубо каби йирик марказий шаҳарларида ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ривож топиб, унинг маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда жуда харидоргир бўлган. Кўшни мамлакатларга арғумоклар, бўёқлар, ранг-баранг шиша буюмлар ва дори-дармонлар чиқарилган.

Фарғона водийсида ўтроқ аҳоли билан бир қаторда тоғ ва тоғолди яйловларида кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадорлар яшаган. Курама ва Корамозор тоғлари ён бағирларида қадимдан йилкичилик билан шуғулланилган. Бу диёрда кўпайтирилган тулпор отларнинг донғи жаҳонга таралган. Фарғонада қўй, хачир ва туялар ҳам боқилган.

Шундай қилиб, VI—VIII асрларда Фарғонада деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик хўжаликлари ва ички ҳамда ташқи савдо ривож топган. У мустақкам иқтисодий пойдеворли ўлка эди. Стратегик жиҳатдан қулай географик ўрни, мустақкам мудофаа иншоотлари билан таъминланган Косон, Ахсикат, Кубо каби йирик шаҳарлари, тоғ қалъалари, водий бўйлаб жойлашган қатор-қатор истеҳкомли қўрғонлари туфайли бу диёр кучли ҳарбий имкониятга ҳам эга эди. Илк ўрта асрларда Фарғона Ўрта Осиёнинг сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган қудратли давлат бўлган.

Чоч ва Элок давлатлари. V—VII асрларда Чирчиқ ва Охангарон водийларида иккита мустақил илк феодал давлатлари ҳукмронлик қилган. Манбаларда улардан бири Чоч давлати, иккинчиси Элок мулки номлари билан тилга олинади. Чочнинг пойтахти Чочкат шаҳри бўлиб, подшоҳи «тудун» деб юритилган. Хитой манбаларида Чоч вилояти Ши ва **Чже-Ши** номлари билан таърифланади. Элокнинг пойтахти Тункат бўлган, ҳокимлари «деҳқон» деб аталган. V асрда Чоч вилояти Эфталлийлар давлатига, VI асрда эса Ғарбий турк хоқонлигига бўйсундирилади. VIII асрда Чоч ва Элок бирлашиб ягона давлатга айланади ва ўз мустақиллигини тиклаб олади. Чоч ва Элок шимол ва ғарб томондан Ғарбий турк хоқонлиги, шарқдан Фарғона ва жанубдан Уструшона билан чегарадош эди.

Чоч ва Элок сертармоқ хўжаликка эга мамлакат эди. Унда суғорма деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, айниқса кончилик, ички ва ташқи савдо юксак даражада ривожланган. Илк ўрта асрларда Чирчиқ дарёсидан Зоғариқ, Бўзсув, Анҳор ва Калковуз каби йирик суғориш тармоқлари қазиб чиқарилиб, Чочнинг экин майдонлари ниҳоятда кенгайган. Бу даврда Чоч воҳаси узил-кесил шаклланиб, у 50 га яқин суғориш шохобчалари воситасида суғорилган. Деҳқончиликда кўпроқ арпа, буғдой ва тарик экилган. Айниқса, Чочнинг пойтахт шаҳри атрофлари обод эди. Унда 50 дан ортиқ катта-кичик истеҳкомлар, феодал қўрғонлари ва кўшклари, обод қишлоқлар қад кўтарган.

Чоч ва Элок тоғлари олтин, кумуш, рангли маъданлар, темир ва жилвадор чакмоқ тошларга бой эди. Бу табиий бойликлар туфайли қадимда бу ўлкада кончилик ва унга асосланган хунармандчилик ривож топади. Олтин ва кумушлар қазиб олишда айниқса Элок Ўрта Шарқ мамлакатларида шухрат топади. Чотқол ва Курама тоғларида жойлашган Кухисим, Лашкарак ва Кони Мансурдан кумуш, Кўшбулоқ ва +изил олмасой конларидан олтин, Ўнгурликон ва Оқтурпоқ конларидан эса феруза ковлаб олинган.

Рангли ва нодир маъдан конларининг ўзаро яқинлиги, айирбош савдо бозори бўлган кўчманчи чорвадорлар даштининг Чоч ва Элокда туташиб кетгани, мамлакатлараро ташқи савдо алоқаларини боғловчи карвон йўлининг ўлка орқали ўтиши бу вилоятларда ички ва ташқи савдо-сотиқнинг кенгайиб, шаҳарларнинг гавжумлашувига имкон беради.

Чочнинг моҳир усталари металллардан қурол-яроғ, уй-рўзгор буюмлари, олтин ва кумушлардан турли хилдаги зеб-зийнатлар ясаганлар, тери ошлаб, чарм пишириб, пахта ва жундан мато тўқиганлар, сопол ва шиша идишлар ясаб, ички ва ташқи бозорни хунармандчилик маҳсулотлари билан таъминлаганлар. Чочдан олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар, ғалла, қуруқ мева ва йилқилар четга чиқарилган.

Шаҳар аҳолисининг бир қисми савдо билан машғул бўлган, VI-VIII асрларда Шарқий Туркистон билан савдо-сотиқ қилишда чочликлар Самарқанд ва Бухоро савдогарларидан кейин учинчи ўринда турган. Чоч пойтахти ташқи савдо муносабатларининг маркази эди.

Чочнинг ижтимоий таркиби ҳам илк феодал жамиятига хос эди. У мулкдор табақа зодагон деҳқонлар, меҳнаткаш табақа эркин жамоа аъзолари -озодлар; мулкдор табақага муте-кадиварлар ҳамда эрксиз қул ва чўрилардан иборат эди.

Хоразм давлати. Хоразм бошқа шаҳар – давлатларига нисбатан мустақил эди. Мамлакатда Африғий шохлари сулоласи шохлари ҳукмронлик қилганлар. VI-VII асрларда Хоразмда иқтисодий инқироз ҳукм сурган бўлишига қарамай у Шарқий Европа давлатлари билан мунтазам савдо алоқалари олиб борган. Хоразм маданияти ўз киёфасини

сақлаб қолган ва ҳеч қандай ташқи таъсирга учрамаган эди. Хоразмда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Хоразм ҳудудларида IV-VI асрга оид ёдгорликлардан бири Кат шаҳри яқинидаги қадимги Фир қалъаси хорабалари ўрганилган. Бу қалъа-шаҳар илк ўрта асрларда Хоразм давлатининг пойтахти бўлган. Беруний Фир қалъаси ҳақида шундай ёзади: “Қалъанинг учта девори пахсадан ва хом ғиштдан қурилган. Буларнинг бир иккинчиси ичига жойлашган, ҳар бирининг баландлиги бошқасига нисбатан ошиб боради, амо шоҳ қасри ҳаммасидан ҳам баланддир”. Турк хоқонлиги даврида Хоразм маълум даражада ўз мустақиллигини сақлаб, иқтисодий ва маданий ёжиҳатдан ривожланиш соҳасида катта ютуқларга эришган. Африғийлар сулоласи 995 йилгача ҳукм сурган.

4-илова

Ақлий ҳужум пед. технологияси учун саволлар::

1. Ўзбекистон ҳудудларида илк ўрта аср туркий давлатларининг қарор топиши шарт-шароитларини тушунтириб беринг.
2. Эфталийлар давлатининг Ўрта Осиёда ерга эгалик муносабатларига кўрсатган таъсири очиб беринг?
3. Эфталийлар давлати сиёсий жараёнлари ва давлат бошқарувининг шаклланиши жараёнларини тушунтириб беринг.
4. Турк хоқонлигининг Ўрта Осиёга кириб келиши сабаблари ва натижалари?
5. Шарқий ва Ғарбий Турк хоқонликлари давлатчилиги ўртасидаги тафовутлар?
6. Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарув тизимининг инқирози ва сиёсий тарқоқлик сабаблари?
7. Ўрта Осиёда маҳаллий давлатларнинг шаклланиши сабаблари?
8. Ўрта Осиёдаги сиёсий тарқоқликнинг оқибатлари?

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

6-мавзу

IX-XIII АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони:60-70 гача
Машғулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	• Тоҳирийлар давлати ва унинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни • Сомонийлар давлати – ўзбек давлатчилиги таракқиётида янги босқич • Қорахонийлар давлати давлатчилиги тарихи • Ануштакин -Хоразмшоҳлар давлатчилиги тарихи

Ўқув машғулотининг мақсади: IX-XIII аср бошларида ўзбек давлатчилиги тарихи ҳақида маълумот бериш	
<i>Педагогик вазифалар:</i> 1. Тоҳирийлар давлати ва унинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни ҳақида маълумот бериш; 2. Сомонийлар давлати – ўзбек давлатчилиги тараққиётида янги босқич ҳақида маълумот бериш; 3. Қорахонийлар давлати давлатчилиги тарихи ҳақида маълумот бериш; 4. Ануштакин -Хоразмшоҳлар давлатчилиги тарихи ҳақида маълумот бериш;	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> • Тоҳирийлар давлати ва унинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни ҳақида маълумотга эга бўладилар; • Сомонийлар давлати – ўзбек давлатчилиги тараққиётида янги босқич ҳақида маълумотга эга бўладилар; • Қорахонийлар давлати давлатчилиги тарихи ҳақида маълумотга эга бўладилар; • Ануштакин -Хоразмшоҳлар давлатчилиги тарихи ҳақида маълумотга эга бўладилар;
<i>Таълим бериш усуллари</i>	<i>Кўргазмали маъруза, суҳбат, Синквейн</i>
<i>Таълим бериш шакллари</i>	<i>Оммавий, жамоавий</i>
<i>Таълим бериш воситалари</i>	<i>Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар</i>
<i>Таълим бериш шароити</i>	<i>ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория</i>
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	<i>Оғзаки назорат: савол-жавоб</i>

1.2. “IX-XIII аср бошларида ўзбек давлатчилиги тарихи” маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>

1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Машғулоти мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништилади. (1илова) 1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништилади (2-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (3 илова) 2.3. Ўқилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида Синквейн пед технологияси ўтказилади. (4 илова) 2.4. Ўқилган мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар берилади. (5 илова)	Тинглайдилар, ёзадилар. Топшириқлар бўйича ишлайдилар Саволларга жавоб берадилар
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, 3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади. 3.3. Ўқилган мавзунини мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади.	Саволлар берадилар. Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Мавзу: IX-XIII аср бошларида ўзбек давлатчилиги тарихи

Режа:

1. Тоҳирийлар давлати ва унинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни
2. Сомонийлар давлати – ўзбек давлатчилиги тараққиётида янги босқич
3. Қорахонийлар давлати давлатчилиги тарихи
4. Ануштакин -Хоразмшоҳлар давлатчилиги тарихи

Ўқув машғулотининг мақсади: IX-XIII аср бошларида ўзбек давлатчилиги тарихи ҳақида маълумот бериш .

Ўқув фаолиятининг натижаси: IX-XIII аср бошларида ўзбек давлатчилиги тарихи ҳақида маълумотга эга бўладилар.

2 илова

Хар бир маъруза ва амалий машғулоти учун 5 дан 2 баллгача қўйилади.

Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:

- 5 балл - «аъло»
- 4 балл - «яхши»
- 3 балл - «қониқарли»
- 2 балл - «қониқарсиз»

3-илова

1 режа

IX аср бошларидаги ва сиёсий жараёнлар Тоҳирийлар давлатининг ташкил топиши

IX-XIII асрларда Ўзбекистон худудида турли бошқарув усуллари ва маъмурий тизимига эга бўлган турли сулолалар бошқарган бир қанча давлатлар ҳукм сурди. Халифаликка қарши қучайиб бораётган қўзғолонлар халифаларнинг маҳаллий зодагонларга боғлиқлигини қучайтириб юборди ва вилоятларни бошқаришда маҳаллий зодагонларнинг роли ортди. Шу жараёнда Хуросонда Тоҳирийлар хонадони ҳукмрон мавқеини эгаллаб бошлади. Сижистон (Сеистон) ҳокими Абдулмуҳаммад Талха ибн Абдуллоҳ қўлида хизмат хонадон бошлиғи Розикнинг Мусъаб, Ҳусайн ва Тохир исмли ўғиллари бўлиб, улар биргаликда Хирот вилоятидаги Бушанж шаҳрини бошқарганлар.

Хорун ар Рашид (786-809) вафотидан сўнг унинг ўғли Амин халифа бўлди. Бу вақтда Хурсонда ноиблик қилаётган Абдуллоҳ (кейинчалик Маъмун лақаби билан машҳур бўлган) 806 йилдан бошлаб ўтган вақт мобайнида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноиб сифатида бу ерда ҳукмронликни тўлаллигича ўз қўлига олгандан сўнг бошқарувда катта ўринга эга бўлган маҳаллий зодагонларнинг айримларини ўз атрофига йиғиб, улар билан жуда яқинлашиб кетган эди. Гарчи уни маҳаллий зодагонлар қўллаб-қувватласада, аммо халифаликнинг марказий қисмидаги араблар Аминни халифалик тахтига кўтарадилар. Бундан норози бўлган Маъмун укаси Аминга қарши курашиш ва ўзининг қонуний ҳокимиятини ўрнатиш учун беш йил тайёргарлик кўради. Албатта бу ишларни Маъмун яқка ўзи амалга ошира олмас ва маҳаллий зодагонларнинг кўмагига муҳтож эди. Маъмуннинг сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан бундай мураккаб вазиятга тушиб қолиши маҳаллий зодагонларнинг ҳокимиятдаги мавқеини ошиб бориши учун замин яратди. Маъмун ўз сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун Хуросондан Тохир ибн Ҳусайн ва Мовароуннаҳрдан эътиборли ва мавқеи юқори бўлган Сомонхудо хонадони вакиллари билан иттифоқ тузади ва уларнинг бевосита қўллаб-қувватлашлари ва ҳарбий ёрдамлари билан тахтни укасидан тортиб олади. Маъмун халифалик тахтини эгаллаб, Бағдодни қўлга киритгач, 813 йилда Тохирни ал-Жазирада ноиб, Бағдодда халифалик қўшинлари сипоҳсалори, Ироқда эса солиқ мажбуриятларни йиғиш бошқарувчиси, 821 йил эса Хуросон ноиб этиб тайинлади. Айни вақтда Маъмун ўзига тахтни эгаллашда ёрдам берган Мовароуннаҳр зодагонларидан Сомонхудонинг набиралари – Асад ибн Самонхудонинг фарзандларини бир қатор вилоятларга ноиб этиб тайинлайди. Жумладан, Нух ибн Асадни Самарқанд, Аҳмад ибн Асадни Фарғона, Яхё ибн Асадни Шош ва Уструшонага, Илёс ибн Асадни эса Хиротга ҳоким этиб тайинлайди. Сомонийлар хонадони вакиллари бевосита Тоҳирийларга бўйсунган ҳолда Мовароуннаҳр вилоятларининг йиллик даромадидан маълум миқдордаги маблағни хирож сифатида халифалик хазинасига юбориш мажбуриятини олганлар. IX аср араб географи Хўрдодбех маълумотларига қараганда, ҳар йили халифа хазинасига Шошдан 607 минг кумуш дирхам, Сўғддан 326 минг кумуш дирхам, Фарғонадан 280 минг кумуш дирхам, Уструшонадан эса 50 минг кумуш дирхам юборилган.

Тохир ибн Ҳусайн вафотидан сўнг Хуросонни Талха (822-828 йй) ва Абдуллоҳлар (828-844) бошқардилар. Мустақилликка интилган Тоҳирийлар вакили Абдуллоҳ 833 йилда Маъмун вафотидан сўнг ўзини халифаликдан мустақил деб эълон қилди ва Марв (кейинчалик Нишопур) давлат пойтахти бўлди. Бу вақтда Тоҳирийлар давлати таркибига Табаристон, Журжон, Рай, Кирмон, Хуросон, Сейистон, Мовароуннаҳрнинг жанубий ҳудудлари кирган. Муҳаммад ибн Тохир (862-873 йй) ҳукмронлиги даврида мамлакат ҳудудларига ҳужум қилган ўғуз қабилаларидан мудофаа мақсадида Фарова (Қизиларват яқинида) ва Деҳистон (Машҳад) қалъа-қўрғонлари қурилиб, давлат ҳудудларининг хавфсизлиги бирмунча қучайтирилди. Айни вақтда Тоҳирийлар халифаликнинг қўллаб-

қувватлаши остида Мовароуннаҳр вилоятлари устидан ҳам ҳокимликни тўлалигича ўз қўлларига олган эдилар.

Мамлакат гарчи халифаликдан мустақил сиёсат юритиб, ўз ички муаммоларини ўзи бевосита ҳал этиш имконига эга бўлсада, мамлакатдаги оддий солиқ тўловчи халқнинг аҳволи солиқларнинг кўплиги ва бир томондан кўчманчи туркий қабилаларнинг хужумлари таъсирида бирмунча оғирлашган эди. Шу боисдан мамлакатда халқ кўзғолонлари тез-тез кўтарилиб турарди. Уларда айниқса «ғозийлар» фаоллик кўрсатардилар. Ғозийлар кўчманчилар хужумини даф этиб туриш мақсадида кўнгиллилардан IX асрнинг 60-йилларида ташкил этилган бўлиб, улар мамлакат сиёсий ҳаётидаги фаолликларини ҳам ошириб борар эдилар. Тоҳирийлар ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш учун қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликка эътиборни кучайтирдилар. Бироқ, бу даврда аҳолидан олинадиган солиқлар ҳам кўпайтирилди.

IX аср ўрталарига келиб мамлакат ичида юзага келган сиёсий кескинликлар ва халқ кўзғолонлари натижасида аҳолининг қуйи табақасидан бўлган Саффорийларнинг мавқеи кучайиб боради. Мазкур хонадон вакилларининг етакчиси Яъқуб ибн Лайс ўзининг Амр, Тохир, Али исмли укалари билан биргаликда 861 йилда Сижистонни, 867 йил Хирот ва Бушанжни, 869 йил Кирмон ва Форсни қўлга киритдилар.

Тоҳирийларнинг сўнгги вакили Муҳаммад ибн Тохир (862-873 йй) Ёқуб ибн Лайс билан бўлган жангда мағлуб бўлгач, саффорийлар Нишопурни эгалладилар. 879 йилда Ёқуб вафот этгач, ҳокимиятни унинг укаси Амир ибн Лайс эгаллади (879-900 йй) ва халифага ўзининг вассаллигини маълум қилди. Саффорийлар ҳукмронлиги даврида ҳам халқ оммасининг аҳволи яхшиланмади. Тузилган катта қўшинни озик-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш учун солиқлар кўпайтирилди.

Хуросонда энг юқори мавқега эришган саффорийларга халифа Мўътамид (870- 892 йй) томонидан Хуросон вилоятининг ҳокимлиги топширилади, яъни Яъқуб ибн Лайсни Балх ва Тохаристон ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида ёрлик жўнатди. 873 йил Яъқуб Тоҳирийлар ҳукмдори Муҳаммад ибн Тохир қўшинларини мағлубиятга учратиб, тоҳирийлар давлатига барҳам берди.

2 режа

Бу хонадон вакиллари туркий ҳукмдорлардан бири Баҳром Чўбин авлодлари эканлигини мазкур тарихчининг асарида алоҳида қайд этилган. Сомонийлар давлати туркий ҳукмдорлар бошчилигидаги Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг кўп миллатли ва кўп тилли халқларини бирлаштирган ва марказлашган дастлабки давлатлардан бири бўлган.

806 йилда Мовароуннаҳр ва Хуросонда Рофе ибн Лайс бошчилигида халифалик тузумига қарши кураш бошланди. Бу курашда умумхалқ кўзғолонига айланди ва Муқанна кўзғолони ғояларини кўтариб чиқа бошлади. Бошланган кўзғолоннинг қисқа вақт ичида ғоявий ва ҳарбий жиҳатдан катта кучга айланиши халифа Хорун ар-Рашидни ниҳоятда чўчитиб қўяди. Катта фарзанди Абдуллоҳ (Маъмун)ни Хуросон ва Мовароуннаҳр ноиби этиб тайинлаганига (806 йил) қарамасдан, кўзғолоннинг бостирилиши борган сайин мураккаблашиб боради. Халифаликнинг парчаланиш хавфи юзага келганлигини сезган Хорун ар-Рашид ўзи қўшинларга бош бўлиб Мовароуннаҳр ва Хуросонга юриш бошлайди (809 йил).

Бироқ юриш давомида касалликка учраган халифа Хорун ар Рашид кўп ўтмай вафот этади, энди кўзғолонни бостириш ва давлат тинчлигини таъминлаш Маъмуннинг зиммасига тушади. Аввалги бобларда айтиб ўтилганидек, Маъмун ўз мақсадларини амалга ошириш учун маҳаллий зодагонларга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Бир неча йиллик тайёргарлик ва маҳаллий зодагонларнинг саъй – ҳаракатлари ёрдамида 813 йилда Маъмун Бағдодни эгаллаб, укаси Аминни тахтдан туширади ва расман халифалик тахтига ўтиради. Хуросон ва Мовароуннаҳр вилоятларини кейинчалик Тоҳир ибн Ҳусайнга топширган Маъмун Сомонийлар хонадони вакиллари ҳам хизматлари эвазига Мовароуннаҳр вилоятлари, жумладан, Нух ибн Асадни (819/820 – 841/842 йиллар) Самарқанд, Ахмад ибн

Асадни (819/820 – 864/865 йиллар) Фарғона, Яхё ибн Асадни (819/820 – 855/856 йиллар) Шош ва Уструшонага, Илёс ибн Асадни эса Хиротга ҳоким этиб тайинлаган эди. Сомонхудо хонадони вакиллари Араб халифалигининг шарқий вилоятлари сифатида ташкил этилган Хуросон ноиблиги таркибида халифаликка бўйсунган бўлсада, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бевосита Тоҳирийларга бўйсунган ҳолда Мовароуннаҳр вилоятларининг йиллик даромадидан маълум миқдордаги маблағни хирож сифатида халифалик хазинасига юбориш мажбуриятини олган эдилар.

3 режа

Х аср бошларига келиб Мовароуннаҳр ва унинг атроф вилоятларида яшовчи туркий халқлардан ўн мингга яқин киши ислом динини қабул қилди ва Фороб - Шош – Чимкент - Туркистон оралиғидаги ҳудудларда ўтроқлаша бошлади. Қарлуқлар билан бирга ўғуз қабилалари ҳам Мовароуннаҳр ҳудудларида ўтроқлашган ва ислом динини қабул қилган халқлардан бири эди. Бу икки уруғга мансуб халқлар кейинги даврларда ўзбек халқининг шаклланиши ва этник жараёнларида муҳим ўрин тутган эди. Ҳозирги Хоразм атрофларида ўтроқлашган ўғузлар Сомонийларнинг рухсати билан Мовароуннаҳр ҳудудларига кириб кела бошлайди. Бухоронинг жанубий вилоятларида чорвачилик билан шуғулланган бу қабила кейинчалик туркман-салжуклар номи билан ўз давлатларига ҳам асос солган эдилар.

Туркий қарлуқлар эса чигил (жикил) ва яғмо қабилалари билан ёнма-ён Еттисув ва Иссиқкўл бўйларидаги ҳудудларида жойлашган эди. Қарлуқлар Еттисув ҳудудларида қисман чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланишсада, қолган икки қабилага нисбатан уларнинг тараққиёт даражаси анча юқори бўлиб, иқтисодий ва маданий ҳаёт тараққий этган бир қатор шаҳарларига эга эди. Х асрда қарлуқлар Сомонийлар билан қарвон савдоси орқали фаол муносабат ўрнатган эдилар. Қарлуқларга нисбатан тараққиёт даражаси бирмунча орқада бўлган жикил қабилалари Иссиқкўл атрофларида яшаб, асосан чорвачилик ва йилқичилик билан шуғулланганлар, уларнинг ижтимоий ҳаётида кўчманчи-чорвачиликка хос анъаналар устунлик қилган.

Иссиқкўлнинг жануб томонида яшаган яғмо қабилалари эса асосан чорвачилик ва овчилик билан машғул бўлиб, уларнинг қолган икки қабилага нисбатан жанговарлик хусусиятлари жуда юқори эди.

Х асрга келиб туркий қабилалар орасидаги ижтимоий ва мулкӣ муносабатларнинг фаоллашуви жараёнида яйловлар ва чорвадан маҳрум бўлган аҳоли сони кўпайди. Бу эса туркий қабилаларда ўтроқ турмуш тарзига ўтиш, деҳқончилик ва ҳунармандчилик ҳамда савдо билан нисбатан фаолроқ шуғулланиш учун туртки берди. Мовароуннаҳрнинг ўтроқ аҳолиси билан узоқ вақтдан буён давом этиб келаётган ўзаро алоқалар таъсирида туркий қабилаларда ҳам аста – секин ерга эгалик ва мулкчилик шакллари қарор топа бошлади, жамиятда ерга эгалик муносабатлари шаклланиб борди.

Туркий чорвадор халқларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётидаги бундай ўзгаришларда Буюк Ипак йўлининг Мовароуннаҳрдан Хитойга ўтувчи тармоқлари жойлашганлиги ва туркий халқлар ҳам бу жараёнда бевосита иштирок эта бошлаганликлари, иккинчида мазкур халқларнинг ижтимоий ҳаётида ўтроқлашув жараёнларининг кучайиб бориши, янги шаҳар ва деҳқончилик ҳудудларининг шаклланиши ва эскиларининг мавқеи ортиб бориши ўзининг энг катта таъсирини ўтказган.

Шунингдек, Сомонийлар ва уларгача ҳам Мовароуннаҳрнинг юксак маданиятга эга маҳаллий халқлари билан савдо ва иқтисодий, қисман маданий алоқаларнинг фаоллашиб бориши ҳам туркий халқларнинг ҳаётида юз бераётган ўзгаришларнинг содир бўлишида жуда катта омил бўлган эди. Умуман Мовароуннаҳрнинг Араб халифалигидан ажралиб чиқиши ва Сомонийлар давлатининг ички ва ташқи соҳада олиб борган сиёсати маълум даражада туркий қабилаларнинг жипслашув жараёнларини ҳам кучайтириб юборган эди. Бунинг айрим омиллари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин, биринчидан, Мовароуннаҳрдаги ўтроқ аҳолининг кўчманчи чорвадор халқлар билан фаол иқтисодий алоқага киришуви, бунинг натижасида туркий халқларнинг аввало маданий ва иқтисодий ҳамда сиёсий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар маданияти (илм-фаннинг айрим намуналари, кундалик турмушда ишлатиладиган жиҳозлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари ва бошқа шу қабилар) ва давлатчилиги билан маълум даражада танишуви бўлса, иккинчидан туркий халқларнинг ихтиёрий ва мажбурий ҳолда ислом динини қабул қилиши (Исмоил Сомоний 893 йилда Тарозни босиб олганда бу ердаги ибодатхонани масжидга айлантирган ва аҳолини ислом динига ўтказган эди), бунда туркий халқлар анъанавий

қабилавий динлар ўрнига ягона ва ўрта асрлар сиёсий ва ижтимоий шароитидан келиб чиққан ҳолда барча қабилаларни бирлаштириш қувватига эга бўлган ягона мафкурани ўзлаштирадilar ва айна вақтда ислом динининг қабул қилиниши ўрта асрларга хос ислом маданиятининг қабул қилиниши ва йирик давлатлар билан алоқани кучайтиришга хизмат қилади. Туркий халқлар ички ҳаётида юз берган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳамда айрим ташқи таъсир натижасида Х асрга келиб бу халқларда ҳам давлатчиликнинг ривожланган даражасига ўтиш жараёнлари бошланди.

4 режа

Хоразм ўз мустақиллигини тиклаб олган бўлсада, бироқ кўп ўтмай туркий халқлар томонидан Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган давлатлар Хионийлар ва Эфталлийлар, кейинчалик Турк хоқонлиги таркибига қўшиб олинди. VIII аср бошларига келиб Араб халифалиги таркибига киритилган Хоразм кейинчалик Сомонийлар давлати таркибида ярим мустақил давлат сифатида ўз мустақиллигини қисман тиклаб олган эди.

Сомонийлар ва Қорахонийлар давлати ташкил топган вақтда эса Хоразм ҳар икки давлат таркибига ҳам кирмай қолди ва бу вазият унинг мустақиллигини тиклаб олиши учун қулай вазиятни юзага келтирди. X асрнинг иккинчи ярмида Урганччи пойтахт қилган Шимолий Хоразм мустақиллигини тиклаб олди. Жанубий Хоразм маркази эса Қиёт шаҳри бўлиб, бу ерда хоразмшоҳ, Урганчда эса амир ҳокимиятни бошқарар эди.

995 йилда Гурганж волиси сомонийлар ноиб Маъмун ибн Муҳаммад африғийлар сулоласининг сўнгги шоҳи Абу Абдуллоҳни ўлдириб, Жанубий ва Шимолий Хоразмни бирлаштиради ва ўзини Хоразмда ҳокими мутлақ деб эълон қилади. Шу йилдан Хоразмда африғийлар сулоласи тугатилиб, Маъмунийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланади.

Маъмунийлар сулоласида 3 нафар шоҳ давлат ҳокимиятини амалга оширган:

1. Маъмун ибн Муҳаммад (995 – 997 йиллар)
2. Али ибн Маъмун (997 – 999 йиллар)
3. Маъмун ибн Маъмун (999 – 1017 йиллар)

4 илова

Синквейн тузиш қоидаси:

- Биринчи қаторда мавзу (топширик) бир сўз билан ифодаланади (одатда от туркукмига оид сўз билан).
- Иккинчи қаторда мавзу иккита сифат билан ифодаланади.
- Учинчи қаторда мавзу доирасидаги ҳатти - ҳаракатлар учта сўз билан ифодаланади.
- Тўртинчи қаторда мавзуга нисбатан муносабатни англатувчи ва тўртта сўздан иборат бўлган фикр ёзилади.
- Охириги қаторда мавзу моҳиятини такрорлайдиган, маъноси унга яқин бўлган битта сўз ёзилади.

Мисол учун:

1. _____ *топширик*
2. _____ *бир маъноли ўлчанувчи*
3. _____ *яқиний натижаси ифодалайди.*
4. _____ *ўқувчи мақсадни тушунишни осонлаштиради.*
5. _____ *натижа.*

Демак, қуйидагича синквейн тузиш мумкин:

- Тарих
- Мозий, ўтмиш

- Тарихий - хотирасиз келажак йўқ
 - Ўтмишини билмаган халқнинг келажаги бўлмайди
 - Тарих – ўзликни англашдир.
- Талабалар билими баҳоланади.

5-илова

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тоҳирийлар мустқиллик йўлида қандай сиёсат юритдилар?
2. Тоҳирийларда жамият қандай табақаларга бўлинган эди?
3. Сомонийларнинг ҳокимият тепасига келиш жараёнини очиб беринг
4. Сомонийларда давлат бошқаруви девонлари ва уларнинг вазифалари?
5. Сомонийлар даврида суғориш тармоқларига қандай эътибор берилган?
6. Сомонийлар давлат бошқарув тизими ва унинг ўзига хослиги нимада?
7. Сомонийлар давлатида ҳуқуқий муносабатлар қандай тартибда амалга оширилган?
8. Қорахонийлар давлати сиёсий тизими нималарга асосланган эди?
9. Қорахонийлар давлати давлат бошқаруви қандай тартибда ташкил этилган?
10. Қорахонийлар давлатида ҳарбий бошқарув тартиби ва ҳарбийларнинг мавқеи қандай бўлган?
11. Ануштакин Хоразмшоҳлар сулоласининг давлат тепасига келиш жараёнини очиб беринг.
12. Хоразмшоҳлар давлатида бошқарув тизими қай тартибда ташкил этилган?
13. Хорамшоҳлар давлатида давлат бошқаруви ишларида иштирок этувчи мансаб эгаларининг поғонасини тавсифлаб беринг.
14. Хоразмшоҳлар давлатида ҳарбий ишлар қандай тартиб асосида ташкил этилган ва бошқарувнинг амалга оширилиши?
15. Хоразмшоҳлар давлатида қўшин тузилиши?

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

7-мавзу

МЎҒУЛЛАР ИСТИБДОДИ ДАВРИДА ДАВЛАТЧИЛИК
ЖАРАЁНЛАРИ

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машгулот вақти-2 соат	Талабалар сони:60-70 гача
Машгулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	- Мовароуннахрда мўғуллар ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва босқинчиларга қарши озодлик кураши - Чигатой улусида ҳарбий-сиёсий тизим ва давлат бошқаруви - Чигатой улусида ижтимоий-иқтисодий жараёнлар
Ўқув машгулотининг мақсади: Мўғуллар истибдоди даврида давлатчилик жараёнлари ҳақида маълумот бериш	
Педагогик вазифалар: - Мовароуннахрда мўғуллар ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва босқинчиларга қарши озодлик кураши ҳақида маълумот бериш; - Чигатой улусида ҳарбий-сиёсий тизим ва давлат бошқаруви ҳақида маълумот бериш; - Чигатой улусида ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳақида маълумот бериш;	Ўқув фаолияти натижалари: - Мовароуннахрда мўғуллар ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва босқинчиларга қарши озодлик кураши маълумотга эга бўладилар; - Чигатой улусида ҳарбий-сиёсий тизим ва давлат бошқаруви маълумотга эга бўладилар; - Чигатой улусида ижтимоий-иқтисодий жараёнлар маълумотга эга бўладилар;
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали маъруза, суҳбат, инсерт жадвали
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Озгаки назорат: савол-жавоб

1.2. “Мўғуллар истибдоди даврида давлатчилик жараёнлари” маъруза машгулотининг технологик харитаси

Иш босқичла ри ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Машғулоти мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништилади. (1-илова) 1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништилади (2-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (3 илова) 2.2. Ўқилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида инсерт пед технологияси ўтказилади. (4 илова) 2.3. Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар берилади (5 илова)	Тинглайдилар, ёзадилар. Топшириқлар бўйича ишлайдилар Саволларга жавоб берадилар
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, 3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади. 3.3. Ўқилган мавзунини мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади.	Саволлар берадилар. Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Мавзу: Мўғуллар истибдоди даврида давлатчилик жараёнлари

Режа:

- **Мовароуннахрда мўғуллар ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва босқинчиларга қарши озодлик кураши**
- **Чигатой улусида ҳарбий-сиёсий тизим ва давлат бошқаруви**
- **Чигатой улусида ижтимоий-иқтисодий жараёнлар**

Ўқув машғулотининг мақсади: Мўғуллар истибдоди даврида давлатчилик жараёнлари ҳақида маълумот бериш

Ўқув фаолиятининг натижаси: Мўғуллар истибдоди даврида давлатчилик жараёнлари ҳақида маълумотга эга бўладилар.

**Ҳар бир маъруза ва амалий машғулоти учун 5 дан 2 баллгача қўйилади.
Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:**

- 5 балл - «аъло»
- 4 балл - «яхши»
- 3 балл - «кониқарли»
- 2 балл - «кониқарсиз»

3-илова

1 режа

Мўғул қабилалари ва уруғлар шу минтақада ёнма-ён яшаб турган бошқа қабилаларга нисбатан иқтисодий ва сиёсий ҳамда маданий жиҳатдан анча қолоқ бўлиб, қабилалараро ўзаро бирликнинг йўқлиги уларнинг ижтимоий ҳаётини янада яхшиланишига катта тўсиқ бўлиб турарди. Шунга қарамай бу қабилаларнинг жанговарлиги жуда юқори даражада бўлиб, бир томондан Хитой билан, иккинчи томондан ўзаро курашлар уларнинг кучли жангчилар бўлиб етишишлари учун катта таъсир қилган эди. XIII аср бошларига келиб Мўғулистон, Шарқий Туркистон, жанубий Сибирь ҳудудлари, Етгисув ва атроф ҳудудларда яшаб, асосан кўчманчи чорвадорлик билан машғул бўлган кўплаб туркий, мўғул ва бошқа қабилалар ўртасида ўзаро сиёсий ҳарбий тўқнашувлар кучайиб кетди. Бу жараёнларда асосий етакчи куч мўғул қабилалари бўлиб, Темучин (1155-1227 йиллар) бошлиқ мўғуллар жалойир, ўйрат, кераит, найман, қорахитой, қирғиз, уйғур, қорлик каби уруғларни куч билан бирлаштириб, мўғул қабилаларининг дастлабки сиёсий иттифоқи ва давлатига асос солдилар. Ўрта асрлар даврининг энг жанговар давлатларидан бири бўлган Мўғуллар давлатинингташқил топиши ва кейинчалик қудратли империяга айланиши мўғул ҳукмдори Темучин номи билан боғлиқ бўлган.

1205 йилдаёқ Қорақурумда мўғуллар билан ёнма-ён яшаб келган ва уларнинг ҳукмронлиги остида бўлган жалойир, ўйрат, кераит, найман, қорахитой, қирғиз, уйғур, қорлик каби туркий қабилалар ҳам иштирок этган қурултой бўлди ва унда Темучин Чингизхон номи билан мўғул хони этиб сайланди.

Ҳокимият тепасига келган Чингизхон энг аввало ўзига тобе бўлган мўғул ва туркий қабилалардан кўп сонли ва кучли интизомга эга бўлган қудратли қўшин тузишга муваффақ бўлади. Қўшиннинг сони 200 мингдан ортиқ отлик ва пиёда қўшинлардан иборат бўлган.

Ҳар бир жангчи ҳарбий юриш вақтида ўзига зарур бўладиган қрол-яроғ, жумладан, ўк-ёй, садақ, найза, қилич ва бошқа ҳарбий аслаҳаларни, шунингдек, ҳар қандай ҳолатлар учун зарур бўладиган арқон, қозон, меш, игна, болта, ва озик оқатларини аввалдан тайёр ҳолга келтирган ва юриш вақтида кўрсатилган буюмлар ҳар бир аскарда бўлиши шарт бўлган. Бу талабларни бажармаган аскарлар қаттиқ жазоланган.

Мўғуллар қўшини ўнталик, юзталик, минг ва ўн минг кишилиқ ҳарбий бўлинмалардан таркиб топган бўлиб, ҳар бир бўлинма тегишли равишда ўнбоши, юзбоши, мингбоши ва туманбоши (ўн минг кишилиқ қўшин қўмондони) лар томонидан бошқарилган. Туманларни (ўн минг кишилиқ бўлинмаларни) одатда Чингизхоннинг ака-укалари, амакилари ва ўғиллари бошқарган.

2 режа

Чингизхон ҳали ҳаётлик вақтидаёқ босиб олинган ҳудудларни тўрт ўғлига бошқариш учун тақсимлаб берган эди. Иртиш дарёсининг нариги томонидан то “мўғуллар отининг туёғи етган жой”гача бўлган ерлар, Сирдарёнинг қуйи оқими (Сифноқ, Барчинлиғкент, Жаникент, Ашнас шаҳарлари) ва Хоразмнинг шимолий-ғарбий

худудлари тўнғич ўғли Жўчига берилди. Жўчининг яйловлари Иртишда, қишлаш жойи Сирдарёнинг қуйи оқимларида эди.

Қошғар, Еттисув, Мовароуннахр иккинчи ўғил Чиғатойга берилди. Чиғатойнинг қўши Или дарёси бўйида эди.

Учинчи ўғил Ўғдайхонга Ғарбий Мўғулистон ва Тарбағатой ўлкаси ажратилди. Унинг қўши Чугучакда эди.

Чингизхоннинг кенжа ўғли Тулуйга эса отасидан Халха Мўғулистон, яъни Шимолий Мўғулистон мерос қолди. Унинг қўши Керулен дарёси бўйида эди.

Жўчининг ўғли Ботухон (1227-1255 йиллар), Ўғдой (1227-1241 йиллар) ва Тулуйнинг ўғли Мунқа (1251-1260 йиллар) замонида мўғуллар салтанатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар бўлади ва Олтин Ўрдага асос солинди.

Чиғатой (1227-1241 йиллар) ўз ерларига инжу тарзида эгалик қилган. Олғуйгача (1261-1266) бу ерларда Мўғул қоони ҳокимияти жорий этилган. Қоон номидан Чиғатой улусини Маҳмуд Ялавоч бошқарган. Маҳмуд Ялавочнинг ҳокимият тепасига келишининг ўзига хос сабаблари бор эди.

XIII аср бошларидаёқ Чиғатой тасарруфига берилган Мовароуннахр, Еттисув ва Шарқий Туркистонда Чиғатой улуси ташкил топади. XVI асрнинг 40-йилларига қадар ҳукм сурган Чиғатой улусининг маркази Етийсуда эди.

Мўғуллар турли маданиятга ва ривожланиш даражасига эга мамлакатларни босиб олиб, ўз ҳокимиятларини ўрнатган бўлсаларда, маданий худудларни бошқариш ишларидан анча йироқ эдилар, бундай тажрибанинг йўқлиги эса уларни маҳаллий ҳокимлар ёки бошқарувда тажрибага эга кишилар ёрдамига муҳтож қилган ва ўзлари эса асосан босиб олинган ўлкаларда ўлпонларни йиғиб олиш ва иқтисодий ҳукмронлик билан чекланганлар.

Худди шундай бошқарув усули Чиғатой томонидан Мовароуннахрга нисбатан ҳам амалда жорий этилди. Бир неча йиллар давомида Чингизхонга, унинг вафотидан сўнг эса Ўқтой хизматида ўтган хоразмлик савдогар Маҳмуд Ялавоч Мовароуннахр вилоятларига ноиб этиб тайинланди ва у Мовароуннахрни ижарадор сифатида идора эта бошлади.

3-режа

XIII аср ўрталарида Чиғатой улусининг мўғул зодагонлари доирасида ўтроқ ҳаётга ўтиш, шаҳар маданий ҳаётига яқинлашиш, маҳаллий ўтроқ аҳолининг бой маданиятидан фойдаланиш жараёни кучаяди. Ижтимоий ҳаётдаги бундай ўзгаришлар ўтроқ воҳалардан узокда яшаётган мўғуллар ва ўтроқ ҳаётга яқинлашган мўғуллар ўртасида ўзаро қарама-қаршиликлар ва ижтимоий-маданий муносабатларда бўлинишга олиб келади. Шу сабабли бу даврда ўтроқ деҳқончилик вилоятлари ва уларнинг зироаткор ва ҳунарманд аҳолисига нисбатан мўғул ҳукмрон доиралари ўртасида икки хил муносабат юзага келади.


Кўчманчи ҳарбий зодагонларнинг катта қисми, хон хонадони вакиллари ва айрим қоонлар ўтроқ ҳаётга мутлақо қарши бўлиб, кўчманчилик ва чорвадорлик анъаналарини биринчи ўринга қўяр эдилар.

Маҳаллий зодагонлар, руҳоний ва савдогарларнинг асосий қисми ва айрим мўғул хонлари (Кепакхон, Дувахон, Тармаширин, қисман Гуюкхон, Мунқохон, Олғуйхон) ҳамда ҳарбий маъмурларнинг кичик бир қисми ўтроқ ҳаёт тарафдори бўлиб, улар мамлакатдаги сиёсий бош-бошдоқлик ва тарқоқликка қарши кураш олиб бориб, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга интилардилар. Ўтроқ ҳаёт ва ундаги деҳқончилик, ҳунармандчилик ҳамда савдо-сотик ишлари давлат хазинасининг асосий даромад манбаи эканлигини англаган мўғул ҳукмдорлари хўжаликнинг бу тармоқларини ривожлантириш сиёсатини ҳам юритганлар. Бунинг учун энг аввало ўтроқ аҳолини талаш ва экин далаларининг пайхон этилишига йўл қўймаслик, меҳнаткаш аҳолидан давлат хазинаси учун йиғиб

олинадиган солиқлар ва йиғимларни тартибга солиш, мажбурий ҳашар ишларини қатъий тартибини белгилаш, маҳаллий ҳокимларнинг солиқ ишларидаги шахсий ўзбошимчаликларига йўл қўймаслик ва аҳолидан олинадиган солиқларга қўшимча солиқлар жорий этилишини камайтириш, маданий ва иқтисодий марказлар ҳисобланган шаҳарлардаги жамият ҳаётини фаоллаштириш ва ички бозорларни кенгайтириб савдони йўлга қўйиш, Буюк Ипак йўлидаги аввалги мавқеини қайта тиклаш, карвонсаройлар барпо этиш ва халқаро савдони йўлга қўйиш давлат томонидан амалга оширилиши лозим бўлган энг асосий сиёсат бўлиши лозим эди.

Бундай сиёсат тарафдорларидан бири Мўғулистоннинг улуғ қоони Мунқа ва иккинчиси Чигатой улусининг ноиби Маъсудбек эди. Ҳатто Мунқа солиқ ва ҳашар ишларини тартибга солиш тўғрисида махсус фармон чиқарди ва мазкур ёрликда қайд қилинишича, Мунқа ҳажми белгиланмаган энг оғир солиқ ва ўлпонларни, хусусан Чингизхон вафотидан сўнг берилган пайза ва ёрликларни бекор қилади. Ёмлар (алоқа бекатлари) бўйлаб алоқа хизмати учун ажратиладиган отлар сонини белгилаб, аҳолидан ортиқча от талаб қилмаслик, фуқароларнинг шахсий мулки ҳисобланган отлардан фойдаланишни таъқиқлаш ва алоқа хизмати учун ажратилган отлардан бошқа мақсадларда фойдаланишни таъқиқлайди.

4-илова



Инсерт жадвали

V	+	-	?

--	--	--	--

(талабалар)нинг билимлари баҳоланади

5 илова

Фаоллаштириш учун саволлар:	
1.	Мўғуллардаги марказлашув жараёнларининг асосий хусусиятларини айтиб беринг?
2.	Чингизхон давлатни мустақкамлашда нималарга эътибор қаратди?
3.	Чингизхон ва Хоразмшоҳ ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувининг асосий сабаблари нимада деб ўйлайсиз?
4.	Нима учун қудратли Хоразмшоҳлар давлати мўғулларга етарли қаршилик кўрсата олмади?
5.	Жалолиддин ва унинг фаолиятини очиқ беринг?
6.	Чиғатой улусининг юзага келишидаги асосий омиллар?
7.	Чиғатой улусидаги сиёсий тизим?
8.	Чиғатой улусидаги бошқарув тартиби?
9.	Чиғатой улусидаги ислохотлар ва уларнинг натижалари?
10.	Чиғатой улусидаги иқтисодий муносабатларнинг аҳволи?
11.	Чиғатой улусидаги ер эгалиги?
12.	Чиғатой улусидаги солиқлар?

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

8-мавзу	АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ДАВЛАТЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ
----------------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машгулот вақти-2 соат	Талабалар сони:60-70 гача	
Машгулот шакли	Маъруза	
Маъруза режаси	1. Амир Темур ва темурийлар давлатида марказий ва маъмурий бошқарув тизими 2. Амир Темур ва темурийлар давлатида ҳарбий ишлар 3. Амир Темур ва темурийлар давлатида иқтисодий ҳаёт. Солиқлар.	
Ўқув машгулотининг мақсади: Амир Темур ва темурийлар даврида давлатчилик тараққиёти ҳақида маълумот бериш		
Педагогик вазифалар: 22. Амир Темур ва темурийлар давлатида марказий ва маъмурий бошқарув тизими ҳақида маълумот бериш 23. Амир Темур ва темурийлар давлатида ҳарбий ишлар ҳақида маълумот бериш • Амир Темур ва темурийлар давлатида иқтисодий ҳаёт. Солиқлар ҳақида маълумот бериш	Ўқув фаолияти натижалари: 24. Амир Темур ва темурийлар давлатида марказий ва маъмурий бошқарув тизими ҳақида маълумотга эга бўладилар; 25. Амир Темур ва темурийлар давлатида ҳарбий ишлар ҳақида маълумотга эга бўладилар; 1. Амир Темур ва темурийлар давлатида иқтисодий ҳаёт. Солиқлар ҳақида маълумотга эга бўладилар;	
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали маъруза, суҳбат, инсерт жадвали	
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий	
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар	
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория	

Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб
-----------------------	-----------------------------

**1.2. “Амир Темур ва темурийлар даврида давлатчилик тараққиёти” маъруза
машғулотининг технологик харитаси**

Иш босқичла ри ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Машғулот мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. (1илова) 1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништиради. (2 илова) 1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (3-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар Тинглайдилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4 илова) 2.3. Ўқтилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида инсерт жадвали пед технологияси ўтказилади. (5 илова) 2.4. Ўқтилган мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар берилади. (6 илова)	Тинглайдилар, ёзадилар. Топшириқлар бўйича ишлайдилар Саволларга жавоб берадилар
3. Яқуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, 3.2 Мавзу юзасидан яқунловчи хулоса қилади. 3.3. Ўқтилган мавзунини мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади.	Саволлар берадилар. Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Мавзу: Амир Темур ва темурийлар даврида давлатчилик тараққиёти

Режа:

- 1. Амир Темур ва темурийлар давлатида марказий ва маъмурий бошқарув тизими**
- 2. Амир Темур ва темурийлар давлатида ҳарбий ишлар**
- 3. Амир Темур ва темурийлар давлатида иқтисодий ҳаёт. Солиқлар.**

Ўқув машғулотининг мақсади: Амир Темур ва темурийлар даврида давлатчилик тараққиёти ҳақида маълумот бериш

Ўқув фаолиятининг натижаси: Амир Темур ва темурийлар даврида давлатчилик тараққиёти ҳақида маълумотга эга бўладилар.

Адабиётлар:

- Ўлжаева Ш. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. Т., “Фан”, 2005.
- Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси. Ўзбекистон тарихи 1999 йил, 1-сон

**Ҳар бир маъруза ва амалий машғулот учун 5 дан 2 баллгача қўйилади.
Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:**

- 5 балл - «аъло»
4 балл - «яхши»
3 балл - «кониқарли»
2 балл - «кониқарсиз»

1 режа

Амир Темур ва темурийлар даврида давлатнинг кучли бошқаруви асослари яратилган бўлиб, бу асослар салтанат тасарруфига олинган халқлар ва миллатларнинг диний эътиқоди, миллий ва ирқий мансублиги ҳамда цивилизациялар тараққиёти даражасидаги тафовутлар ва бошқа ҳолатларнинг ўз ҳолича давом этишига салбий таъсир кўрсатмаган. Аксинча, мамлакат тасарруфидаги барча халқлар ва элатлар иқтисодий сиёсий тараққиётининг янада юксалишига ижобий туртки берибгина қолмасдан ва уларга тарихий шароитни, яъни барча халқлар ва давлатлар ўртасида маданий ва иқтисодий алоқаларни - ҳозирги қабул қилинган иборалар билан айтганда интеграцион жараёнларнинг фаол ҳаракатда бўлишига имкон яратиб берган эди. Амир Темур томонидан давлат бошқаруви соҳасида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Амалга оширилган ислохотлар натижасида Мовароуннаҳр ва унга тобе вилоятларда қонунга, унинг устиворлигига асосланган давлат бошқаруви тизими шакллантирилди. Ислохотлар жараёнида шу даврдаги мавжуд давлат бошқарув тизимидаги кўчманчи ва ўтrockлик хусусиятига эга бўлган давлатчилик бошқаруви анъаналарининг қайтадан ташкил этилиши, бунда ўтrock ва кўчманчи халқларнинг диний, миллий, минтақавий, этник кадриятлари асос қилиб олинган бўлсада, пировард натижада маҳаллий ўтrock маданиятга эга халқларнинг миллий давлатчилик анъаналари асосий ўринга кўтарилди.

Бошқарув икки идорадан - даргоҳ ва вазирлик - девондан иборат бўлган. Даргоҳни олий ҳукмдор бошқарган. Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг девонлари, маҳаллий ҳокимият идоралари билан боғланиб туриш ишларини олий девон юритган.

Олий девон - ижроия ҳокимиятида бош вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазири турган. Сарҳадлар ва тобе мамлакатлар бошқаруви билан шуғулланувчи яна уч вазир фаолият кўрсатиб, девонбегига ҳисобот бериб турган.

Марказий ҳокимият тизимида шайхулисом, қозикалон, қозийи аҳдос (урф-одатлар бўйича ҳукм чиқарувчи қози, қозийи аскар, садри аъзам (вақф ерлари, мулклари мутасаддиси), додҳоҳ (фуқароларнинг шикоятларини кўрувчи), эшикоғаси, сарой вазири, ясовул ва бошқалар бўлган.

Амир Темурнинг давлат бошқарув тизими бутун ҳудудда ягона марказлашган сиёсий тартиб асосига қурилган эди. Давлат ўз таркибий тузилишига кўра ҳарбий-сиёсий тартибларга асосланган эди. Амир Темур ўзига қадар мавжуд бўлган давлатчиликнинг саккизта асосига амал қилади.⁵

1. Давлатнинг сиёсий жихатдан мустақил бўлиши;
2. Давлат ва жамият сиёсий яхлитлигининг бузилмаслиги;
3. Давлат ва жамиятнинг муайян қонунлар, тартиблар, мафкура асосида бошқарилиши;
4. Бошқарув тизимини мувофиқлаштириб турувчи қонун ва қоидалар ишлаб чиқилишининг шаклланган бўлиши;
5. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар аҳволининг давлат эътиборида бўлиши;
6. Фан ва маданият равнақи тўғрисида доимий қайғуриш;
7. Ҳар бир давр шарт-шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараққиёти масалаларининг ташқи дунёдаги мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда олиб бориши;
8. Давлат тепасидаги кучлар ўтмиш, замон ва келажакни теран тафаккур, мустаҳкам иймон, ғоят юксак маънавият ва миллатпарварлик ила англамоғи;
9. Амир Темур давлатчиликнинг бу асосларига тўққизинчисини, яъни жамиятнинг ривож ва барча ижтимоий табақалар манфаатларининг таъминланишини қўшди.

Амир Темур давлат бошқарувини амалга оширсада, бироқ ўша давр давлатчилик анъаналарига асосан давлатнинг расмий ҳукмдорлари Чингизхон хонадонига мансуб Суюрғатмиш (13270-1388 йиллар) ва унинг ўғли Махмудхон (1388-1402 йиллар) ҳисобланар эди. Расмий ҳужжатлар шу хонларнинг номидан битилиб, тангаларда ҳам шу хонларнинг номи акс эттирилсада, аслида амир даражасида бўлган Амир Темур томонидан давлат бошқарувининг барча соҳалари тўлалигича амалга оширилган.

Мамлакатнинг асосий марказий бошқарув даргоҳ ва девон томонидан бошқарилиб, унда етти нафар вазир фаолият юритган, девонда тўрт вазир марказий ҳокимият ишларини амалга оширса, қолган уч нафар вазирлар вилоятлар бошқаруви назорати билан боғлиқ вазибаларни амалга оширганлар. Булар қуйидагилардир:

1. **Мамлакат ва раият вазири** - мамлакатдаги умумий ҳолатни бошқарган ва назорат қилган.
2. Сипоҳ вазири (**ҳарбий вазир**) - **ҳарбий соҳа учун жавобгар.**
3. Мулкчилик ва солиқ ишлари вазири - **закот ва бож, солиқлар ишларини бошқарган ва назорат қилган.**
4. Салтанат ишларини юритувчи вазир (**сарой вазири**) - **салтанат идораларининг қирим-чиқимлари, хазинадан қилинадиган сарф-харажатлар, давлат молиявий тизимининг назоратчиси.**
5. Сарҳадлар вазири - **бу вазирлар уч нафар бўлиб тобе мамлакатлар билан боғлиқ молиявий ва даромад ишларини бошқарганлар.**⁶

Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг энг чуқур билимдони Б.Аҳмедовнинг таъкидлашича, ҳар бир етти нафар вазирининг ўзига белгиланган алоҳида вазибалари мавжуд бўлган ва улар қатъий равишда ўз зиммаларидаги вазибаларни адо этганлар ва улар қуйидаги тартибда бўлган:⁷

- **Биринчи, вазири аъзам (бош вазир) – салтанатнинг муҳим ишлари билан шуғулланган.**

⁵ Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 133-б.

⁶ 35-жадвалга қаранг.

⁷ Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. Т., “Ўзбекистон”, 1996. 13-14 бб.

- **Иккинчи, сипоҳ вазири – мамлакатнинг ҳарбий масалалари билан шуғулланган.**
- **Учинчи, (мулкчилик ва солиқ ишлари вазири) - давлат ер-мулклари, бож, закот ишлари билан шуғулланган.**
- **Тўртинчи, (сарой вазири) - салтанат кириш чиқимлари, хазина харажатлари билан шуғулланган.**
- **Бешинчи, адлия вазири бўлиб, бу вазир девони куззот (қозилар девони) га раҳбарлик қилган.**
- **Олтинчи, девони мушриф – мансабдорлар фаолиятини назорат қилиш ишлари.**
- **Еттинчи, ташқи ишлар вазири (девони расоил) – мамлакатлараро савдо ва элчилик муносабатларини бошқарган.**

Айни вақтда Амир Темур томонидан туркий давлатчилик бошқарувининг асосий хусусиятларидан бири бўлган қурултойларнинг фаолияти жонлантирилди. Қурултойда мамлакатнинг тақдири билан боғлиқ масалалар муҳокама этилган ва у Миллат мажлиси вазифасини бажарган.

Маъмурий жиҳатдан мамлакат **улуслар, вилоятлар** ва **туманларга** бўлиб бошқарилган. Мамлакат тўрт улусга бўлинган ва ҳар бир улус ва вилоятлар Амир Темурнинг ўғиллари ва набиралари томонидан идора этилган. Айни вақтда давлат ерларининг бир қисми суюрғол тарзида ҳам шахзодаларга ва йирик амалдорларга бўлиб берилган. Гарчи суюрғол тарзида берилган ернинг соҳиби Амир Темурга садоқат билан хизмат этиб келган ва маълум бир ҳудуд ёки мулкнинг марказий ҳокимиятга сўзсиз бўйсунганини таъминласада, кейинчалик темурийларнинг ҳукмронлиги вақтида юзага келган сиёсий тарқоқликнинг иқтисодий ва сиёсий асосларидан бирига айланиб қолган эди, яъни вилоятлар ҳокимлари билан бир қаторда баъзи суюрғол мулк эгалари ҳам ўзларини мустақил деб эълон қилишга ҳаракат қилган эдилар.

Маъмурий тизим асосан маълум ҳудудий бирликнинг етказиб бера оладиган қўшинлари сони билан белгиланган, ўн минг қўшин билан таъминлаш имконига эга ҳудуд **туман** (мўғулча – ўн минг) деб юритилган. Ўз навбатида мингликлар – **ҳазорани**, юзликлар – **сада**, ўнликлар - **дахаларни** ташкил этган.⁸

Ҳар бир вилоятнинг ўз ҳокимлари бўлиш билан бирга, молия девони, қози, муфтий, мухтасиб ва мутаваллилари ҳам фаолият кўрсатган. Улар бир вақтнинг ўзида маҳаллий ҳокимиятга ва Олий девонга бўйсунган, бу эса маҳаллий маъмурий бошқарувнинг мукаммал даражада ташкил этилганлигини кўрсатади.⁹

Маҳаллий бошқарувда шунингдек, маҳалла оқсоқолларининг ўрни ҳам сезиларли даражада бўлган ва оқсоқоллар маҳаллий аҳоли орасидан тайинланган.

Амир Темур ва темурийлар даврида давлат ва бошқарув масалалари, давлат ва маҳаллий ҳокимият вакилларининг барчаси ягона марказга бўйсундирилган. Давлат бошқарув тизими мукаммал давлатчилик тизими бўлиб, у давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилган эди.

Ўзбек халқи давлатчилиги тарихида Амир Темурнинг хизмати шундаки, у давлатчиликнинг бошқарув тизими, ички ва ташқи сиёсатининг тартиб-қоидалари, ҳукукий асосларини янги тарихий шароитда такомиллаштирди.

Мамлакатни бошқаришда энг аввало ўз яқинларига суянган Амир Темур давлат бошқарув ишларида ислом қонун-қоидаларига ҳам амал қилди.

⁸ Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. 108-б.

⁹ 36-жадвалга қаранг.

Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, энг аввало узоқ йиллар давом этган мўғуллар ҳукмронлигининг асоратлари – сиёсий тарқоқлик, бошқарувдаги ўзбошимчаликлар, мамлакат ички ҳаётида фуқаролар устидан ҳукмронлик қилувчи беклар ва амирларнинг зулмкорлик сиёсатига барҳам берди.

Соҳибқирон Амир Темур давлатининг маъмурий тизими ўша даврдаги миллий давлатчилик, форс, араб ва мўғул ва ўша давр давлатчилигининг энг мақбул сифатларини ўзида мужассамлаштирди. Унда урф одатлар, турли миллий қадриятлар тараққиётига йўл очиш, инсон фаровонлигини таъминлаш асосий мақсад этиб олинган эди. Соҳибқирон Амир Темур давлатининг маъмурий тизими давр учун хос бўлган янгича анъаналарни ўзида мужассам этсада, давлатнинг барча соҳаларида туркий давлатчилик анъаналари устунлик қилди.

Соҳибқирон Амир Темур ўрта аср туркий давлатчилик анъаналарини бошқарувга асос қилиб олиб, уларни янгича асосда ривожлантирди.

Амир Темурнинг давлат бошқарув асослари ўша давр тарихий шароитидаги энг афзал бошқарув асосларини ўзида акс эттирган бўлиб, ўзга давлатларнинг давлат бошқарув ишлари учун ҳам ўзига хос тарзда андоза сифатида таъсир ўтказди. Давлатнинг бошқарув асослари ўз даври имкониятларидан бирмунча ўзиб кетган бўлиб, фуқароларнинг миллий, ирқий, диний ва тараққиёти даражасидан қатъий назар мамлакат ободлиги ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилган.

Амир Темурнинг давлатчилик таълимотида тарихий давлатчилик тафаккури, ўз даврининг муҳим ижодий қонунчилиги ва таълимотлари уйғунлашиб, ўша давр учун янгича мукаммал давлатчилик асослари яратилган ва амалга оширилган.

Президентимиз И.А.Каримов Амир Темурнинг давлатчилик тажрибасига юксак берар экан: - “Буюк стратег, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислохотчиси, савдо-сотиқ, хунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган Амир Темур “Қонунлар ва урф-одатларга асосланган давлатни барпо этди”¹⁰, - дея таъкидлаб, унинг давлатчилик соҳасидаги фаолиятига “...Истилочиларга қақшатқич зарба бериб, Туркистон заминида илк бор истиқлол байроғини баланд кўтарди.

Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли салтанат тузди”, - деб баҳо берган эди.¹¹

Амир Темурнинг давлат бошқарув қоидалари инсонийлик пойдевори устида қарор топганлиги учун ҳам бу қадриятлар ўзбек халқининг бугунги давлатчилик анъаналарига ҳам мос келади.

2 режа

Амир Темур давлатининг ички ва ташқи сиёсатидаги энг асосий таянчи ҳарбий қўшинлар эди. Ҳарбий қўшинларнинг энг асосий вазифаларидан бири эса мамлакат тинчлиги ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат эди.

Амир Темур ҳокимият тепасига келган дастлабки вақтлариданоқ кучли ҳарбий қўшин тузиш ҳаракатида тушади, бунинг асосий сабаби дастлабки вақтларда Мовароуннахрнинг теварак атрофида жойлашган мўғул хонлари ва амирларига қарши кураш олиб бориш бўлса, кейинги вақтларда кучли давлат тузиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш эди, бу масалалар эса ўз навбатида давлатнинг кучли қўшинга эга бўлишини тақозо этарди.

Амир Темур ҳарбий ислохотларга катта эътибор бериб, энг аввало қўшин бош қара олиш қобилятига эга бўлган кишиларни танлаб олиш ва уларни тарбиялаб бориш, қатъий

¹⁰ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.Шарқ, 1998.

¹¹ Каримов И.А. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барқарордир. Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзланган нутқ. “Амир Темур ҳақида сўз” китоби. Т., “Ўзбекистон”, 1996. 26-б.

ҳарбий интизомга риоя этувчи кучли қўшин тузиш, қўшинни қуроллантириш борасида иш олиб борди.

Амир Темурнинг ҳарбий ислохотлари асосида тузилган қўшиннинг асосини ўн нафар жангчидан иборат бўлинма ташкил қилган. Бу бўлинма **“айл”** деб юритилган. Ўз навбатида ўн нафар **“айл”** бирикиб, юз кишилиқ қўшинни **“хўшун”**ни ташкил этган. Ўн нафар **«хўшун»** эса минг кишилиқ қўшин **“хазора”**ни ташкил этган, ўн нафар **“хазора”** бирикиб, **“туман”**, яъни ўн минг кишилиқ қўшинни ташкил этган, **“туман”** **лашкар** деб ҳам юритилган.

Мазкур қўшинлар алоҳида тартибда махсус ҳарбий қўмондонлар томонидан бошқарилган, ҳарбий қўмондонлик аксарият ҳолларда насл-насабига қараб эмас, балки ҳарбий соҳадаги малакаларига қараб белгиланган. Ўн кишилиқ бўлинма **“айлбоши”** томонидан, юз кишилиқ бўлинма **“хўшунбоши”** томонидан, минг кишилиқ қўшин **“мирихазора”** томонидан, ўн минг кишилиқ лашкар эса **“туманбоши”** ёки **“туманоғаси”** томонидан бошқарилган ва жангга бошлаб кирилган. Ҳар бир аскар ва ҳар бир қўмондон давлат томонидан махсус маош – **улуфа** билан таъминлаб борилган. Айни вақтда жангларда ўзини кўрсата олган ва мардлик намоён қилган аскарлар ва лашкарбошилар махсус мукофотлар ва инъомлар билан тақдирланган. Агар бирон-бир лашкарбоши душман қўшинини мағлуб этса ва бирон-бир ҳудудни қўлга киритса, у махсус туғ, ноқора, баҳодирлик мартабаси ва энг асосийси ҳарбий масалалардаги давлат кенгашларига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган.

Амир Темур қўшинларини бошқарган қўшин бошлиқлари – амирлар асосан унга содиқ бўлган ўн икки уруғ (қабила) – барлос, арғин, жалойир, тулкичи, дўлдой, мўғул, сулдуз, тўғой, кипчок, арлот, татар ва тархонлардан танлаб олинган бўлиб, бутун ҳарбий фаолияти давомида Амир Темур 313 нафар кишига амирлик рутбасини берган эди. Мазкур 313 нафар амирларнинг бири **амир ул-умаро**, тўрт нафари **беклар беги**, қолганлари **мингбоши** ва **юзбоши** мартабасида бўлишган. Булардан ташқари ўн икки киши биринчидан ўн иккинчи даражагача бўлган амирлар саналиб, уларнинг ҳар бирига биттадан байроқ ва ноқора, амир ул-умарога ҳам байроқ ва ноқора, ўн минг кишилиқ қўшин, туғ, тўрт нафар бекларбегининг ҳар бирига ҳам байроқ, ноқора, чодир ва карнай берилиб, бу нарсалар амирларнинг мартабаларини ва қўшиндаги макеларини белгилаб берган.

Бундай ўзига хос рамзлар айни вақтда қўшин ёки айрим алоҳида бўлинмаларнинг умумий қўшиндаги мавқеи, ўрни ва даражасини ҳамда унинг ким томонидан бошқарилаётганлигини ҳам англатиб турган.

Катта қизил байроқ қўшин бошлиғи, яъни амир ал-умаро ёки бекларбеги учун хос бўлса, от ёли боғланган узун туғ туман оғаси (ўн минг кишилиқ қўшин қўмондони)нинг, икки томонига кокиллар (ёки шокилалар) осилган икки ноқора юзбоши учун хос бўлган ҳарбий рамзлар ёки белгилар ҳисобланар эди. Отлиқ жангчилар бўлинмаларини бошқариш учун махсус ажратилган отлиқлар от эгарларининг икки томонига икки табл довул (ноғора) осилиб, жанг пайтларида отлиқ аскарларнинг жанг ҳаракатларини тартибга солиш ва бошқариш учун турли мусиқа усулларида чалиб борилган.

Қўшин тузилишига кўра бир неча қисмдан иборат бўлиб, асосий бўлинмани бир неча туманларни ўз ичига олган **“манглай”**, яъни асосий авангард қисмлар ташкил қилган. Манглай билан қўшиннинг асосий қисмлари оралиғида эса қўмондоннинг қароргоҳи ва унинг теварак **“заҳира”** қисмлар жойлашган бўлиб, у **«изофа»** деб юритилган. Уруш вақтларида жанг оқибатининг қандай тугаши бевосита изофа қисмларига боғлиқ бўлган. Қўшинининг энг асосий жанговор қисми марказ, ўнг ва сўл қанотлардан иборат бўлган. Унинг ўнг қаноти **«буронғор»**, сўл қаноти эса **«жавонғор»** деб юритилган. Буронғор ва жавонғорнинг олдида Яна биттадан кичик бўлинмалар-қўриқчи бўлинмалар ҳаракатланган ва улар **“канбул”** деб юритилган. Қўшин ҳаракатланаётган вақтда эса асосий қўшиндан олдин кузатув ишларини олиб боровчи энг тажрибали аскарлардан иборат **“хабаргирлар”** (ҳарбий қўшин разведкаси) ҳаракатланган.

Шунингдек қўшиннинг ўз **йўл бошловчилари** ҳам бўлиб, улар ҳам ҳарбий бўлинма ҳисобида бўлган. Бу бўлинманинг ортидан яна бир кичик бўлинма **“ясовул”** лар ҳаракат қилган.

Шу тариқа мураккаб тузилишга эга бўлган қўшин етти қисмдан иборат бўлиб, марказ-манглай, бурунғор-ўнг қанот, жавонғор-сўл қанот мустақил тарзда ҳаракатланган, асосий қўшиннинг қанотларида ҳаракатланувчи икки манглай ва икки канбуллар бўлинмалари асоий қисмларга бириккан ҳолда ҳаракатланган ва уларга тобе ҳисобланган.

Ҳарбий юришлар вақтида ҳар бир жангчи ўзи билан озиқ-овқат, садоғида ўттизта ўқи билан камон, қилич, найза ва қалқон ҳамда совут олиб юриши шарт бўлган. Отлик асакар эса юкорида айтилганларга қўшимча равишда минган отидан ташқари яна битта от олиб юриши белгилаб қўйилган. Ҳар бир айл – ўн кишилик аскарый бўлинма ўзи билан чодир, қозон, кетмон, иккита белкурак, болта ва ўроқ, игна ва ип, арқон ҳамда биттадан ошланган тери олиб юриши лозим бўлган.

Ҳарбий соҳада ислоҳотларни амалга оширар экан, Амир Темур энг аввало ҳар бир аскар ва ҳар бир ҳарбий қўшин қўмондонларининг ҳарбий интизом ва ҳарбий низомга қатъий равишда бўйсунганини ва амал қилишини энг зарурий ва бирламчи вазифа этиб қўйган. Айтилган вақтда ҳарбий саркардаларнинг энг қуйи поғонадагилардан бошлаб қўшин бошлиқларигача ҳарбий санъат, жанг қилиш услублари, жанг тактикалари ва ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш малакалари, ўз қўллари остидаги оддий аскарларга нисбатан ҳар соҳада адолатли бўлишларини талаб қилган ва уларнинг мартабаларини кўтаришда ҳам шу каби хусусиятларига алоҳида эътибор берилган. Оддий аскар эса низомни қатъий бажаришга мажбур бўлиш билан бирга жанг вақтида аёвсиз ва довюрак бўлиши, омонлик истаган душманга юмшоқ муомала қилиши ва адолатли бўлиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Амир Темурнинг ҳарбий ислоҳотлари натижасида қўшин қатъий тартибга ва тизимга асосланган қудратли армияга айланди. Қўшиннинг тузилиши ҳам ўзига хос тарзда белгилаб қўйилган бўлиб, тинчлик вақтларида ҳам, уруш ҳолатларида ҳам ҳарбий интизомга ва тартибга қатъий амал қилинган.

3 режа

Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги йилларида ер эгалиги анъанавий таркибини сақлаб қолди. Аввалгидек асосий ер эгаси давлат ҳисобланиб, давлатга қарашли ерлар **“мулки девоний”** деб юритилган, шунингдек хусусий ерлар – **“мулк”**, диний муассасалар ихтиёридаги ерлар – **“вақф мулки”** ёки **“мулки вақф”** асоий ер эгалиги турлари бўлиб, қишлоқ жамоаси тасарруфидаги ерлар - **жамоа ерлари** ҳам мавжуд бўлган.

Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам давлат олдидаги хизматлари учун ерларни инъом қилиш анъанаси сақланган ва ҳатто кенгайган бўлиб, бундай ерлар **“суюрғол”** номи билан юритилган. Суюрғол ерлар суюрғол эгаларининг ҳокимиятдаги ва жамиятдаги мавқеларига қараб турлича – кичик-кичик ерлардан тортиб бир неча ўнлаб қишлоқларни ўзида бирлаштирган йирик мулкларгача бўлган. Кичик ер-мулклар асосан кичик унвонли ҳарбий зобитлар ва оддий аскарларга берилган ва улар 40 танобгача (80 жариб) бўлиб, солиқлар ва йиғимлардан озод этилган. Йирик суюрғол эгалари эса асосан ҳукмрон табақага мансуб бўлиб, уларнинг ер-мулкларга эгалиги сиёсий тусга ҳам эга бўлган. Ҳар бир суюрғол эгаси ўз тасарруфидаги мулкда марказий ҳокимиятга бўйсунган ҳолда тўла ҳукмронлик қилиш ваколатига эга эди. Кўп ҳолларда бундай мулклар мерос тариқасида ҳам қолдирилган бўлсада, давлатга қарши хатти-ҳаракатлари учун суюрғол эгаси мулкдан маҳрум қилиниши ёки мулкнинг миқдори ёки ҳудудлари қискартирилиши ҳам мумкин эди. Айтилган, темурийлар ҳукмронлиги йилларида йирик суюрғол эгалари ёки айрим ҳудудларни ўз таъсир доирасига киритган ҳокимлар ва амирларнинг марказий ҳокимиятга бўйсунмаслик ҳолатлари кузатилади. Бундай ҳолатда улар ўз мулкларидан маҳрум этилганлар, масалан 1414 йилда ҳокимиятга бўйсунмаганлиги учун Шохрух Мирзо томонидан Мирзо Искандар, 1415 йилда эса Бойқаро Мирзо ўзлари эгалик қилаётган суюрғол мулкларидан маҳрум этилган эдилар.

Амир Темур ва темурийлар даврида **тархон ёрлиғи** бериш кенг тарқалган бўлиб, одатда тархон ёрлиғи соҳиблари ўз мулкларидан тўланадиган солиқлар ва йиғимлар ҳамда бошқа турли мажбуриятлардан озод этилганлар. Тархон эгалари ҳам йирик суюрғол эгалари каби сиёсий ҳаётга жиддий таъсир ўтказиб турганлар.

XV асрда зироатчилик билан шуғулланувчи қишлоқ аҳли орасидан бир қисми имтиёзларга эга бўлган ва улар солиқларнинг оз миқдорини тўлашган. Аҳолининг жуда катта қисмини ижарачи – **чорикорлар** ва **жамоа дехқонлари** ташкил этган. Қишлоқлар **жамоа** ёки **карийа** деб юритилган. Унинг мулки бутун жамоа аҳлига қарашли бўлган.

XV асрда зироатчилар қандай ер-мулкларида яшаб, экин экишларига қараб хирож тўлаганлар. Улар асосан тўрт турга -

1. Давлат ерларида ишловчи зироаткорлар ёки музорийлар.
2. Хусусий мулк ерларида ишлайдиган зироатчилар ёки музорийлар.
3. Ўз ерларида ишловчи зироатчилар ёки музорийлар.
4. Вақф ерларида ишловчи зироатчилар ёки музорийларга бўлинган.

Темурийлар даврида солиқнинг асосий тури-хирож бўлган. Обикор дехқончилик ерларидан давлатга тўланадиган асосий солиқ “**хирож**” (моли хирож) бўлиб, бу солиқ далаларда ҳосил тўлиқ етилиб, махсус солиқчилар томонидан тўланиши лозим бўлган хирожнинг миқдори белгилаб берилгандан сўнг тўланган. Солиқ пул билан ёки маҳсулот тарзида ҳам тўланиши мумкин бўлган. Солиқ умумий ҳосилнинг 3/1 қисм миқдорида бўлган. Боғлардан танобона солиғи олинган. Шунингдек, жон солиғи, улоғ, бегар ҳам асосий солиқ турларидан ҳисобланган.

Мағлуб шаҳар аҳолисидан **сари шумор** (жизья) олинган. Мамлакатлар хавф остида қолган вақтда фавқулодда солиқ-**аворизот** йиғиб олинган.

Амир Темур ва темурийлар даврида нафақат Мовароуннаҳр, балки Шарқнинг энг йирик шаҳарлари ҳисобланган Самарқанд, Бухоро, Тошкент, шунингдек темурийлар даврида йирик иқтисодий-сиёсий ва маданий марказларга айланган Шохрухия, Термиз, Шахрисабз, Қарши ва бошқа бир қатор шаҳарлар йирик иқтисодий марказларга айланди. Бу шаҳарларда ўрта аср ҳунармандчилигининг барча турлари ривож топди ва тараққий этди.

Ҳунармандчилик соҳасида асосий ишлаб чиқарувчи ижтимоий тоифа эркин ҳунармандлар бўлган. Улар шаҳарда яшовчи савдогарлар билан бир қаторда маданий марказнинг ўрта ҳол вакиллари саналганлар. Дўкондор ва ҳунармандлардан **тамға солиғи** олинган.

Халқ кўплаб ҳашар ишлари - **бегарга** жалб этиб турилган. Шунингдек, юқорида кўрсатилган солиқлардан ташқари мулкдорлар ўз мулкларининг қирқдан бир қисми миқдорида **закот** тўлаб турган. Чегарадаги божхоналарда четдан келган савдогарлардан **бож** ундирилган, маҳаллий савдогарлар эса **тагжой солиғи** тўласалар, боғдорлар **танобона** солиғини тўлаганлар.

Асосий солиқлардан ташқари аҳоли зиммасида солиқ ишлари билан шуғулланувчи амалдорларнинг таъминоти учун йиғиладиган қўшимча солиқлар ҳам бўлиб, улар асосан солиқ (ҳосил) миқдорини белгиловчилар учун (“**соҳиби жамона**”), солиқ йиғувчилар учун (“**мухассилони**”), давлат хазинасига солиқлардан тушадиган кирим-фойдани назорат қилувчилар ва бошқарувчилар учун (“**зобитона**”), доруғалар учун (“**доруғона**”), сув ишлари билан шуғулланувчи амалдорлар ва мироблар учун (“**миробона**”) бир қатор солиқлар йиғиб борилган.

5-илова

Инсерт жадвалининг тузилиши ва уни тўлдириш қоидаси билан танишадилар.

Инсерт жадвали:

Ўзини қараёнида олинишни

Инсерт жадвали

V	+	-	?

(талабалар)нинг билимлари баҳоланади.

6-илова

Мавзуни мустахкамлаш учун саволлар

XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазият ва тарихий-сиёсий жараёнлар?

Амир Темурнинг ҳокимиятни эгаллашдаги сиёсий-ҳарбий фаолияти?

Амир Темур давлатини бошқаришда давлатчиликнинг қайси жихатларига кўпроқ эътибор қаратилган?

Давлат бошқарувида даргоҳ ва девоннинг ўрни қандай эди?

Давлат бошқарув ишларида Амир Темур қандай қонунларга асосланган?

Амир Темур давлатида ҳарбий ишлар қандай тартиб асосида ташкил этилган?

“Темур тузуклари”да аҳолининг ижтимоий қатламлари ҳақидаги маълумотлар?

Амир Темур ва темурийларда иқтисодий соҳада давлат сиёсати?

Суюрғол ва суюрғол эгаларининг иқтисодий-сиёсий соҳадаги ўрни?

Амир Темур давлатида солиқ тизими қандай тартибда амалга оширилган?

Амир Темур давлатида ҳуқуқий муносабатлар қандай қонунларга асосланган эди?

Амир Темур давлатида жиноий ишлар қай тарзда кўриб чиқилган ва қандай жазо турлари мавжуд эди?

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

9-мавзу

**XVI-XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ
ТАРИХИ**

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Машғулот вақти-2 соат</i>	Талабалар сони:60-70 гача
<i>Машғулот шакли</i>	Маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Шайбонийлар давлати марказий ва маҳаллий бошқаруви 2. Шайбонийлар давлати ҳарбий қўшин ва солиқ тизими 3. Шайбонийлар давлати ҳуқуқ тизими 4. Қўқон хонлиги давлат бошқарув тизими

5. Хива хонлиги давлат бошқарув тизими	
Ўқув машғулотининг мақсади XVI-XIX аср биринчи ярмида ўзбек давлатчилиги тарихи бўйича маълумот бериш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> 5. Шайбонийлар давлати марказий ва маҳаллий бошқаруви ҳақида маълумот бериш 6. Шайбонийлар давлати ҳарбий қўшин ва солиқ тизими ҳақида маълумот бериш 7. Шайбонийлар давлати ҳуқуқ тизими ҳақида маълумот бериш 8. Қўқон хонлиги давлат бошқарув тизими ҳақида маълумот бериш 9. Хива хонлиги давлат бошқарув тизими ҳақида маълумот бериш	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> 1. Шайбонийлар давлати марказий ва маҳаллий бошқаруви ҳақида маълумотга эга бўладилар; 2. Шайбонийлар давлати ҳарбий қўшин ва солиқ тизими ҳақида маълумотга эга бўладилар; 3. Шайбонийлар давлати ҳуқуқ тизими ҳақида маълумотга эга бўладилар; 4. Қўқон хонлиги давлат бошқарув тизими ҳақида маълумотга эга бўладилар; 5. Хива хонлиги давлат бошқарув тизими ҳақида маълумотга эга бўладилар;
<i>Таълим бериш усуллари</i>	<i>Кўргазмали маъруза, суҳбат, ФСМУ.</i>
<i>Таълим бериш шакллари</i>	<i>Оммавий, жамоавий</i>
<i>Таълим бериш воситалари</i>	<i>Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар</i>
<i>Таълим бериш шароити</i>	<i>ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория</i>
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	<i>Оғзаки назорат: савол-жавоб</i>

1.2. “XVI-XIX аср биринчи ярмида ўзбек давлатчилиги тарихи” маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>

1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Машғуллот мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. (1илова) 1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништиради. (2 илова) 1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (3-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар Тинглайдилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намоиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4 илова) 2.3. Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида ФСМУ пед технологияси ўтказилади. (5 илова) 2.4. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар берилади. (6 илова)	Тинглайдилар, ёзадилар. Топшириқлар бўйича ишлайдилар Саволларга жавоб берадилар
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, 3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади. 3.3. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади.	Саволлар берадилар. Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Мавзу: XVI-XIX аср биринчи ярмида ўзбек давлатчилиги тарихи.

Режа:

- Шайбонийлар давлати марказий ва маҳаллий бошқаруви
- Шайбонийлар давлати ҳарбий қўшин ва солиқ тизими
- Шайбонийлар давлати ҳуқуқ тизими
- Қўқон хонлиги давлат бошқарув тизими
- **Хива хонлиги давлат бошқарув тизими**

Ўқув машғулотининг мақсади: XVI-XIX аср биринчи ярмида ўзбек давлатчилиги тарихи тўғрисида маълумот бериш;

Ўқув фаолиятининг натижаси: XVI-XIX аср биринчи ярмида ўзбек давлатчилиги тарихи ҳақида маълумотга эга бўладилар.

2 илова

Адабиётлар:

- Воҳид Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар.- Т.: “Фан”, 1996.
- А.Баходирхон. “Шажараи турк”. Т. “Чўлпон” 1992.

- Аъзамова Г. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо. Т.: Ўзбекистон. 2000.

3 илова

**Ҳар бир маъруза ва амалий машғулот учун 5 дан 2 баллгача қўйилади.
Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:**

- 5 балл - «аъло»
- 4 балл - «яхши»
- 3 балл - «кониқарли»
- 2 балл - «кониқарсиз»

4-илова

1 режа

Шайбонийлар давлати ўз моҳиятига кўра йирик давлат бўлиб, олий ҳокимият чекланмага ҳуқуқларга эга бўлган давлат бошлиғи хон томонидан бошқарилган. Хонликнинг сиёсий тизимида, бошқарувида Амир Темур ва темурийлар даврида қарор топган тартиб қоидалар, хусусиятлар билан бирга кўчманчи ўзбеклар давлатига хос анъаналар ҳам мавжуд эди. Давлат бошқарувида исломий шариат ва одат қонун қоидаларига амал қилинган. Давлатни бошқаришда хон саройидаги олий даражадаги амалдорлардан ташкил топган марказий бошқарув ва вилоят ҳокимлари қўлидаги маҳаллий бошқарув асосий ўрин тутиб, улар мамлакатнинг амалдаги ҳақиқий эгалари эдилар.

Улар ёрдамида, бевосита иштирокида хон маъмурий бошқарувни амалга оширарди.

Марказий бошқарув давлатнинг ички ва ташқи ҳаётига боғлиқ барча масалаларни ҳал қиладиган даргоҳ-сарой девонида жамланган эди. Давлатнинг олий даражали амалдорлари аъзо бўлган ва одатда бош вазир томонидан бошқариладиган бу маҳкама мамлакатнинг сиёсий, молиявий, ҳарбий ташкилий ва бошқа масалаларни кўриб чиқар эди. Бу ерда қабул қилинган қарорлар хоннинг тасдиқи билан-гина кучга кирар ва ҳаётга жорий этиларди.

Кўкалдош, Оталиқ, Нақиб, вазири аъзам, вазир, девонбеги ва бошқа олий даражали сарой амалдорлари, нўён, туғбеги, кутвол, доруға, қурчибоши ва бошқа ҳарбий амалдорларнинг фикри ва ман-фаатлари ҳам қарорлар қабул қилинишида катта аҳамиятга эга эди.

Давлат бошқарувида ҳарбий-маъмурий амалдорлардан ташқари, уламолар, дин пешволари, шайхлар ва хожаларнинг, айнан Шайх ул-ислом, қози калон, Муфти каби диний мансаб эгаларининг ҳам таъсири катта бўлган. Бу даврда айниқса, Бухоро яқинидаги Жўйбор қишлоғидан чиққан хожаларнинг мавқеи жуда ошиб кетди.

Маҳаллий бошқарув вилоят ҳокимлари қўлида бўлиб, улар ҳам ўз бошқарув тизимига эга бўлган. Унга кўшинга бошчилик қиладиган, шариат қонунларининг тўғри бажарилишини назорат қиладиган, аҳолидан солиқларни йиғиб оладиган амалдорлар (раис)лар кирган. Вилоятлар ўз навбатида кичик маъмурий бирликлар: туман, қасаба ва мавзеларга бўлиниб идора қилинган.

Маҳаллий бошқарувнинг энг қуйи бўғини оқсоқол (калон тарон) томонидан бошқариладиган қишлоқ жамоалари эди.

Хонлик вилоят (улус)га бўлиб бошқарилган. Манбаларда Самарқанд, Қарши, Шахрисабз, Хисор, Балх, Термиз, Кармана, Қорақўл, Миёнқол, Шош, Туркистон, Фарғона, Ўра-тепа, Марв каби вилоятлардан ташкил топганлиги кўрсатилган. Вилоят ҳокимлари хон томонидан тайинланган. Одатда бундай юксак мавқега хоннинг яқин ва ишончли кишилари, қариндошлари, йирик қабила бошлиқлари, ҳар-бий юришларда ўзини кўрсатган ўзбек султонлари муяссар бўлган. Хонликни чегаралари доимий бўлмай тез-тез ўзгариб, кенгайиб ёки қисқариб турган.

2 режа

Мамлакат сиёсий ҳаётида, давлат бошқарувида йирик саркар-далар, қўшин бошлиқларининг ўрни катта эди. Ички ва ташқи хавфни бартараф этишда, янги ерларни босиб олиш учун қилинадиган истилочилик юришларида қўшинларнинг сони, ҳарбий тайёргарлиги, қўшин бошлиқларининг қўмондонлик маҳорати катта аҳамият касб этарди.

Шайбонийлар қўшини асосан отлик ва пиёда аскарлардан таш-кил топган. қўшин уришда ўқ-ёй, узун, найза, қилич, гурзи, узун дас-тали жанг болтаси (табарзин), чангак каби асосий хужум қуроллари-дан фойдаланган. Абдуллаҳон II даврида қўшин Хориждан келтирилган пилта милтиқлардан қуроллантирилган. Шайбонийлар қўшнида навкарлар ҳимоя учун қалқон (сипар)дан фойдаланганлар, ҳамда темир симдан майда қилиб тўқилиб, усти ипак ва баҳмал мато билан ёпилган совут-жовшан (форсча бахтар) ёки жиба (жева) – темир ёки пўлатдан ишланган махсус кийим кийиб жанг қилганлар. Абдуллаҳон II даврида Европадан келтирилган жовшан (совут) ҳам бўлган. Урушда яроқ ва ўқ ўтмаслиги учун отлар устига махсус ёпинчиқ гежм (кежим) ёпишган.

Қўшин таркибида Нафтандозлар, манжалиқчилар ва тош отув-чилар ҳам бўлиб, улар шаҳар ва мудофаа қўрғонларини эгаллашда катта ўрин тутган. XVI асрнинг 2-ярмидан бошлаб Абдуллаҳон II қў-шинида чет эллардан келтирилган кичик замбараклар пайдор бўлади.

Қўшин таркиби, унинг жанговор сафланиши, жанг қилиш тартиби, Чингизхон ва Амир Темур қўшинлари ҳарбий тузилиши, уриш тактикасига асосланган бўлиб, унга Шайбонийхон даврида кўчманчи ўзбекларга хос бўлган бир қанча янги жанг усуллари киритилди. (Турлама).

Шайбонийлар қўшини асосан, қалб (кавл) деб аталувчи марказий қисм, баронғор (ўнг қанот) ва жавонғор (сўл қанот) қисмларидан ҳамда хировул (қўшиннинг орқа қисми)дан ташкил топган. Уларга хоннинг ўзи ва тажрибали ўзбек саркардалари бошчилик қилган.

Қўшиннинг қанотларига бошчилик қилган саркарда ўғлон деб юритилган.

Қўшини олдида манглай (авангард) деб аталувчи ҳарбий қисм ярим доира шаклида саф тортиб борган. Унинг олдида эса тез ҳаракатланувчи кичик жанговор қисм - илғор бўлган. Шайбонийлар қўшинида умумий қисм олдида борувчи «қоравул» деб аталган махсус қисм, қўшинининг ўнг ва сўл қисмлари олдида борувчи "кичик" ғўл деб юритилган бўлинмалар ва ортидан борувчи махсус ёрдамчи бўлинма-чаноҳ бўлган.

қўшин таркибида туғчи қисм, яъни байроқ остида эҳтиётда турувчи (туғни қўриқловчи) 20-30 минг кишилиқ жанговор ҳарбий бўлинма ҳамда забонгилари – яъни душман томонидан яшириш равишда “тил” тутиб келувчи махсус бўлинма ва хабарчи-душман тўғрисида умумий маълумот келтирувчи бўлинмалар ҳам бўлган.

Ҳарбий юришлар пайтида хон учун расмий қабул маросимлари ўтказиладиган махсус жой-баргоҳ ҳозирлашган.

Қўшинда сараланган ўзбек навкарларидан тузилган хоннинг қўриқчилари ҳам катта роль ўйнаган.

Шайбонийлар қўшини ҳам Чингизхон ва Амир Темур қўшинларидек 10 минглик корпуслар – туманларга бўлинган. Унга Нуён деб аталувчи ҳарбий саркарда бошчилик қилган. Туманлар ўз навбатида минглик, юзлик, ўнликларга бўлинган.

Қўшинни жангга ҳозирлаш, уларнинг маошини тўлаш ва бошқа ташкилий ишлар билан махсус амалдор – тавочи шуғулланган. Қўшинни қурол-яроғ билан таъминлашга маъсул бўлган амалдорлар –жевачи бўлиб, у хоннинг қурол-аслаҳаларига ҳам жавобгар бўлган.

Ҳарбий амалдорлар ва навкарларга хазинадан бериладиган йиллик маошдан ташқари ҳарбий юришлар пайтида қўлган киритила-диган ўлжадан ҳам бериб турилган.

Шайбонийлар даврида 40 дан ортиқ турли солиқ ва жарималар мавжуд бўлган. Солиқ тўловчи аҳоли фуқаро (райат) деб юритилган ва улардан солиқлардан ташқари жарималар ҳам ундириб олинган.

Ердан олинадиган асосий солиқ хирож бўлиб, у ишлаб чиқарил-ган маҳсулотнинг 5/1 миқдорида пул ёки маҳсулот билан олинган.

Закот солиғи савдогарлар ва чорвадорлардан олиниб, унинг ҳажми 40/1 миқорида бўлган.

Шаҳар аҳолиси ҳунармандлар ва дўкондорлар махсус солиқ – тамға тўлаганлар. Йирик бойлар ва сўдхўрларга тегишли савдо раста-сида дўконларни маълум ҳақ эвазига ижарага олиб, ўз маҳсулотлари-ни сотганлиги учун тахти жой (тагжой) деб аталувчи солиқ тўланган.

Бошқа динган мансуб савдогарлар ўз маҳсулотларининг 5/1 қисмини жузья солиғи тарзида тўлаганлар.

Бу даврда яна ихрожат, тоғар, улуфа-кўналға, бегар, мадади лашкар, бож, тансуқот, тухфа ва бошқа солиқлар мавжуд бўлиб, улар-нинг кўпчилиги бутун ўрта асрлар даврига хос эди. Райат солиқларни тўлашдан ташқари турли ишларга мудофаа иншоотларини, суғориш тармоқларини тиклаш кабиларга мажбуран жалб этилган.

3 режа

Хонликда жинойтни аниқловчи ва жазо берувчи асосий маҳкама исломий шариат қонун-қоидаларига асосланиб тутувчилар қозилик идоралари эди. Давлатдаги Олий судья қози калон бўлиб, вилоят-лардаги жинойтларни жазолаш вилоят қозилари қўлида эди. Олий жазо- ўлим ҳукмини фақат хоннинг махсус фармони билан амалга оширганлар. Айбдорни аниқлашда шариат қонунларига асосан икки киши гувоҳилиги етарли бўлган. Вилоятларда, туманларда жинойт ишларини вилоят ҳокими назоратида маҳаллий қозилар олиб борган. Жинойтчиларга гуноҳига қараб ўлим жазоси, маълум муддатга (кўп-чилик ҳолларда умрбод) зиндонга ташлаш, тан жазоси бериш (дарра уриш, бармоқларини кесиб ташлаш), сазой қилиш, қозикқа ўтказиш каби жазо чоралари ҳам қўлланилган. Айбдорларга жазо бериш кўпинча бозор олдида махсус майдонда – аҳоли кўз ўнгида амалга оширилган.

ҳарбийлар содир этган жинойтлар ва жазо турлари махсус ҳар-бий судьялар қози аскар ва муфти аскар томонидан кўриб чиқилган.

Мол-мулк билан боғлиқ жинойтлар, ўғирлик шариат қонунлари-га риоя қилмаслик учун бериладиган жазолар тури кўпинча амал-дорларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлиб маълум жинойтлар учун аниқ жазо олдиндан белгилаб қўйилмаган.

Бу даврга оид ҳужжатларда (Жуйбор шайхлари архиви, Самарқанд қозилик идораси ҳужжатлари) фуқаролик ишлари, ҳуқуқий маъмурий жинойтлар, тартиббузарликлар ва уларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Масалан: Бухородаги Катта Ғозиён ва кичик Ғозиён мадрасасига тегишли ҳужжатларда (1535) мадрасада ўқиш ва ҳужрада яшаш тартиб-қоидаларини бузган талабаларга қуйидаги жазо чораларини кўрилиши қайд этилган. Агар талаба дарсларга бир ой сабабсиз катнашмаса уни ҳужрадан маҳрум қилишган, агар талаба дангасалиги туфайли дарсларни яхши ўзлаштира олмаса ёки бир босқичдан иккинчи босқичга ўта олмаса унга нафақа тўлаш бекор қилиниб, ҳужара тортиб олинган.

Рузбехон Исфохонийнинг "Меҳмонномаи Бухоро", "Сулук ал-мулук" «Подшоларнинг хулқ атворлари» асари (15 бобдан иборат).

Саволларга жавоб тариқасида ёзилган бўлиб, давлат ишларида, мусулмонлар билан ўзаро муносабатларда, доруғалар тайёрлашда, хирож, ушр, жузья каби солиқларни йиғиб олишда нималарга асосла-ниш лозимлиги ва Шайбонийхонлар давлати ҳақидаги маълумотлар ёритиб берилган.

4 режа

Қўқон хонлигида давлат бошқаруви тизими Моворауннаҳрдаги ўрта асрлардаги давлатлар бошқарув тизимига жуда ўхшаш бўлган.

Хонликда мутлақ ҳуқуқларга эга бўлган ва қадимги одатларга кўра, сайланиб қўйиладиган хон чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлиб, у ҳарбий-маъмурий, диний амалдорлар ёрдамида давлатни бошқарган. Дастлабки ҳукмдорлар «бий» унвони билан ҳокимиятни бошқарган, Олимхон давридан (1805) эса «хон» унвони билан юритила бошлаган.

Хон саройида муҳим ишларни кўриб чиқадиган Кенгаш тузилган бўлиб, унга “мингбоши” бошчилик қилган. Аъзолари дастурхончи, рисолачи ва яна баъзи муҳим амалдорлар бўлган. Давлатни бошқаришда бу Кенгашнинг ҳам ўрни катта эди. Сарой амалдорлари ичида минг боши (бош вазир) ва амири лашкар (ҳарбий вазир), қуш-беги – хон маслаҳатчи ёки вилоят ҳокими, парвоначи (хон маслаҳатчиси), шиғовул, ҳудойчи хоннинг ёрдамчиси, тунқатор, хон ётоғи посбони, тундан топшириқларни бажарувчи, ноиб (сарбозлар бошли-ғи) оталиқ, додхоҳ, меҳтар боши, дастурхончи, тўқсоба, девонбеги, мирзабоши, саркор ва бошқа муҳим амалдорлар ҳисобланганлар. Улар ўз хизматлари эвазига маош ва тегишли ер мулклари олишган.

Мансаблардан амирлашкар ва мингбошиликка бир киши тайинланган.

Булардан ташқари шариат, суд ишларига оид мансабдор муддарис, Шайх ул ислом (раис), Олий суд- қозиул кузот, қози-калон бош қози, катта қози, қози аскар, махсус қози, аълам (ҳуқуқий-маслаҳатчилар бошлиғи), муфти ва бошқа мансабдорлар бўлган. Бу мансабларни ишга тайинлаш ва фаолияти устидан назорат қилувчи мансабдор шахс “шиғовул” деб аталган.

Қўқон хонлигидаги барча мансаблар уч тоифага олий, ўрта ва паст даражаларга ажратилган.

Қўқон хонлигининг асосий ҳудудини Фарғона водийси, Тош-кент вилояти, Хўжанд, Ўратепа, Жанубий Қозоғистон ва ҳозирги Қирғизистон Республикалари ташкил қилган. Хонлик маъмурий жиҳатдан бекликларга бўлиниб бошқарилган. Уларнинг кўпчилиги турли даврларда хонлик таркибига кириб чиқиб турган. Асосий бекликлар сифатида Наманган, Марғилон, Андижон, Тўрақўрғон, Ўш, Ўратепа, Хўжанд, Тошкент, Туркистон, Чимкент ва бошқалар бўлган.

Бекликлар хон томонидан тайинланадиган ҳоким – қушбеги томонидан бошқариладиган, кичик маъмурий бирликлар амин ва оқсоқоликларга бўлинган.

5 режа

Хива хонлиги хон томонидан сарой амалдорлари ёрдамида бошқариладиган, яқка ҳокимликка асосланган давлат бўлиб, хонликдаги энг юқори унвон хон бўлиб, у сиёсий, ҳарбий ва диний ҳокимиятга эга эди. Хон ва бошқа амалдорларнинг мансаби бу хонликда мерос тариқасида авлоддан авлодга ўтган.

Хон давлатни бошқаришда ҳарбий маъмурий, ҳарбий ва диний амалдорларга таянган, хонликдаги мансаб ва унвонлар 3 тоифага бўлинган.

Хондан кейинги энг катта нуфузга инок, оталиқ ва бийлар унвонларга эга бўлган. Улар хоннинг энг яқин маслаҳатчилари бўлиб, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, молиявий, ҳарбий, ҳаётини назорат қилган.

Инок – вазирлик, хондан кейинги биринчи мансабдор бўлган. Давлат ҳокимиятининг марказлашуви ва кучайиши натижасида XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб иноқларнинг аҳамияти пасайиб, қушбегининг таъсири орта боради. Қушбеги асосан, хоннинг барча ёрлик ва фармонлари учун жавобгар, ўтроқ аҳолига бошчилик қилиш, солиқларни давлат хазинасига тушиб туриши устидан назорат олиб борган.

Меҳтар эса хонликнинг молия ишлари ҳамда унинг Шимол-даги ўтроқ аҳолисини бошқаришга раҳбарлик қилган.

Хонликнинг сиёсий иқтисодий ҳаётида улардан ташқари накиб, амир-ул-умаро, меҳтар, кушбеги, бекларбеги, девонбеги, парвоначи, дастурхончи, эшик оғаси, шотир, ясаулбоши, удайчи, мингбоши, мироббоши ва бошқа мансабдорлар ҳам муҳим ўрин тутган. Диний ҳокимият Шайхулислом бошлиқ дин пешволари қўлида бўлган. Маҳал-лий шайхлар Саид ота Шайх авлодлари, Дарвиш шайхлари давлатдаги нуфузли диний амалдорлар сирасига кирар, барча диний мансаблар уларнинг вакилларига берилар эди.

Барча фармонлар, давлат ишлари, ҳужжатлар ўзбек тилида ёзиларди. Дастлаб хонлик маъмурий жиҳатдан вилоятларга бўлинган бўлса, кейинчалик (XVIII асрнинг бошлари XIX асрнинг бошларидан) давлатдаги асосий маъмурий бирлик бекликлар деб юритила бошлади.

Бу даврда хонлик 16 та беклик ва 2 та ноибликдан иборат бўлган. Улар Хозарасп, Гурлан, Хонқа, Кўҳна Урганч, қўшқўприк, Гитрак, Ғазовот, Қиёт, Шоббоз, Шовот, Тошҳовуз, Амбарманақ, Урганч, Хўжайли, Шуманай ва қўнғирот бекликлари ҳамда Бешариқ, Қиёт- Қўнғирот –ноибликларидан иборат бўлган.

Бу беклик ва ноибликларни хон томонидан тайинладиган беклар ва ноиблар бошқарган. Хива шаҳри эса хон ва бош вазир (иноқ) томонидан бошқарилган.

Иноқлар таъсири кучайган даврда улардан 5 киши аъзо бўлган. Хон Кенгаши ҳам бўлиб, у маслаҳат органи ҳисобланган.

Хонликнинг ўтроқ аҳоли қавмлар бир масжидга бирлашган бир гуруҳ аҳоли бўлиб, унинг бошида сайланиб қўйилувчи оқсоқол турган. қавмлар энг бошлинғич солиқ ва маъмурий бирлик бўлган. Хонликдаги шаҳарларни идора қилиш ҳокимлар ва уларнинг ёрдам-чилари юзбоши ва оқсоқолларга топширилган.

Хонлик таркибига кирган қозоқ ва қорақалпоқ аҳолисини бийлар, туркманларда эса вакил ва бек бошқарган. Бир неча авлодга бирлашга уруғларни бийлар бошқарган у оталиқга, улар эса беклар бегига бўйсунган.

Хонликда асосий судлов ишларини қозилик идоралари томони-дан амалга оширилган. қонун чиқарувчи, ижро этувчи, олий шахс хон бўлиб, оғир жиноятларни ўзи кўриб ҳал қилган. Ундан кейинги ўринда Бош судья – қозикалон турган. Хонликдаги барча вилоят, туман касаба, шаҳарларда хон томонидан тайинланган қозилар бўлиб, улар ўз ёрдамчилари – муфтилар ёрдамида мулкчилик билан боғлиқ можораларни ҳал қилиш, майда жиноятларни очиш ва шу каби ишлар билан шуғулланган. Вилоятлардаги жиноятларни кўриб чиқишда маҳаллий ҳокимнинг иштирок этиш ҳукуқи бор эди. қишлоқлардаги майда можароларни қишлоқ оқсоқоллари томонидан ҳал қилинади.

Айбдорларга нисбатан ўлим жазоси, тана аъзоларини (бармоқ, қўлини) кесиш, қалтаклаш, мол-мулкни мусодара қилиш, жарима солиш ва бошқа жазо чоралари тайинланарди.

Хонлик ҳаётида Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) томонидан ўтказилган сиёсий, иқтисодий, маъмурий ислохотларининг аҳамияти катта. Ислохотларга кўра хон саройи қошида доимий фаолият кўрсатувчи Кенгаш таъсис этилган, солиқлар тартибга солинади. Уларнинг мунтазам равишда йиғилиши туфайли хазина даромадлари ошиб боради.

Божхона ташкил этилиб, ташқи савдодан келадиган даромадлар кўпайтирилган. Ички муомала учун олтин ва қумуш тангалар зарб этилган. Оролликлар- қорақалпоқлар Хива таркибига қўшилган.

Қўқон хонлиги давлат бошқарув тизими **мавзуси бўйича****ФСМУ технологияси****(Ф)** – Фикрингизни баён этинг.**(С)** – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.**(М)** – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.**(У)** – Фикрингизни умумлаштиринг.

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қайражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Ф	Фикрингизни баён этинг.
С	Фикрингизни баёнига бирор сабаб кўрсатинг.
М	Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.
У	Фикрингизни умумлаштиринг.

Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар:

- Дашти Қипчоқ ҳудудларида XIV асрларидаги сиёсий ҳаётнинг асосий хусусиятлари нималарда кўринади?

- Шайбонийхон Мовароуннахрни босиб олгунча темурийлар билан қандай муносабатда бўлган?
- Бобурнинг тарих саҳнасидаги ўрни.
- Шайбонийлар давлатида амалга оширилган ислохотларнинг моҳияти?
- Шайбонийлар давлатининг инқироzi сабабларини очиб беринг.
- Аштархонийларнинг ҳокимиятни эгаллаш жараёни қай тарзда рўй берди?
- Қайси хонлар аштархонийлар сулоласи орасида алоҳида ўринга эга деб
- Хива иноқларининг ҳокимиятдаги таъсири ошиб боришига қандай шарт — шароитлар таъсир кўрсатди?
- Қўнғиротдинг Хива хонлиги тахтига келиши қандай натижаларга олиб келди?
- XVI —XIX аср бошларида Хива хонлиги иқтисодий аҳвол қай тарзда мавжуд бўлган?
- Хива хонлиги иқтисодий ҳаётида ташқи савдонинг аҳамияти қандай эди?
- Хива хонлигидаги солиқ ва йиғимлар Бухоро хонлигидаги солиқ ва йиғимлардан нимаси билан хусусиятланарди ?
- Қўқон хонлиги ҳудуди, аҳолиси, этник таркиби ҳақида қандай маълумотларга эга бўлдингиз?
- XVIII асрда Қўқон хонлигида ичик курашларнинг кучайишини нималарда кўриш мумкин?
- XVIII асрда Қўқон хонлигининг ижтимоий – иқтисодий аҳволи қандай ҳолтада эди?
- XVIII асрда Қўқон хонлиги маданиятининг тараққий этиши жараёнларини кўрсатиб беринг.
- XVIII аср ва XIX аср бошларида Тошкент беклигининг сиёсий мавқеи ва аҳолиси ҳақида нималарни биласиз?

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

10-мавзу	ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XX АСРДА
----------	---

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони:60-70 гача
Машғулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	- Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий маъмурий бошқарув тизими - Туркистон генерал-губернаторлигида полиция ва суд ҳокимияти - Туркистон генерал-губернаторлигида аграр сиёсат - Шўролар тузumi давридаги давлатчилик жараёнлари
Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбек давлатчилиги XIX аср иккинчи ярми ва XX асрда ҳақида маълумот бериш	
Педагогик вазифалар: - Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий маъмурий бошқарув тизими ҳақида маълумот бериш - Туркистон генерал-губернаторлигида полиция ва суд ҳокимияти ҳақида маълумот бериш - Туркистон генерал-губернаторлигида аграр сиёсат ҳақида маълумот бериш - Шўролар тузumi давридаги давлатчилик жараёнлари ҳақида маълумот бериш	Ўқув фаолияти натижалари: - Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий маъмурий бошқарув тизими ҳақида маълумотга эга бўладилар; - Туркистон генерал-губернаторлигида полиция ва суд ҳокимияти ҳақида маълумотга эга бўладилар; - Туркистон генерал-губернаторлигида аграр сиёсат ҳақида маълумотга эга бўладилар; - Шўролар тузumi давридаги давлатчилик жараёнлари ҳақида маълумотга эга бўладилар;
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали маъруза, суҳбат, инсерт жадвали
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий

<i>Таълим бериш воситалари</i>	<i>Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар</i>
<i>Таълим бериш шароити</i>	<i>ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория</i>
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	<i>Оззаки назорат: савол-жавоб</i>

**1.2. “Ўзбек давлатчилиги XIX аср иккинчи ярми ва XX асрда” маъруза
машғулотининг технологик харитаси**

Иш босқичла ри ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Машғулоти мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништилади. (1илова) 1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништилади. (2 илова) 1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништилади (3-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар Тинглайдилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4 илова) 2.3. Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида инсерт жадвали пед технологияси ўтказилади. (5 илова) 2.4. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар берилади. (6 илова)	Тинглайдилар, ёзадилар. Топшириқлар бўйича ишлайдилар Саволларга жавоб берадилар
3. Яқуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, 3.2 Мавзу юзасидан яқунловчи хулоса қилади. 3.3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади.	Саволлар берадилар. Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Мавзу: Ўзбек давлатчилиги XIX аср иккинчи ярми ва XX асрда

Режа:

1. Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий маъмурий бошқарув тизими
2. Туркистон генерал-губернаторлигида полиция ва суд ҳокимияти
3. Туркистон генерал-губернаторлигида аграр сиёсат
4. Шўролар тузуми давридаги давлатчилик жараёнлари

Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбек давлатчилиги XIX аср иккинчи ярми ва XX асрда ҳақида маълумот бериш

Ўқув фаолиятининг натижаси: Ўзбек давлатчилиги XIX аср иккинчи ярми ва XX асрда ҳақида маълумотга эга бўладилар.

2 илова

Адабиётлар:

1. Ўзбекистонинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакаси даврида. Т., «Шарқ». 2000.
2. Ўзбекистонинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Т., «Шарқ». 2000.

3 илова

Ҳар бир маъруза ва амалий машғулот учун 5 дан 2 баллгача қўйилади.

Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:

- 5 балл - «аъло»
- 4 балл - «яхши»
- 3 балл - «кониқарли»
- 2 балл - «кониқарсиз»

4-илова

1 режа

Подшо Россияси Туркистон улкасини босиб олгач, жахоннинг энг йирик мустамлакачи давлатига айланди. Европада Россияга нисбатан «улкан микдордаги мулк угриси» деган кинояли ибора ишлатила бошланди. Европа ва Осиёнинг бир кисмини уз ичига олган бу империя бошқа мустамлакачи давлатлардан фаркли равишда узига хос мустамлакачилик тизимини юзага келтирди. Бундай зуравонлик ва зулмга асосланган мустамлакачилик тизими Туркистонда кенг куламда амалга оширила бошланди. Бу сиёсат маҳаллий халқларга мутлақо ишонмаслик, уларни назарга илмаслик каби ута миллатчилик руҳидаги сиёсат асосига қурилган эди.

Туркистонда бошқарув тизими бутунлай харбийлаштирилган ҳокимият ихтиёрига тулалигича топширилган бўлиб, уларнинг кулида чекланмаган ва ҳеч қандай инсоний ҳуқуқларни тан олмайдиган ҳокимият тизими шакиллантирилган эди. «Бу жойда бизнинг умумий душманимиз-мусулмонлик ва ёввойилиқдир» - дея харбий вазир Милютинга мактуб йуллаган генерал Кауфман 1868 йил 22 январда Тошкент жамоатчилиги вакиллари олдида сузлаган нутқида русларни Туркистон аҳолисининг катта оғалари деган фикрни илгари сурди.

Маҳаллий маслаҳатчи Ф.Гирс бошчилигидаги Дашт Комиссияси (1865-1867) Туркистон улкасида қандай бошқарув тизими урнатиш лозимлиги ҳақида бир қанча таклифларни подшога баён қилди. Подшо Александр II бу лойиҳаларни «Урта Осиёдаги мулкларни узлаштириш бўйича Махсус кумита» диккатга ҳавола қилди. Бундаги амалдорлар Туркистон аҳолисига ута паст назар билан қараб, улқа аҳолисини «ёввойилик ва қолоқликда» айбситиб, бошқарувнинг факатгина марказлаштирилган харбий ҳокимияти жорий этилиши зарур деган ҳулосага қелдилар. Бу ҳокимият расман «харбий халқ бошқаруви» деб номланган бўлсада, амалда тулалигича харбийлар кулида эди.

1867 йилда харбий вазир Милютин Туркистон улкасини бошқариш тугрисидаги Вактли Низом лойиҳасини подшолик вазирлар кумитаси тақдим этди ва бу кумита томонидан тасдиқланган ушбу лойиҳа қонун сифатида қучга қиритилди. Бунга қура

марказий фукаролик ва харбий бошқарув тизими тулалигича генерал губернатор кулига топширилди. У айти вақтнинг узида туркистон харбий округи бош кумондони ҳам эди. Марказий давлат бошқарувидан бошқарувнинг энг куйи погоналаригача ҳокимият харбий кулига топширилди. Бу бошқарув тизими Туркистон улқаси ва аҳолисини хар томонлама мустамлақачилик сирмоғига солиш билан машғул булди ва айрим узғаришлар билан 1917 йилга қадар давом этди.

Туркистон генерал-губернаторлигида жорий қилинган бошқарув усули маҳаллий аҳоли устидан тула назорат қилиш имконини бера оладиган тарзда қилиб ташкил этилган эди.

Марказий улқа бошқаруви генерал губернатори, унинг Кенгаши ва маҳкамасидан иборат булган.

Туркистон генерал губернатори уз қулида харбий ва фукаролик ҳокимиятини бирлаштирган эди. Айти вақтнинг узида у подшо ноиби, харбий округ қушинлари кумондони, Еттисув казак қушинлари кумондони, бош миршаб ва бош прокурор вазифаларини ҳам уз қулида бирлаштирган эди.

Туркистон генерал губернатори Россияга вассал ҳисобланган Бухоро амирлигини Россия император сиёсий агентлиги (1885-1917) ва Хива хонлигини Амударё бўлими (1873-1918) бошлиқлари орқали назорат қилинган.

Улқа бошқарувининг энг долзарб масалалари генерал губернаторлик кенгаши томонидан ҳал этилган. Бу кенгаш уз таркибига харбий гувернатор, суд палатаси раиси, прокурор, округ штаби бошлиғи, генерал губернатор ёрдамчисини қиритган эди.

Шунингдек, марказий бошқарувда турт маҳкамадан иборат генерал губернатор маҳкамасининг ҳам урни қатта булган. Биринчи бўлим маъмурий ва назорат ишларини, иккинчи бўлим бош бошқарманинг молиявий ҳужалик ишларини, учинчи бўлим солиқлар, шаҳарлар маблағлари ва бошқарувга доир лойиҳалар тайёрлаш ишларини назорат қилган бўлса, туртинчи бўлим махсус бўлим булган. Бу бўлим 1886 йилгача фаолият юритган ва харбий ҳамда адлия вазирлиқлари курсатмаларига ҳам амал қилмаган.

Генерал губернаторнинг дипломатия идораси Бухоро амирлиғи, Хива хонлиғи, Афғонистон ва Қошғар билан муносабатларини мувофиқлаштириш ишлари билан шугулланган. Генерал губернатор маҳкамаси ихтиёрида Туркистон оммавий кутубхонаси, Тошкент музейи, марказий архив, «Туркестанские ведомости» ва «Туркистон вилоятининг газети» газеталари ва босмаҳона ҳам булган.

Туркистон улқаси марказий бош бошқармасида генерал губернаторга бўйсунмайдиган адлия, молия, зироат ва давлат мулклари вазирлиқларига қарашли идоралар ҳам булган ва улар туғридан-туғри подшога бўйсунган.

Туркистон генерал губернаторлиғи бешта вилоятдан иборат бўлиб, улар Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспийорти вилоятлари эди. Вилоятлар подшо томонидан тайинланган харбий губернаторлар ихтиёрида булган. Бир вақтнинг узида улар вилоят харбий қушинлари кумондони вазифасини ҳам бажарганлар. Вилоятдаги маъмурий, полиция ва суд ҳокимиятлари ҳам харбий губернаторларга бўйсунган.

Вилоятлар уз навбатида уездларга бўлиб бошқарилган. Уездлар уезд бошлиқлари томонидан идора этилган. Сирдарё вилояти Тошкент, Авлиёота, Қазалинск, Перовск, Чимкент; Фарғона вилояти Марғилон, Андижон, Уш, Қукон, Наманган; Самарқанд вилояти Жиззах, Ҳужанд, Самарқанд; Еттисув вилояти Верний, Қопал, Лерсин, Пишпак, Пржевальск; Каспийорти вилояти Ашхобод, Красноводск, Мангишлок, Марв, Тажан, уездларига бўлинган.

Уездлар участкаларга бўлиб идора қилинган. Участкалар эса уз навбатида маҳаллий маъмурий амалдорлар бошқарадиган маъмурий ҳудудларга бўлинган.

2 режа

Мустамлакачи суд ҳокимияти Туркистонда империянинг мустамлака сиёсатини амалга оширишда асосий таянч маъмурий ва мажбурий қилувчи ҳокимият бугини булган. Туркистондаги мустамлакачи суд ҳокимияти чекланмаган катта ваколатларга эга булган. Бош миршаб ва бош прокурор вазифаларини генерал-губернаторнинг узи бажарган. Маъмурий бошқарувнинг ҳар бир бугини бошлиғи уз қулларида суд ишлари ва миршаблик ишлари бўйича ҳам катта ваколатларга эга булганлар.

Туркистон шаҳарларида полицмейстер лавозими жорий этилган бўлса, Тошкентда янги ва эски шаҳарларда алоҳида полицмейстерлар иш олиб борганлар. Уларга полиция приставлари бўйсунган ва қуп сонли миршаблар ҳам уларнинг измида булган.

Туркистонда суд ҳокимияти икки хил - империя судлари ва халқ судларидан иборат булган.

Империя судлари империя қонунлари асосида фаолият юритган бўлса, халқ судлари шариат қонун-қоидалари асосида фаолият юритган.

Судлар, туман судлари, суд палатаси ҳуқуқидаги вилоятлар бошқармалари, мировой судлар қурултойлари ва ҳарбий судлардан иборат булган. Давлатга қарши жиноятлар ва бошқа турдаги сиёсий жиноятлар, давлат мулкани угирлаш ва талон-тарож этиш ва бошқа шу қаби жиноятлар империя судлари томонидан қуриб чиқилган. Мухим ва огир ҳисобланган жиноий ишлар эса ҳарбий судлар томонидан қурилган. сиёсий булмаган ва асосан маҳаллий аҳоли томонидан содир этилган майда жиноятлар шариат қозилари томонидан қуриб чиқилган, бироқ улар рус миллатига ва европаликларга мансуб шахсларнинг жиноий ишларини қуришга ҳуқуқсиз булганлар.

1886 йилда қабул қилинган «Туркистон улқасини бошқариш тугрисидаги Низом» га қура, судлар фаолиятига бир оз узғартиришлар киритилди ва туман судлари бекор қилинди. Вилоят прокурори ва унга ёрдамчи муовин, суд терговчиси лавозимлари жорий этилди.

1893 йил 2 июнда Россия империяси Давлат Кенгаши томонидан суд соҳасидаги ислохотлар тизими тасдиқланди. Унга қура, Тошкент шаҳрида суд палатаси, вилоятларда эса биттадан округ судлари таъсис этилди.

1899 йил 14 майда очилган Тошкент суд палатаси барча судлар устидан назорат ишларини ҳам олиб борарди.

Маҳаллий судлар эса, юқорида таъкидлаганимиздек, сиёсий тусга булмаган барча фуқаролик ишларини қуриб чиқиш ҳуқуқида эга эди.

Шаҳарлар ҳамма тарихий даврларда булганидек, XIX аср иккинчи ярмида ҳам сиёсий ҳарбий, иқтисодий ва маданий марказлар вазифаларини бажарганлар.

Туркистон генерал губернаторлигига қарашли Тошкент, Самарқанд, Қукон, Марғилон, Андижон, Наманган, Ашхобод йирик шаҳарлардан саналса, маҳаллий аҳамиятга эга булган Чимкент, Туркистон, Хужанд, Жиззах, Каттақургон қаби шаҳарлар ҳам узига хос аҳамиятга эга булган шаҳарлардан ҳисобланган.

Босқинчиларнинг Урта Осиёни мустамлакага айлантириши баробарида Қазалинск, Петро-Александровск, Скобелев, Черняевка қаби шаҳарлар ва аҳоли турар жойлари барпо этилди. Босиб олинган шаҳарларда руслар яшайдиган алоҳида турар-жойлар барпо этилди ва шаҳарлар янги ҳамда эски шаҳарлар қисмларга ажратилди. Эски шаҳар аҳолисининг янги шаҳарлар ҳудудларига утишлари қатъиян таъқиқлаб қуйилди. Бу ҳам миллий қамситишнинг бир қурилиши эди. Янги шаҳарларда аҳолининг яшашлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Шаҳарларда рус миллатига мансуб фуқароларнинг савдо-сотик

килишлари учун катта имтиёзлар берилди. Аксинча, мусулмон фукароларининг иктисодий жихатдан кучайиб кетмасликлари учун турли-туман чоралар курилиб турилди.

3 режа

Россия империясининг Туркистондаги аграр сиёсатидан кузлаган асосий ва бош мақсади улкани Россия манфаатлари учун хизмат килувчи хом-ашё базасига айлантириш ва энг серхосил ерлар жойлашган худудларга рус дехконларини келтириб урнаштириш эди. Шунингдек, Россия империяси ер сув муносабатлари Урта Осиёда уз хукмронлигини мустахкамлаш ва унинг имкониятларидан уз манфаатлари йулида фойдаланишни кузда тутган эди.

1886 йилги низомга кура, рус дехконларинг Урта Осиёга кучиб келишлари учун катта имтиёзлар берилди. Шунингдек, бу низомга кура, «буш ётган давлат ерларига» биринчи навбатда харбий хизматдан бушатишган харбий хизматчиларни куйиш кузда тутилди.

Империянинг Туркистондаги ер сув масалаларига доир сиёсатида куйидаги сиёсат амалга оширилди:

- Туркистонда барча ерлар давлат мулки деб эълон килинди, утрок махаллий аҳолига ер мероси якка жамоа эканлиги тариқасида, кучманчи аҳолига эса азалий дехкончилик одатларига риоя этилган ҳолда, муддати чекланмаган ҳолда жамоа бўлиб фойдаланиш учун топширилди;
- Утрок аҳоли яшайдиган жойларда ер, ундан амалда фойдаланганга бириктириб куйилди;
- Дастлаб вакф ерларига солиқ жорий этилган бўлса, кейинроқ бу мулклар бутунлай тугатилиб юборилди;
- Шахар ташқарисида махсус кучирув фондларидан ташқари рус аҳолисига ер ажратиш таъқиқланди;
- Европаликлар, хусусан, руслар томонидан махаллий аҳоли ерларини сотиб олиш мутлақо таъқиқлаб куйилди ва бу қонун 90-йилларнинг охиригача сақланиб қолинди.

Булар билан бирга солиқлар ҳам империя манфаатлари нуқтаи назаридан қайта куриб чиқилди ва кучайтириб юборилди. Асосий эътибор пахта етиштиришга қаратилди ва янги ерлар сугориш тармоқларини кенгайтириш кузда тутилди.

Рус мустамлакачи ҳукумати Туркистонда қишлоқларни бошқаришда 1867 йилги «Вактли Низом лойиҳаси»га амал қилди. Бу идора усули махаллий халқлар бошқарув сиёсатида зид бўлиб, Россиядаги русча идора усулида эди.

Бу Низомга кура, кучманчи аҳолига икки босқичли (волость ва овул), утрок аҳолига эса бир босқичли (оксоқоллар) бошқарув тизими жорий этилди.

Волость асосини мингдан икки минггача хонадон ташкил этса, овул жамоаларини юздан икки юзгача бўлган утовлар аҳолиси ташкил этган. Бу билан кучманчи аҳоли уртасидаги уруғчилик асосидаги бўлиниш барҳам топди. Бу сиёсат ҳокимиятга солиқларни белгилаш ва йигиб олишда ҳам қул келиб уни такомиллаштиришга ҳаракат қилди.

1886 йилги «Туркистон улқасини бошқариш тугрисидаги Низом»га кура утрок аҳолининг бир босқичли бошқарув тизими бекор қилинди ва икки босқичга айлантирилиб,

оксоколликлар волостьларга бирлаштирилди. Овул жамоалари ва оксоколлар вакиллари йигини барча сайловчилар йигилиши билан алмаштирилди.

Ахоли сайловлар йули билан волость ва оксоколликларга мингбошиларни сайларди. Мингбоши волость бошқарувчиси булиб, кишлоқ, овул оксоколи томонидан уч йил муддатга сайланган. У уз фаолиятини рус мустамлакачи маъмурияти тасдигидан утгандан сунггина бошлаган. Ахолининг «киргизлар ва сартлар» ибораси билан аташ 1886 йилги Низомга кура «утрок ва кучманчи» тарзида узгартирилди.

Волость бошқарувчисини сайловчилар вакилларининг курултойи сайлаган. Бунда икки номзод курсатилиб, иккинчиси унинг муовини булган. Бу номзодлар харбий губернатор томонидан тасдикланмаса, бекор қилинган ва бошқаси тайинланган ёки харбий губернатор курсатган шахс бу вазифага киришган. Шу тарика рус мустамлакачи ҳокимияти кишлоқлардаги бошқарув фаолиятини ҳам уз кулида мустаҳкам саклаб турган.

4 режа

1917 йил 27 февралда Петроградда буржуа-демократик инқилоби ғалабаси Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Натижада Туркистонда ҳам ишчи ва солдат депутатлари Советлари ва ҳар хил тоифалар вакилларида тузилган ижроия комитетлари ташкил этила бошланди. Тошкентнинг ҳамма даҳалари вакиллари тўпланиб «Шўрои Ислому» ташкилотини тузишган.

1917 йилнинг март ойида ўлка мухторияти масаласи Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият мақомини бериш ғояси нафақат демократик зиёлилар ўртасида, ҳатто оддий фуқаролар орасида ҳам кенг тарқалган.

31 март куни рус подшосининг ўлкадаги таянчи- Туркистон генерал губернатори ҳокимиятни тарк этди. 1917 йил 7 апрелда Муваққат ҳукумат қарори билан Шчепкин раислигида Туркистон комитети ташкил қилинган. 9 кишидан иборат бу комитет аъзоларининг 4 таси: Давлат Думасининг аъзоси А.Букейхонов, II-чақириқ Давлат Думаси аъзоси Махмуджон Тинишпаев, III-чақириқ Давлат Думасининг аъзоси Садри Низомович Мақсудов ва генерал майор Абдулазиз Давлатшин бор эди.

Ўлкамушшуронинг ташкилий бўлими таркиби қуйидагилардан : яъни, Заки Валидий, Фарид Тохирий, Толибжон Мусобой, Ямин Янбоев, Муҳаммадамин Афандизода, Низомиддин Асалий, қори Зиёбой, Муродхўжа Салимхўжа, Шокиржон Рахимий, Тузел Жонбой, Абдулла Авлоний, Салоҳитдин Муфтизода, Пири Мурсилзода ва Муҳаммаджон Пошшахўжаевлардан иборат бўлган.

Ўлкамушшўро ҳузурида маориф бўлими ҳам ташкил қилинган. Унинг таркибига Мунаввар қори, Заки Валидий, Бурхон Хабиб, Пўлатхон Пошшабеков, Абдулқоси Аминзода, Абдусалим қори, Рустамбек Юсуфбек, Иброҳим Тохирий ва бошқалар сайланган. Туркистоннинг бирлиги ва яхши томон муҳим қадам қўйилди.

Бирлашиш жараёнлари ҳар доим ҳам бир текисда ривожланавермайди. Мунаввар қори бошчилигидаги, Шўрои Исломидаги 1917 йил июн ойида асосан диний уламолардан ташкил топган «Шўрои Уламо» ажралиб чиққан.

Тошкентдаги ишчи ва солдат депутатлари Совети мусулмонлар ўртасидаги ушбу бўлинишдан усталик билан фойдаланишга уринишган. Сентябрь воқеалари натижасида Тошкет Совети ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилган.

1917 йил 10 сентябрда Тошкентда Бутунтуркистон мусулмон-ларининг II-курултойи очилди. Ушбу курултой ҳокимиятни солдат ишчи ва деҳқон депутатлари Советларига беришга қарши чиқди. Сентябрь воқеалари жамиятдаги сиёсий қарама-қаршилиқларни кес-кинлаштириб, ўлкадаги ишчилар ҳаракати билан миллий ҳаракатнинг кейинги йўллари бир-биридан ажратиб юборди.

Тошкетда 1917 йил 17-20 сентябрда Туркистонлик ва козоқ мусулмонларининг қурултойида «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», «Турон» ва бошқаларни бириктириш йўли билан бутун Туркистон ва учун умумий бўлган «Иттифоқи муслимин» деган сиёсий партия тузишга қарор қилинган.

«Уламочилар» қурултойидаги асосий масала Туркистон ўлкаси-нинг бўлғусини сиёсий бошқаруви тўғрисида бўлиб, унда демократик Россия таркибида ҳудудий федерация «Туркистон федератив Республикаси» тузилиши ғояси олға сурилди. Феврал инқилобининг таъсири билан Туркистонда қасаба уюшмалари оммавий равишда ташкил этилди, маҳаллий халқлар тилларида газеталар чиқа бошлади.

Туркистон большевиклари ўлкадаги бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун шафқатсиз кураш олиб борди.

1917 йил 15-22 ноябрда Тошкент шаҳарда бўлиб ўтган ишчи солдат ва деҳқон депутатларининг III-ўлка съездида ҳокимият масаласи ҳал қилинди. Бунда 15 кишидан иборат Туркистон Халқ Комиссарлари Совети тузилди. (18 сўл эсер ва 7 большевик). ҳуку-матга маҳаллий аҳолидан бирорта ҳам вакил киритилмади. Шерали Лапин бошчилигидаги «Уламочи»лар, меншевик ва сўл эсерларнинг Ўлка Совети таркибига мусулмон вакиллари ҳам киритиш бораси-даги таклифлари инobatга олинмади.

Россия Халқ Комиссарлари Совети 2 ноябрда «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси ва 20 ноябрда «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожатнома эълон қилди. Декларация-да халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқ расмий равишда тан олинди; ҳаттоки ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи берилди; ҳамма ва ҳар қандай миллий ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи берилди; ҳамма ва ҳар қандай миллий, диний ва бошқа чекланишлар бекор қилинди.

Кўп ўтмай, Туркистон ХКС «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо» ташкилотларини тарқатиб юборилган.

2. Туркистон АССРнинг ташкил топиши ва унинг 1918, 1920 йиллардаги Конституциялари.

1917 йил 26-28 ноябрда Қўқон шаҳрида Туркистон ўлкаси мусулмонларининг фавқулодда 4-қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда демократик мусулмон зиёлилар талаби билан Туркистон аҳолисининг европали вакиллари ҳам кенг ҳуқуқли бўлиб иштирок этишган. Туркистоннинг бошқариш тузуми тўғрисидаги масала уч кун давом этган қурултойнинг диққат марказида турган.

Қурултойнинг барча вилоятларидан вакил бўлиб келган қарийиб 200 га яқин қатнашчилари билан мухторият ва мустақиллик эълон қилиш ғоясини қўллаб-қувватладилар.

Қурултойда қабул қилинган қарорда «Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Россия таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилдилар».

28 ноябрда таркиб топаётган давлатнинг номи аниқланиб «Туркистон мухторияти» деб аталадиган бўлган. Бутунроссия таъсис мажлиси чақирилгунга қадар, ҳокимият Туркистон Муваққат кенгаши ва Туркистон халқ (миллат) мажлиси қўлида бўлиши керак эди. Туркистон Муваққат кенгаши аъзоларидан тузилган Муваққат ҳуку-мати ҳайъати таркибига 8 киши Муҳаммаджон Танишбоев- бош вазир, ички ишлар вазири, Ислom Шоахмедов бош вазир ўринбосари, Мустафо Чукай- ташки ишлар вазири, Убайдулла Хўжаев- ҳарбий вазир сайланди, улардан 4 ўрин русий забон аҳоли вакилларига ажратилган.

Қурултой жараёнида Туркистон Миллат мажлиси 54 кишидан иборат қилиб сайланди, шундай 2/3 қисми, яъни 36 нафари маҳаллий аҳолидан эди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати қисқа фурсат ичида халқ ўртасида катта эътибор қозонди. Фитрат мухторият эълон қилинган кунни «миллий лайлатурқадримиз» деб атади.

Туркистон Мухториятини кўпгина номусулмон фирқа ва жамоат ташкилотлари ҳам қўллаб-қувватладилар. Шаҳарларда тантанали намойишлар бўлади, миллий ва рус матбуотида уни мадҳ этувчи, барча миллатлар манфаатига мос эканлиги ҳақида ўнлаб мақола ва чақириқлар босилади. Шунга қарамай, у 72 кун ҳаёт кўрди. Шўро ҳукумат 1918 йил феврида Мухториятни ва Қўқон шаҳри аҳолиси-ни қонга ботирди, уч кунлик қирғинда шаҳарда 10 000 киши ўлдирилди.

Туркистон Мухтор Совет Республикаси Туркистон ўлкаси Советларининг V-курултойида ташкил этилди. Ўлка Советларининг курултойи 1918 йил 20 апрелда ўз ишини бошлади. Унда 263 та мандатга эга бўлган вакиллар катнашдилар. Шулардан 86 киши фирқасиз эди. курултой иштирокчиларининг атига 20%гина маҳаллий халқ вакиллари ташкил этарди.

23-26 апрел кунлари курултой саноат корхоналарини миллийлаштириш, темир йўл траспортидаги ишларнинг бориши, ер-сувга доир тадбирларни амалга ошириш, ҳарбий қурилиш, Туркистондаги озик-овқат масаласининг аҳволи каби масалаларни муҳокама қилди ва қарор қабул қилди. 27 апрелда қабул қилинган «Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги дек-ларациясида очикдан очик мустамлакачилик руҳидаги қарор қабул қилинди. Унда: «Туркистон Россия Федерациясининг таркибий қисми бўлиб қолади» дейилган эди.

30 апрелда шахсан В.И.Лениннинг кўрсатмасига асосан, курултой РСФСР таркибига кирувчи Туркистон Мухтор Совет Республикасини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Туркистон АССРнинг 1920 йил Конституцияси ТАССРнинг 1918 йил Конституциясининг Туркес-публикасининг ҳуқуқлари тўғрисидаги айрим бандларига аниқлик киритди, айримларини чиқариб ташлади.

Туркистон АССРнинг 1918 йилги конституциясида мудофаа, ташқи алоқалар, почта, телеграф, денгиз иши, темир йўллар, ташқи савдо, саноат ва молия федерал бошқарув ваколатларига мансублиги кўрсатилган бўлса-да. Шунга қарамай бу масалалар билан бевосита туркистон марказий ижроия кўмитасига бўйсунувчи махсус комиссияриятлар шуғулланган.

ТАССРнинг 1918 йилги конституциясига кўра Туркистон республикасида Ташқи Ишлар бўйича Коммисариат, ҳарбий Ишлар бўйича Коммисариат, Почта ва Телеграфлар Коммисариат, Молия Ишлари бўйича Коммисариат, Алоқа йўллари бўйича Коммисариат ва бошқалар фаолият кўрсатган. Буларнинг ҳаммаси ўша пайтда федерал органлар ва Туркистон республикаси органлари ўртасида фаолият доираларининг чегараланиши ҳал бўлмаган.

Бошқа совет республикаларидаги бўлгани каби Туркистон АССРнинг характерли белгиси автономиянинг Совет ҳокимияти асосида, пролетариат диктатураси принциплари асосида қурилган-лиги эди.

Давлат ва жамият ташкилотларининг тизимида етакчи ўринни Туркистон Коммунистик Партияси – ишчилар коммунистик партиясининг таркибий ва бўлинмас қисми эгаллаган.

1920 йил 20 январдаги Хива Кизил Армия кушинлари томонидан ишғол қилиниб Жунаидхон ҳокимияти ағдариб ташланди. 2 февралда Саид Абдулла тахтдан воз кечди ва ҳокимиятни муваккат инқилобий ҳукуматга топширди. 1920 йил 26 апрель кун ишчилар халқ вакилларининг бутун Хоразм И курултойи унинг Конституциясини қабул қилди. Курултой


республика ҳукумати-Халқ нозирлар Советини тузди. Унинг раиси этиб ёш хиваликлар етакчиларидан бири - Полвонниёз Юсупов, уринбосарлари этиб сайландилар. Нозирлар лавозимига эса коммунистлар билан биргаликда ёш хиваликларнинг вакиллари ва туркман уруғ бошликлари тайинланди.

Бухорода эса амир ҳокимияти 1920 йил 2 сентябрда ағдарилди. 14 сентябрда Умумбухоро инқилоб комитети ва Республика ҳукумати-Халқ Нозирлари Совети тузилди.

Унинг раиси этиб Файзулла Хужаев тайинланди. Умумбухоро инқилоб комитети ва хукумат асосан коммунистлардан тузилган эди. 1920 йил 6-8 октябрь кунлари булиб утган халк вакилларининг 1-умумбухоро курултойи Бухорони халк Совет Республикаси деб эълон қилинди.

Хоразм ва Бухоро халк республикалари янги типдаги давлатлар эди. Уларнинг сиёсий тизими бир-бирига ухшарди. Партия, хокимият тузилмалари, жамоат ташкилотларида дастлабки йилларда жамиятнинг барча табакалари-деҳконлар, мусулмон рухонийлар, савдогарлар иштирок этдилар.

5-илова



Инерт жадвали

V	+	-	?

(талабалар)нинг билимлари баҳоланади

6-илова

Мавзуни мустахкамлаш учун саволлар

1. Ўрта Осиё хонликларининг Россия импеияси томонидан босиб олинишининг асосий сабабларини айтиб беринг.
2. Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий маъмурий бошқарув тизими нималарга асосланган эди?
3. Туркистон генерал-губернаторлигида полиция ва суд ҳокимиятининг асосий хусусиятлари нималарда кўринади?
4. Туркистон генерал-губернаторлигида шаҳарлар бошқаруви тартиби қандай эди?
5. Туркистон генерал-губернаторлигида аграр сиёсатидан кўзланган мақсад?
6. Шўролар тузumi давридаги давлатчилик масалаларида юзага келган зиддиятларни айтиб беринг
7. XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасининг маъмурий тузилиши қандай эди?
8. Феврал демократик революцияси Туркистон ўлкасини сиёсий шароитига қандай таъсир қилган?
9. «Шурои Исломия»нинг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

11-мавзу	МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН - ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИДАГИ ЯНГИ БОСҚИЧ
-----------------	---

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Машғулот вақти-2 соат</i>	Талабалар сони:60-70 гача
<i>Машғулот шакли</i>	Маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	• Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тизимининг шакллантирилиши • Ўзбекистонда Қонун чиқарувчи ҳокимият • Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимият ва унинг тармоқлари. Ўзбекистонда суд ҳокимияти
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Мустақил Ўзбекистон - давлатчилигимиз тарихидаги янги босқич ҳақида маълумот бериш	
<i>Педагогик вазифалар:</i> онда давлат ҳокимияти тизимининг гирилиши ҳақида маълумот бериш онда Қонун чиқарувчи ҳокимият ҳақида т бериш онда ижро этувчи ҳокимият ва унинг ри. Ўзбекистонда суд ҳокимияти ҳақида т бериш	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> 1. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тизимининг шакллантирилиши ҳақида маълумотга эга бўладилар 2. Ўзбекистонда Қонун чиқарувчи ҳокимият ҳақида маълумотга эга бўладилар; 3. Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимият ва унинг тармоқлари. Ўзбекистонда суд ҳокимияти ҳақида маълумотга эга бўладилар;

<i>Таълим бериш усуллари</i>	<i>Кўргазмали маъруза, суҳбат, инсерт жадвали</i>
<i>Таълим бериш шакллари</i>	<i>Оммавий, жамоавий</i>
<i>Таълим бериш воситалари</i>	<i>Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар</i>
<i>Таълим бериш шароити</i>	<i>ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория</i>
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	<i>Оғзаки назорат: савол-жавоб</i>

1.2. “Мустақил Ўзбекистон - давлатчилигимиз тарихидаги янги босқич” маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Машғулот мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. (1илова) 1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништиради. (2 илова) 1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (3-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар Тинглайдилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намоиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4 илова) 2.3. Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида инсерт жадвали пед технологияси ўтказилади. (5 илова) 2.4. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар берилади. (6 илова)	Тинглайдилар, ёзадилар. Топшириқлар бўйича ишлайдилар Саволларга жавоб берадилар

3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, 3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади. 3.3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади.	Саволлар берадилар. Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.
---	--	--

1-илова

Мавзу: Мустақил Ўзбекистон - давлатчилигимиз тарихидаги янги босқич

Режа:

1. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тизимининг шакллантирилиши
2. Ўзбекистонда Қонун чиқарувчи ҳокимият
3. Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимият ва унинг тармоқлари. Ўзбекистонда суд ҳокимияти

Ўқув машғулотининг мақсади: Мустақил Ўзбекистон - давлатчилигимиз тарихидаги янги босқич ҳақида маълумот бериш

Ўқув фаолиятининг натижаси: Мустақил Ўзбекистон - давлатчилигимиз тарихидаги янги босқич ҳақида маълумотга эга бўладилар.

2 илова

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., “Ўзбекистон”. 1992.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон”. 1998.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т., "Шарқ

3 илова

Ҳар бир маъруза ва амалий машғулот учун 5 дан 2 баллгача қўйилади.

Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:

- 5 балл - «аъло»
- 4 балл - «яхши»
- 3 балл - «кониқарли»
- 2 балл - «кониқарсиз»

4-илова

1 режа

ОЛИЙ МАЖЛИС

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, Қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (Қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Қонунчилик палатаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати - беш йил.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қуйи палатасидир.

Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади.

СЕНАТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палатаси) ҳудудий вакиллик палатасидир.

Сенат аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли Қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенат иши ялпи мажлисларга (бундан буён матнда мажлислар деб юритилади) ва унинг Қўмиталари мажлисларига тўпланадиган сенаторлар фаолиятига асосланади.

Сенатда ҳудудий мансубликка кўра ҳамда сиёсий ёки бошқа асосда гуруҳлар тузишга ёл Қўйилмайди.

ҲУКУМАТ

Вазирлар Маҳкамаси - Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати - иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, Қонунлар ижро этилишига, Олий Мажлисининг бошқа МҚарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг ижро Метувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

